Замонавий шаҳар муҳити бир қанча ижтимоий муҳим объектлардан таркиб топган, булардан асосийлари: архитектура иншоотлари, ландшафт ва ташқи реклама объектлари. Ушбу объектлар инсон ҳаётида икки хил аҳамиятга эга: прагматик ҳамда эстетик. Муҳитни прагматик ҳамда эстетик баҳолаш турли тадқиқотчилар томонидан ўз соҳа мутахассисликлари доирасида амалга оширилган.

Муҳитни эстетик баҳолашнинг муҳим асоси бўлиб инсон фаолияти ҳисобланади. Таъкидлаш жоиз, шаҳар муҳитини инсон, ўз фаолияти ва айни дамда бажараётган роли (бирон жойга шошилган ёки аксинча турист сифатида, пиёда ёки транспортда кетиш) нуқтаи назаридан турлича қабул қилади. Бошқа санъат турларидан фарқли ўлароқ шаҳар муҳитидаги ландшафт, архитектура ва реклама объектларини англаш ва эстетик қабул қилиш, доим ҳаракат жараёнида амалга ошади. Шундай экан ушбу объектлар атроф муҳитининг турли нуқталарида инсонга турлича визуал информацияларни узатади. Аммо умумий ҳолда улар ягона, комплекс ҳиссиётларни юзага келтиради. Бунда, томошабин ўзининг психологик установкалари, шахсий табиати ҳамда касбидан қатий назар, ушбу замонавий шаҳар муҳитининг асосий учта объектлари архитектура, ландшафт ва шаҳарнинг аҳамиятли безакли информацион таркиби бўлган ташқи рекламани бир бутун, умумий композицион шаклда қабул қилади. Яъни инсоннинг визуал эстетик қабул қилиш диққат марказида ушбу учта таркиб уйғунлиги, гўзаллиги ўрин эгаллайди. Инсоннинг визуал, комплекс қабул қилган информацияларига берадиган эстетик баҳоси эса унинг дунёқараши, касбий қизиқишлари ва бадиий дидига асосланади.

Шаҳар муҳитини эстетик таҳлил қилишда ундаги объектларнинг бадиий ечими, яъни дизайнни бирламчи, асос муносабатларни шакллантиради. Бунда ҳар бир объектнинг индивидуал дизайни, ҳамда бир нечта объектларнинг умумлашма комплекс дизайни инсон тафаккурида турлича баҳолашни мумкин. Масалан, пойтахтимиздаги “Интерконтинентал” меҳмонхонаси биноси ташқи кўринишини яқка

ҳолда таҳлил қилиш томошабинда катта қизиқшни уйғотмаслиги, бадиий эстетик жиҳатдан ҳам юқори баҳоланмаслиги мумкин. Аммо, ушбу архитектура иншооти ўзи жойлашган муҳитнинг бошқа барча ёндош объектлари ва ландшафтиниинг бадиий ечими умумий комплекс ҳолда ушбу муҳитни шаҳарсозлик нуқтаи назаридан юқори эстетик баҳолашни кўрсатади.

Шаҳар муҳитидаги барча моддий объектлар утилитар ҳамда эстетик сифатларга эга. Ушбу сифатлар бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Муҳитнинг утилитар сифати, ундаги қулайликлар орқали аввал психологик, кейинчалик муҳитни эстетик қабул қилишга таъсир кўрсатиши мумкин. Яъни, инсон фаолият юргизаётган муҳит қанчалик қулай ва уни ўрганиш учун яратилган шароитлар юқори бўлса, ушбу муҳитни эстетик қабул қилиш ҳам самарали бўлади. Масалан, сайлгоҳ ёки кўргазма заллари муҳитини олсак, улардаги объектларни тўғри ва тартибли жойлашгани инсонга ушбу муҳитни психологик жиҳатдан осон англаш имконини беради. Муҳит борасидаги психологик осон ва аниқ қабул қилинган информация уни эстетик қабул қилишга, ҳиссий англашга имкон беради.

Шаҳар муҳитидаги предмет ва ҳодисаларни эстетик англаш ва баҳолаш бир нечта йўллар орқали амалга оширилади. Масалан, улардан бири *таққослаш* усулидир. Бунда томошабин муҳитдаги предмет ёки ҳодисани аналогли “идеал”лар билан солиштиради. Амалиётда бундай таққослаш жамиятда кечаётган барча янгилик ва ўзгаришларга нисбатан амалга оширилади. Масалан, “Тошкентленд” аттракцион боғининг бунёд этилишида, одамлар онгида уни АҚШнинг “Дисней Ленд” боғи билан солиштириш ва ундаги объектларнинг композицион ўхшашликларини эстетик баҳолаш жараёни кузатилди. Демак, нарса ва ҳодисаларни идеаллар билан таққослаш жараёни инсон онгида юзага келувчи эстетик муносабатларни шакллантиришда етакчи омил ҳисобланар экан.

Шаҳар муҳити турли ҳил ижтимоий-сиёсий таъсирлар натижасида аксарият ҳолларда стихиялик даражада шаклланади. Хаттоки шаҳарда бунёд этилаётган бинолар қурилиш жараёнида бино лойиҳасига мувофиқ бўлса, вақт ўтиши билан у турли ҳил қайта ўзгаришларга, ташқи кўриниши, ранги ва бошқа қўшимчаларга эга бўлади. Бино ободончилиги ўзгариб, иншоотларнинг ташқи юзалари турли ҳил реклама воситалари билан тўлдирилади. Ушбу трансформацияларнинг бадиий аҳамияти юқо-

ри бўлмаса ҳам, эстетик жиҳатдан замонавий шаҳарсозликда катта аҳамиятни касб этади.

Шаҳар муҳитини санъатшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилишда унинг бадиийлик ҳамда эстетиклик хусусиятларини англаш муҳим аҳамиятга эга. Бадиийлик ва эстетиклик тушунчалари бир-биридан моҳиятан бироз фарқ қилсада, уларни аниқ чегаралар билан ажратиш бўлмайди. Масалан, ушбу муаммони ўрта асрларга оид Бухоро ёки Самарқанд шаҳарлари мисолида кўриб ўтсак, уларнинг бадиийлиги ва эстетиклиги моҳиятини аниқ таҳлилий мисоллар орқали кўрсатиш мумкин. Ушбу даврда шаҳар муҳитидаги муҳим архитектуравий доминантлар алоҳида ҳолда *бадиий асар* сифатларини намоён этган (масалан, Самарқанддаги Тиллақори, Шердор ёки Улуғбек мадрасалари). Ўша давр шаҳарсозлигидаги архитектуравий объектларнинг бир системага солингани, доминант объектнинг шартли характери ҳамда уларни ландшафт билан мутаносиблиги ушбу муҳит объектлари уйғунлигини ифода этган. Бунда шаҳар *бадиий-эстетик* бир бутун бўлган.

Демак, юқоридаги фикрни янада ойдинлаштириш мақсадида мазкур муаммони замонавий Тошкент шаҳри мисолида кўриб ўтсак. Пойтахт марказидан ўрин эгаллаган “Шедевр” турар жой комплекси алоҳида ҳолда ўзининг замонавий меъморчиликдаги бадиий диди ва лойиҳа ғояси жиҳатидан архитектуравий бадиий асар сифатида қабул қилиниши мумкин. Мазкур объект атрофини ўраб турган ёндош объектлар “Симпозиумлар саройи”, “Туркистон” саройи, “Дедеман” меҳмонхонаси ва х.к.лар умумий комплекс ҳолда ушбу муҳитнинг марказий, элитар спецификага эга эстетик ҳолатини намоён этади.

Замонавий шаҳарсозликда ўзига хос эстетик ассоциацияларни яратиш учун тарихий мотивлардан мунтазам фойдаланилади. Бунда тарихий объектлар атайлаб қайтадан лойиҳалаштирилади. Ушбу аҳамиятли жараён муҳитни эстетик қабул қилишнинг *ассоциатив* усулини юзага келтиради. Масалан, бунинг амалдаги исботи “Сагаван” ресторанининг бадиий ечми. Ушбу ресторан ўзбек халқининг миллий-маданий ҳаёти ва қадриятларини ифода этиб, меҳмонни ўтмишнинг ширин хотиралари, ушбу маконга мансуб истеъмолчининг психологик ҳолатини ёшлик давлари билан ассоциациялайди ва бу орқали муҳитнинг эстетик аҳамияти ортади. Демак, муҳитни эстетик қабул қилишда инсон хотирасида муҳрланган, унинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган турли ассоциацияларнинг ҳам аҳамияти катта.

Шаҳар муҳитини эстетик таҳлил қилишда ундан ўрин олган безакли визуал информатсион коммуникация воситаларининг ҳам аҳамияти катта. Булардан энг кенг тарқалгани замонавий *ташқи реклама* воситаларидир. Реклама турли хил мазмун ва моҳиятни ифода этувчи белги ва рамзлар системасидан таркиб топган. Ташқи реклама воситалари ёрдамида шаҳар муҳитини эстетик қабул қилиш маълумотларни *семиотик (белгили) таҳлил қилиш* орқали амалга оширилади. Рекламада қўлланилувчи белги ва рамзлар инсон табиати ҳамда предмет дунёси билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу боғлиқликлар туфайли адресат психологик жиҳатдан рамзли маълумотларни тез англайди. Шаҳарни эстетик қабул қилиш жараёнида реклама воситаларидаги белгили маълумотлар худди архитектура иншоотлари сингари томошабинга тасвирий эмоционал таъсир кўрсатади. Аммо, рекламадаги белгилар барча инсонлар томонидан эстетик жиҳатдан бир хил қабул қилинмайди. Томошабиннинг ушбу белгиларни визуал психологик англаши ва унга берадиган эстетик баҳоси, унинг тафаккурида мазкур белги бора-сидаги мавжуд қарашлари, информацияларга боғлиқ. Яъни, шаҳар муҳитида визуал рекламани эстетик қабул қилиши учун инсон, ундаги белгили маълумотларни таниши ва уларнинг психологик характерини аниқ билиши даркор.

Шаҳарни эстетик қабул қилишда реклама ўзининг ёрқин колорити ҳамда шакли билан алоҳида аҳамиятга эга. Хозирги кунда Ўзбекистон шароитида шаҳар муҳитида реклама намуналарининг кун сайин ошиб бораётгани, уларни шаҳарни эстетик манзарасини шакллантиришдаги турли воситалар орасида етакчилик қилаётганини кўрсатади. Кўчаларда ҳаракатланиш жараёнида одамлар шаҳарнинг визуал таркибий қисмлари орасида айнан ташқи рекламаларга эътиборларини кўпроқ қаратади. Бу бир томондан, ушбу коммуникация воситасининг юртимиз территориясида жадал суратларда ривожланаётганини аниқлеса, бошқа томондан, визуал эстетик жиҳатдан реклама композициялари томошабинда катта қизиқиш уйғотаётганлигини аниқлатади.

Тадқиқот натижалари хулосаси сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин, шаҳар муҳитини эстетик қабул қилишда ундан ўрин олган объектларнинг аҳамияти юқори. Инсон шаҳарни эстетик англашда, ундаги объектларни умумий композицион бир бутунликда қабул қилади, яъни архитектура иншооти, у жойлашган шаҳар муҳити қисми ва қўшимча объектлар (реклама объектлари) инсонда комплекс таассуротларни шакллантиради. Ўзбекистон замонавий шаҳарсозлиги кун сайин янги

кўринишларга эга бўлиб бораётганлиги, уни архитектура, шаҳарсозлик, санъатшунослик фанлари доирасида чуқурроқ ўрганиш, бадиий эстетик жиҳатларини таҳлил қилишга бўлган талабни оширади.

Адабиётлар:

1. Дзикевиц С. А. Эстетика: Начала классической теории: Учебное пособие для вузов. – М.: Академический проект; Фонд “Мир”, 2011. 40 с.

2. Барышников. С.В. Городская культурная среда: становление и развитие. Социально-философский аспект: дисс. кан. филос. наук. 1999, Воронеж, 138 с.

3. Михайлов С.М. Дизайн современного города: комплексная организация предметно-пространственной среды (теоретико-методологическая концепция). Афтореф. Дисс.док.искусствоведения. – М.: 2011, 40 с.

ЎРТА ОСИЁ ШАҲАРЛАРИНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА РИВОЖЛАНИШИ

Султонов И.З. катта ўқитувчиси (СамДАҚИ)

The article is discussing formation and development of Central Asian town building and architecture in ancient time. Most of Central Asian cities formation dating back to V – VIII centuries.

Бешинчи асрда Кушон империясининг емирилиши, Эрон Сосонийларининг босқинчилик юришлари, Эфталитларнинг юришлари, туркхитой қабилаларининг сурункали хужумлари ва сиёсий-иқтисодий аҳволнинг тез-тез ўзгариб туриши Урта Осиё шаҳарларининг худудий, иқтисодий ва маданий ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди. Қадим ўтмишдан бери кўп сиёсий ўзгаришлар, урушлар, ҳукмронларнинг алмашуви, шу билан биргаликда табиатнинг таъсири натижасида Ўрта Осиё шаҳарларида илк ўрта (V-VIII) асрларда қурилган бинолари сақланмаганлиги, улар туғрисида маълумотлар асосан ёзма манбаълар ва археологик изланишлар асосида ўрганилган. Ушбу вақтдаги Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарлари аҳолиси кўпайиб, жадал ривожланиб тараққий этган бўлса, айрим йирик шаҳарлар, жумладан Хоразм, Мерв, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлар нисбатан ривожланиши маълум вақтга сезиларли сусайиб, айрим вақтларда эса ривожланган. Мазкур шаҳарлардан қисман аҳоли бошқа хавфсиз худудларга кўчиб ўтган. Бунга Заравшон воҳасининг юқори қисмида жойлашган Панжакент шаҳри мисол бўла олади. Самарқанд шаҳри ривожланиши сусайиб, аксинча Панжакент шаҳри тараққий этганлиги сабабли суғдларнинг Зарафшон воҳаси юқори қисми худуди ҳукмдор ихшидлар қўлига ўтган. Худди шундай ҳолат Бухоро шаҳрида ҳам руй берган деган тахминлар бор, чунки археологик қазилмалар натижасида ўрганилган Пайкент шаҳри V-VIII асрларда анча ривожланган бўлиб, мазкур шаҳар Бухоро шаҳридан кўчган савдогарлар шаҳри деб танилган. Пайкент шаҳри бошқаруви ҳукмдорсиз бўлиб, шаҳар илк савдогар зодгонлари жамоаси томонидан самарали бошқарилган.

Ушбу вақтда шаҳарлар арки(цитадель) билан ҳимоя деворлари билан ўралган бўлиб, шаҳар марказида ибодатхоналар, зодгонларнинг ва шаҳар ҳукмдорларининг қасрлари ва уй-жойлари жойлашган, унинг атрофида эса маъмуриятнинг ва ҳарбийларнинг бинолари жойлашган. Шаҳарнинг ушбу қисми «Арк» ёки «Кухандиз», яъни эски қалъа деб аталган. «Арк» ёки «Кухандиз» шаҳарнинг энг баланд қисмида жойлашган бўлиб, ҳимоя деворлари билан алоҳида уралган. Ундан кейин эса асосий аҳолининг, яъни ҳунарманд ва савдогарларнинг уй-жойлари, устохона бинолари ва албатта ҳунарманд-қосиблар дўконлари, савдо расталари, бозорлар жойлашган бўлиб, бу қисм «Шахристон» деб номланган. Шаҳарнинг ушбу худуди ҳам баланд ҳимоя деворлари билан чегараланган. Шаҳар атрофида эса ҳунарманд-қосиблар, савдогарлар ва деҳқонларнинг уй-жойлари жойлашган бўлиб, ушбу худуд «Рабод» деб аталган. Ушбу даврда ижтимоий ва сиёсий ҳаётда йирик феодаллар, ер эгаларининг мавқеи мустаҳкамланиб, иқтисодий жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик соҳаларининг аҳамияти кучайди. Йирик феодаллар шаҳар ташқарисида ўз Кўшқларини барпо этиб, атрофдаги ерларга яқка ҳукмронлик қилишган. Шаҳарларда ҳукмдорлар, маъмурият ва аксарият ҳунарманд ва декконларнинг фарзанларидан иборат ҳарбийлар қолган ва аҳоли сийраклашган. Ушбу ҳол Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларидан бири Мерв шаҳрида ҳам рўй берган.

Археологлар тадқиқоти ва тарихчиларнинг таъкидлаши бўйича бу вақтни Ўрта Осиё шаҳарлари ривожланишида рўй берган дезурбанизация, яъни шаҳарлар ривожланишининг сусайиши деб белгиланган. Демак, Ўрта Осиё шаҳарлари илк ўрта (V-VIII) асрларда уч

қисмдан - арк, шахристон ва рабоддан ташкил топган бўлиб, шаҳарлар турли хил модификацияда қурилган. Бухоро шаҳрида 10-асрда яшаб ўтган Наршахий «Бухоро шахристони бир-бири оралиғида боғлар ва далалар билан чегараланган турар-жой худудлари, хашаматли Кўшк (қаср)лардан иборат бўлиб, баланд ҳимоя девори билан ўралган» деб тарифлаган. Баъзи манбаъларда Ўрта Осиё шаҳарларининг Арк қисми олдинги антик даврдан қолган қурилмаларнинг ўша замон талабига мувофиқ қайта мукамаллаштириб мослаштирилганлиги, шахристон қисми эса аста секин зодагон феодаллар томонидан ўз хоҳишлари бўйича режасиз қурилиб келинган, деган фикр археологик тадқиқотлар натижасида нотўғрилиги аниқланган. Аксинча шаҳарларнинг шахристон қисмлари режа бўйича тартибли геометрик шаклларга мувофиқ, паралел кўчалар, сув тармоқлари окимига мувофиқ кварталларга ажратилиб аҳоли кўпайиши билан босқичма- босқич қурила бошланганлиги аниқланган.

Вақт ўтиши билан шаҳарнинг шахристон қисми ривожланиб, уй-жой бинолари кўпайиб (зичланиб) келинганидан сўнг шаҳарнинг арк қисмидан айрим маъмурий ва қаср бинолари шахристонга кўчирилган. Шаҳристондан ташқи ҳимоя деворлари ташқарисида, робод қисмида шаҳарга кирувчи асосий йўллар бўйида ва ариқ-каналлар бўйида илк феодал ер егалари-деҳқонлар Кўшклари ва қасрлари қурилган ва деҳқонлар ўзларига тегишли боғлар ва далалар худудларини қўшнилардан, кўчманчи қабилаларнинг босқинчилик ҳужумларидан сақланиш мақсадида баланд ҳимоя деворлари билан алоҳида чегаралашган. Баъзан худуд ўртасида ёки бир четида қаср - кешк жойлашган ва атрофи ёки бир-неча томони баланд ҳимоя деворлари билан чегараланган илк феодал ер егалари - деҳқонларга тегишли шаҳарнинг робод қисмида ва унга туташ шаҳарга кирувчи катта йўллар бўйидаги худудларда боғ ва экинзорлардан ташкил топган яшил оазислар бўлган. Бунга мисол ҳозирги кунда сақланмаган, илк ўрта асрларда Самарқанд - Афросиёб шаҳрига шимолий-ғарб дарвозаси томонидан кирувчи йулда 11-километрдан зиёд-роқ бўлган ва майдони тақрибан 400 гектардан кам бўлмаган худуд «Девори-Киёмат» деб аталган баланд ҳимоя девори билан ўралган. Худди шундай Бухоро шаҳрининг жанубий ва жанубий-шарқий томонидан шахристон ҳимоя қалъа деворидан ташқарида узунлиги тақрибан 150 километрдан кам бўлмаган «Кампир-девор» ҳимоя деворлари мавжуд бўлган. Бухоро рободларини ўз ичига олган «Кампир-

девор» ҳимоя деворлари VIII-IX аср бошларида кўчманчи турк қабилалари томонидан босқинчилик ҳужумларини олдини олиш мақсадида мукамал таъмирланиб тикланган. Ўрта Осиёда илк ўрта (V-VIII) асрларда бошқа шаҳарларда ҳам шаҳарларнинг робод қисмларини ўз ичига олган нисбатдан узун ва салобатли бўлган ҳимоя деворлари мавжуд бўлган. Мазкур узун ҳимоя деворлари фақатгина босқинчиларнинг отлик кўшинларига тўсқин бўла олган.

Қадимги Термиз шаҳри атрофидаги ҳимоя деворлари 500 гектарни, Балх шаҳри атрофидаги ҳимоя деворлари 750 гектар худудни ўз ичига олган ҳимоя деворлари бўлган. Исфиджаб (Исфара) шаҳри робод қисми ташқарисидаги ҳимоя деворлари шаҳардан ўн баравар каттароқ худудни ўз ичига олган. Мерв шаҳри атрофидаги оазисларни ўз ичига қамраб олган узун ҳимоя деворлари эрамизнинг III асрида мавжуд бўлиб, шаҳар ташқарисидаги 250 квадрат километрдан иборат худудни қамраб олган. Мазкур давр ичида шаҳарлардан ташқаридаги ҳимоя деворларини соз сақлаш учун катта куч ва маблағ сарфланиши лозим булган. Вақт ўтиши билан деворлар емирилиб, уларни тиклаш ва таъмирлаб туриш муаъмоли булиб қолган. Бухоро шаҳри атрофидаги «Кампир-девор» Сомонийлар даврида ички сиёсий низолар ва тортишувлар сабабли қаровсизлиги, тамирлаш-тиклаш ишларига эътибор бўлмаганлиги сабабли, емирила бошлаган.

Сомонийлар бошқарувининг X асрда зайифлашган даврида Бухоро «Кампир девори»ни таъмирлаб тиклаш иложсизлигидан Исмоил Сомоний «Мен тирикманки - мен Бухоро девориман» деб башорат қилганлиги тарихий манбаълардан маълум. Ўрта Осиёда илк ўрта (V-VIII) асрларда, араб халифатининг истилосига, йирик шаҳарлар мавжуд бўлган. Парфия ва Маргиана, кейинчалик Шимолий-Хуросоннинг пойтахти Мерв шаҳри араб истилосига, яъни 651-йилгача Эрон Сосонийларининг ҳукмдорлигида бўлиб, бундан ташқари ўлкада яна анча йирик ва обод шаҳарлар мавжуд бўлган. Кейинчалик (араблар истилоси вақтида ҳам) Мерв шаҳри араб Халифатининг Ўрта Осиёдаги энг асосий таянч маркази бўлиб, Моворуннахрга ва бошқа туташ худудларга юришлар амалга оширилган. Мерв шаҳрининг шахристон қисми квадрат шаклига яқин булиб Говур-Калъа деб аталган ва унинг томонлари 1850 метрдан иборат бўлган. Шаҳарнинг шимолий қисми марказида овал, аниқроғи кўп бурчакли ва ярим айлана шаклида Арк қисми жойлашган бўлиб Эрк-қалъа деб аталган. Шаҳарнинг Эрк-

қалъа деб аталган Арк қисми майдони 20-гектар бўлиб, хом ғишт ва пахсадан қурилган ҳимоя деворлари баландлиги 30 метргача бўлган. Шаҳарнинг ғарбий девори бўйлаб Розик канали ўтиб, шаҳарнинг шаҳристон қисмини шимолий - ғарб томонини кесиб ўтиб, шаҳарни сув билан таъминлаган. Шаҳарнинг ғарбий-жанубий қисмини Маджар канали сув билан таъминлаган. Мерв шаҳрининг шаҳристон қисми Говур-Қалъа ҳам алоҳида ва баландлиги 20 метргача бўлган ҳимоя деворлари билан ўралган. Шаҳарнинг марказий қисми орқали Шарқ дарвозасидан Ғарб дарвозасигача, Арк қисмидан жанубий дарвозагача йўл бўлган. Археологик қазилмаларни олимлар томонидан ўрганилиш жараёнида Мерв шаҳрининг шаҳристон қисмининг шимолий - шарқ қисмида 7-асрда насронийларга тегишли ибодатхоналар қолдиқлари, жанубий-шарқ қисмида эса буддага сиғинувчиларнинг ибодатхоналари бўлганлиги аниқланган. Кейинчалик 7-асрда будда ибодатхонаси шаҳар ташқарисига, робод қисмига ва олдинги жойидан 600-метр шарқ томонга кўчирилган. Археологик қазилмалар ва тадқиқотлар жараёнида Говур-Қалъанинг жанубий қисми ва ҳатто қалъадан ташқаридаги рободдан ҳам кўп миқдорда кулолчилик печлари, кулолчилик устохоналарининг қолдиқлари ва кулолчилик маҳсулотларининг қолдиқлари топилганлиги боис, маскур ҳудудда 6-7 асрларда кулолларнинг уй-жойлари ва устохоналари жойлашган ҳудуд бўлганлиги аниқланган. Шаҳристон (Говур-Қалъа)нинг шимолий-ғарб ва жанубий-ғарб қисмларида Розик каналдан суғориладиган унимдор ерларда боғлар ва далалар мавжуд бўлиб, шаҳар аҳолисининг дам оладиган жойлари бўлган. Вақт ўтиши билан Мерв шаҳрининг жанубий робод қисми кенгайиб, 6-асрдан 9-асргача Мерв Салжуқийларнинг пойтахти бўлган вақтгача, Розик ва Маджар каналлари бўйлаб уй-жойлар ва устохоналар қурилган. Мерв шаҳрининг энг баланд қисмида жойлашган Арк (Эрк-Қалъа) археологлар томонидан ўрганилганда 6-асрга таълуқли Парфия даври маъмурий-хизмат қурилмалари қолдиқлари топилган. Кейинчалик араб истилоси вақтида, яъни 8-асрда Арк (Эрк-Қалъа)да қурол-яроқ омборхоналари ва зиндон жойлашган. Араб истилосигача Говур-Қалъа ҳудудларидаги қурилмалар мукамал ўрганилмаганлиги сабабли, ушбу ҳудудни археологик ўрганилса қўшимча муҳим маълумотларга эришиш мумкин. Чунки Исломгача Говур- Қалъа ҳудудида салобатли антиқа иморатлар мавжуд бўлган.

10-асрда араб ёзувчиси Ибн ал-Факих томонидан ёзиб қолдирилган ҳужжатга мувофиқ Мервнинг шаҳристони Говур- Қалъада қадимдан ғаройиб иморатлардан бири Кей-Марзубан деган уй булган. Таърифланишча уй шифтларини иккита эркак ва иккита аёлнинг салобатли ҳайкаллари кўтариб турган. Бинонинг ички қисми қимматбаҳо тошлар, олтин нақшлар билан безалиб, жуда чиройли бўлган. Мерв шаҳри Араб истилосидан сўнг сезиларли даражада ривожланиб кетди. Говур- Қалъада Бону-Махан масжиди қурилди, шаҳар ободонлаштирилди, ҳимоя деворлари мустаҳкамланди. Хунармандлар ва косибларнинг маҳсулотларига талаб оша борди. Мовороуннахр юришларидан қайтган араб лашкарлари қўлга киритилган бойликларини ва маблағларини асосан Мерв шаҳрида сарфлашган. Мерв шаҳри илк ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг энг йирик шаҳри ҳисобланган.

Хулоса қилиб айтилганда, Илк Ўрта асрларда Ўрта Осиёнинг айрим шаҳарлари аҳолиси кўпайиб, жадал ривожланиб тараққий этган бўлса, айрим йирик шаҳарлар, жумладан Хоразм, Мерв, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарлар нисбатан ривожланиши маълум вақтга сезиларли сусайиб, айрим вақтларда эса ривожланган. Мазкур шаҳарлардан аҳоли қисман бошқа хавфсиз ҳудудларга кўчиб ўтган. Бунга Зарафшон воҳасининг юқори қисмида жойлашган Панжакент шаҳри ривожланиши мисол бўла олади. Самарқанд шаҳри ривожланиши сусайиб, аксинча Панжакент шаҳри тараққий этган. Худди шундай ҳолат Бухоро шаҳрида ҳам руй берган, чунки археологик қазилмалар натижасида ўрганилган Пайкент шаҳри V-VIII асрларда анча ривожланган бўлиб, мазкур шаҳар Бухоро шаҳридан кўчган савдогарлар шаҳри деб танилган.

Адабиётлар:

1. Ахмедов М.К. Архитектурные ансамбли и вопросы организации городского пространства в средневековом зодчестве Средней Азии. Культура Среднего Востока. Градостроительство и архитектура. –Т.: Фан. 2001.
2. Маньковская Л.Ю. Типологические основы зодчества Средней Азии. –Т., 1980.
3. Мец А. Мусульманский ренессанс. М. Наука. 1973.
4. Нильсен В.А. У истоков современного градостроительства Узбекистана. –Т.: Г.Гуляма. 1983.
5. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV век. –Т.: Г.Гуляма. 1983.
15. Хмельницкий С. Между кушанами и саманидами. –Берлин-Рига. 1997.

УДК 72.03

СТРОИТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО ДРЕВНЕГО НАСЕЛЕНИЯ БАКТРИИ В «ЭПОХУ БРОНЗЫ»

Исаметдинова Ш.А. (ТАСИ)

Ушбу мақолада қадимий Бактриядаги халқ меъморчилиқ санъати қисқача ёритилган. Бактриянинг Бронза даврига оид бўлган Дашли 1 ҳамда Сополлитепа ёдгорликлари мавзунинг асосий объекти сифатида келтириб ўтилган.

This article describes the architectural art of the ancient inhabitants of Bactria in the Bronze Age. The main objects of this article are the Ancient Bactrian architecture the fortress as Dashly 1 and Sopollitepe which are in the Bronze age.

Легендарная Бактрия упоминается во многих сочинениях античных авторов. О ней говорится в одном из древнейших документальных источников – Авесте. К этой загадочной стране всегда был повышенный интерес в ученом мире.


Значительный вклад в изучение бактрийской древнеземледельческой культуры «эпохи бронзы» внесли открытия, сделанные на юге Узбекистана экспедицией Института археологии АН Узбекистана (комплексы Саппали, Джаркутан, Молали). Многолетние археологические исследования дали большой и ценный материал по истории возникновения и развития древнебактрийской цивилизации. В изучении памятников Бактрии «раннежелезного века» большая работа проделана Узбекстанской искусствоведческой экспедицией, также сделавшей ряд интереснейших археологических открытий на юге Узбекистана. По результатам раскопок этой экспедицией сделан серьезный анализ домов-усадеб раннежелезного века, изучены архитектурно-планировочные решения, строительные материалы и приемы, применявшиеся в строительстве той эпохи на территории Бактрии.

«По археологическим исследованиям древнебактрийских памятников выделяются два крупных очага древнеземледельческой культуры Бактрии: Саппалинский культурный очаг в Северной Бактрии и Дашлинский в Южной Бактрии, возникновение которых исследователи относят ко второму тысячелетию до н.э., что подкрепляется большим и разнообразным археологическим материалом» [2].

Древнее население Бактрии немалых успехов достигло и в строительстве. По своей планировочной схеме древнебактрийские поселения отличались четкой ориентацией по странам света и своеобразной функциональной связкой. В них отразилось стремление создателей придерживаться определенных геометрических канонов. В качестве основного строительного материала, как и повсюду в Цен-

тральной Азии, применялись пахса и сырцовый кирпич прямоугольной формы. Известны древнебактрийские сооружения как культового, так и гражданского назначения - дворцы и храмы, архитектура которых отличалась определенной монументальностью.

Архитектура «эпохи бронзы». Дашлы-1. На территории Дашлинского оазиса (север Афганистана) афганской археологической экспедицией обнаружен ряд небольших укрепленных поселений-крепостей. Наиболее хорошо изученным из них является поселение Дашлы-1. Это крепость прямоугольной формы, образованная мощными оборонительными стенами, размерами 99x85 м. Оборонительная стена, имеющая разную толщину от 3 м (северная и южная) до 4 м (восточная и западная) сложена из сырцового кирпича размером 48(50)x22(24)x12 см [2].



План. Дашли I

На углах крепостной ограды расположены округлые в плане башни, радиус которых примерно соответствует толщине тельной стены, а по периметру стен устроены башенки полуовальной формы и значительно меньших размеров. Три такие башенки расположены на западной стене крепости, две из которых полые внутри.

Между средней башней западной стены и

башней, следующей за ней в южном направлении, на определенном этапе существования крепости, были устроены, по предположению В.И. Сарияниди, крепостные ворота (т.н. сближенные башни). На северной стене крепости, ближе к северо-восточной угловой башне, расположены также две округлые в плане башенки на расстоянии 5 м друг от друга. Между ними, вероятно, также были ворота, фланкированные с обеих сторон оборонительными башнями.

На восточной стене крепости, ближе к северо-восточному углу, выявлены остатки полуовальной башни - полый внутри, аналогичной средней башне западной стены. Ближе к юго-восточному углу, на восточной стене предполагается также существование полуовальной башенки.

При возведении жилых строений применялся прямоугольный кирпич размерами от 45x24x10 до 50x25x12 см; стены оштукатуривались глиняной штукатуркой с добавлением самана; полы промазывались толстым слоем глины. Некоторые дверные проемы имеют кирпичные пороги с каменными подпятниками [2].

Общее архитектурно-планировочное решение Дашлы-1 – прямоугольник с мощными стенами и округлыми башнями на углах и по периметру стен - указывает на большую роль, отводимую обороне крепости.

Планировочный принцип крепости Дашлы-1 сохраняется в народной жилой архитектуре позднего средневековья. И в наши дни на территории Северного Афганистана, а также в некоторых районах Средней Азии встречаются небольшие крепости прямоугольной конфигурации с округлыми башнями по углам, в которых «совместно проживают несколько поколений кровных родственников». Из всех приведенных объектов, в которых в основе композиции лежит прямоугольник с округлыми башнями на углах, крепость Дашлы-1 является самым ранним памятником с такой планировкой.

Сапаллитепе. Стационарными археологическими раскопками 1969-74 гг., проведенными экспедицией Института археологии Академии наук Узбекистана под руководством А. Аскарлова на поселении Сапаллитепе, расположенном в Сурхандарьинской области Узбекистана, выявлены остатки архитектурного комплекса крепостного характера, свидетельствующего о достаточно высоком уровне фортификации в северной Бактрии «эпохи бронзы».

Комплекс возведен на естественной возвы-

шенности в центре поселения и в плане представляет собой четкий квадрат размером 82 x 82 м. Основное организующее ядро сооружения - квадратный двор (58x58 м), образованный сырцово-кирпичной стеной, снаружи которой на всех четырех сторонах расположены по два прямоугольных коридорообразных помещения, сообщающихся с внутренним квадратным пространством через своего рода проходные тамбуры квадратной формы, размещенные между ними и стеной двора. Эти наружные коридорообразные помещения (а их всего восемь) имеют два типоразмера длины, – 26 и 36 м. Они устроены по периметру основного квадрата в чередующемся порядке, по два типа на каждой стороне. Их расположение продумано таким образом, что проходы между ними находятся на центральных осях квадрата. На углах сооружений, торцы больших коридорообразных помещений лежат на одной линии с наружной стороной меньших помещений, а торцы последних, в свою очередь, на одной линии со стенами двора. Проходы в эти помещения (два на каждой стороне двора) лежат на одной оси с аналогичными проходами на противоположной стороне квадрата. Все это в совокупности говорит о блестящем планировочном решении, достигнутом строителями при строгом соблюдении правил практической геометрии.

Большого внимания заслуживает фортификация рассматриваемого объекта. Между стенами основного квадрата и наружных помещений образованы г-образные открытые тупиковые коридоры, имеющие единственный проход снаружи сооружения. Действительный вход в комплекс предположительно располагался в центре южной стороны сооружения, чему соответствует планировка внутренней застройки, характерной чертой которой является расположение по периметру стен основного квадрата самостоятельных многокомнатных домов с отдельными хозяйственными дворами. Центральная же часть двора, с участком у середины южной стены, осталась незастроенной [3].

Проведенный анализ построения крепости показывает, что толщина обводных стен дважды укладывается в ширину наружных коридорообразных помещений, которая равна ширине так называемых коридоров—«ловушек», и укладывается в размере сторон основного квадрата. Все это свидетельствует о применении определенной модульной системы при возведении этого сооружения.

Заключительный анализ остатков архитектурных сооружений «эпохи бронзы» и «раннего железа», выявленных на территории Бактрии, и их сопоставление с аналогичной архи-

текстурой других регионов древневосточного мира, позволяет выдвинуть предположение о существовании особой бактрийско-маргианской школы древнего зодчества и проследить дальнейшую линию ее развития. Именно в бактрийско-маргианской архитектуре. Во II тысячелетии до н.э. зарождаются и получают творческое переосмысление те архитектурно-планировочные принципы, которые проявляются в последующих среднеазиатских по-

стройках античного и средневекового времени.

Литература:

1. Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи кушан. –М.: 1979.
2. Мамедов М. Древняя архитектура Бактрии и Маргианы. –Ашхабад, 2003.
3. Аскарлов А.А. Сапаллитепа. Его же: Древнеземледельческая культура эпохи бронзы. –Ташкент, 1973.

ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ШАҲАРЛАРНИНГ РЕЖАВИЙ ТУЗИЛИШИ (Самарқанд, Тошкент, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарлари мисолида)

Маматмусаев Т.Ш. (ТАҚИ)

В статье проанализирована планировочная структура городов в эпоху Амира Темура и темуридов на примере Самарканда, Ташкента, Бухары и Шахрисабза. Изучено влияние формирования городов темуридов арк, хисар, рабад, входные ворота, площади.

In the article scheduled structure of cities which are in the period of temurids are analyzed as the sample Samarkand, Tashkent, Bukhara and Shakhrisabz. The impact of arc, hisar, rabad, also entrance gates, squares which are the parts of city are researched to forming of temurids' cities.

Амир Темур ва темурийлар даврида йирик ва кўркам шаҳарлар қурилиши давлатнинг асосий вазифаларига кирган. Улар шаҳарларни ободонлаштириш ва мавқеини бутун дунёга таратиш учун жуда улкан ишларни амалга оширган.

Профессор Г.А.Пугаченкова темурийлар шаҳарларига қуйидагича таъриф беради: *“арк-қалъалар – бу давлатнинг куч-қудрати, саройлар – хокимиятнинг шукуҳи ва савлати, ислом маданий бинолари – мусулмонлар мафқурасининг галабаси, бозор қурилмалари – ҳунармандчилик ва савдо-сотиқнинг ривожини, зич қурилган уй-жой ва даҳалар – мураккаб шаҳарлар организмнинг танаси ва қонидир”* [6-ад., 10-б.].

Амир Темур Самарқанд шаҳрини ўз пойтахти қилиб танлаб, 1371-1373 йилларда ҳозир маъмурий бинолар жойлашган тепаликда ўз аркини бунёд этади. Шаҳар деворлари ва буржларини қайтадан тиклайди ва ободонлаштиради. XV аср бошларига келиб шаҳар ғоят гўзал иморатлар, обод ва файзли майдонларини, ариқ ва ҳовузлари билан кишини лол қолдириб, «Самарқанди Фирдавсмонанд» деган таърифни олган [2-ад., 45-б.].

“...Самарқанд, Шаҳрисабз ва Ҳирот шаҳарлари тузилиши шуни кўрсатадики, темурийлар даврида шаҳарларнинг бурж ва дарвозалари бўлиб, мустаҳкам мудофаа деворлари билан қуриш олиб. Темурийлар даври шаҳарлари бир хил оралиқда жойлашган айланасимон буржлари бўлган мустаҳкам мудофаа

деворлар билан ўраб олинган. Ҳар қайси шаҳар ўзининг арки ва ҳисоридан ташкил топиб, унинг марказий қисми, кўчалар кесилган жойда ётиқ савдо гумбазлари – чорсулар ажралиб турган. Жума масжидлари шаҳар бозори билан марказни ташкил этса, бош мадраса олдидаги майдонлар шаҳарнинг иккинчи бир марказини ифодалайди...” – деб ёзади профессор М.Қ.Аҳмедов [2-ад., 46-б.].

1370 йилда шаҳар кўрғон девор билан куршалган эди. Бобур бу кўрғондевор ҳақида қуйидагича эслади: *“Шаҳар узунлиги 16000 қадам, яъни тахминан 7-8 км мудофаа қалъа девори билан ўраб олинган, унинг устида отлиқ бемалол юра олади”* [3-ад.].

Тарихий маълумотларда, Самарқанднинг бениҳоя гўзал бўлганлиги ва бу ерда қарийб бир миллионга яқин аҳоли яшаганлиги қайд этилади. Шаҳар ташки қалъа деворининг айлана узунлиги 12 фарсахга тенг бўлиб, 12 та дарвозаси бўлган. Бу деворни олимлар шаҳарнинг баъзи бир ҳудудларда номлари ва излари сақланиб қолган “Девори Қиёмат” ҳамда “Девори Кўндаланг”га муқояса қиладилар [1-ад., 32-б.].

Шаҳар Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби уч: Арк, Ҳисор ва Рабоддан иборат бўлган. Арк шаҳарнинг ғарбий қисмида жойлашган бўлиб, алоҳида кўрғондевор билан мудофааланган. Унда 2 та дарвоза бўлиб, асосий дарвоза шарқ томонда бўлган. Кейинчалик у оқ дарвоза номи билан аталган. Иккинчи дарвоза жанубда жойлашган. Кўпчилик қурилмалар

асосан Арк ва Ҳисор ичкарасида барпо бўлган. Аркда тўрт қаватли Кўксарой, Бўстонсарой боғи, хокимият бинолари, курул-яроғ устахоналари, ғазна, зарбхона ва бошқалар қурилган. Ҳисорда эса йирик архитектуравий мажмуалар, Регистон майдони, бозорлар, хунармандчилик устахоналари, ҳаммомлар, турар-уйлар ва бошқалар жойлашган. Шаҳар ташқариси рабодда боғлар, деҳқончилик қиладиган мавзелар ва дала ҳовлилари жойлашган. Самарқанд шаҳрида рабодларнинг функцияси кенгайган. Яъни бу ерларда савдо ва хунармандчилик биноларидан ташқари илмий иншоотлар (Мирзо Улуғбек расадхонаси каби) ҳам барпо этила бошланган.

Шаҳарга асосан олти: **Фирюза, Сўзангарон, Коризгоҳ, Чорсу, Шайхзода** ва **Оҳанин** дарвозалари орқали кирилган. Дарвозалардан келадиган асосий радиал йўналишдаги кўчалар шаҳар марказида кесишган ва бу ерда Регистон майдони шаклланган. Регистондан тарқалган асосий кўчалар бўйлаб бозор, савдо расталари, тоқлар ва хунармандчилик устахоналари жойлашган.

Самарқандда хунармандчилик ва савдосотиқ кенг ривожланган. Уларни тўғри ташкиллаштириш учун шаҳар ичида ва ташқарисида катта-катта очик майдонлар керак бўлган. Бу ерда бўлган испан элчиси Клавио очик майдонлар ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: *“Шаҳарда кўлаб майдонлар бўлиб, бу ерларда гўшт... товуқ ва қушлар, нон ва мевалар ва бошқалар сотилади... Майдонлар кечаю кундуз одамлар билан тўла ва савдо-сотик авжсида”*. Самарқанд шаҳрида илк бор Амир Темур замонасида усти ёпиқ савдо кўчаси бунёд этилган эди. Бу ҳақда ҳам Клавионинг кундалигида ўқиймиз: *“Самарқандда Хитой, Ҳиндистон, Татаристон ва бошқа жойлардан келтирилган ёки Самарқанднинг ўзида ишлаб чиқилган турли хил маҳсулотлар ҳар йили сотилади. Барча маҳсулотларни сотиш учун шаҳарда жой камлик қилгани учун, подшоҳ бутун шаҳар бўйлаб кенг савдо йўли ўтказишга ва унинг икки тарафида савдо расталари жойлаштиришга буйруқ беради... Бу йўл усти ёпилиб, баъзи жойларидан ёруғлик тушиши ва ҳаво айланиши учун дарчалар қолдирилади. Йўл бўйлаб маълум масофаларда ҳовузлар бунёд этилади”* [4-ад.].

Мўғуллар истилоси даврида **Тошкент шаҳри**да кўрғон деворлар бузилиб кетган. У бошқа шаҳарлар каби ўлчам жиҳатидан ҳам кичиклаша борган. Темурийлар даврига келиб шаҳарлар тикланиб, савдо-сотик ривожланган. Тошкент шаҳри темурийлар даврида янги

кўрғон деворлар билан ўралиб, шаҳарга 12 та дарвозалар ва бирқанча қопқалар орқали кирилган. Шаҳар одатдагидай уч қисмдан: Арк, Ҳисор ва Рабоддан иборат бўлган. Тошкент шаҳрининг структуравий тузилиши радиал йўналишдаги кўчалар орқали белгиланган. Шаҳар марказида Арк ва Регистон шаклланган. Бу даврларда шаҳар ичкараси ва ташқарисида монументал иншоотлар қурилган, архитектуравий мажмуалар пайдо бўлган. Улардан Занги ота ва Анбар биби мақбаралари, Кўкча мавзесидаги Зайнуддин бува мақбараси, Чорсудаги ҳозирда сақланмаган Хўжа Аҳрор мадрасаси ва Жоме масжиди, ҳозирги Махсидўзлик кўчасидаги Пушти ҳаммом, Шайхонтахурдаги Шайх Хованд Тоҳур мақбараси, Юнусхон хонақоҳи шулар жумласидандир. XV–XVI асрлардаги бинолар негизида шаҳарнинг функционал ва композицион – бадий яхлитлигини таъминловчи Ҳазрати Имом, Чорсу, Шайхонтахур, Зайнуддин бува, Занги ота мажмуалари барпо бўлган [7-ад., 43-б.].

Тошкент шаҳрини бирқанча қалъасифат мажмуалар ҳимоя қилиб турган. Бу мажмуа “чақар” деб аталган. Бу ном билан аталувчи жойлар бошқа шаҳарлар, жумладан, Самарқанд, Қарши каби шаҳарларда ҳам учрайди. Бу атама асосан XIV–XV асрларда кенг тарқалган. Чақарлар шаҳарларга киришда муҳим ўрин тутган. Тошкентда чақарлар бир неча бўлган. Тошкент дарвозалари: **Қиёт, Турк, Ўзбек, Тахтамули, Қаросарой, Чигатой, Сугбониён, Кўкча, Камондарон, Қангли, Бешоғоч** ва **Қатаган** каби номларга эътибор берсак, кўпроқ уларнинг уруғ-қабилла номлари билан аталишини кўришимиз мумкин. Шаҳар мудофаа деворининг ички қисми, яъни шаҳар ҳудуди бир неча маҳаллаларни ўз ичига олган тўрт даҳадан иборат бўлган: Себзор, Кўкча, Шайхонтахур ва Бешоғоч. Даҳалар кичик кўчалар орқали ажратилган. Ҳар бир даҳа кўрлаб маҳалла ва мавзеларни ўз ичига олган. Шаҳарнинг топографик тузилишида кўчалар муҳим аҳамият касб этган.

Муҳаммад Солихўжа ўзининг “Тарихи жадидайи Тошканд” асарида “кўча” ва “роҳ” сўзларини тилга олади. Шаҳар ичи бўйлаб кетган одатий кўчалар асосийларга ва уларнинг тармоқларига бўлинган. Шаҳардаги асосий кўча – бу Чорсу бозорида туташувчи тўрт кўча бўлиб, улар тўрт даҳа бўйлаб тарқалган. “Роҳ” (йўл) термини шаҳардан ташқарига олиб чиқувчи йўл маъносида ишлатилган. Улар шаҳар дарвозаси орқали шаҳарга кириш ва чиқиш кўчаси бўлгани учун ҳам оддий кўчага қараганда анча кенг ва серкатнов бўлиб, одатда

хонлар, амалдорлар, элчилар ҳамда савдо карвонлари шу кўчалардан юрган [5-ад.].

Бухоро шаҳри қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланиб, йирик қўрғондеворлар билан ўралган. Шаҳар юқорида кўриб ўтилгани каби уч қисмдан иборат бўлган. Шаҳарда 11 та **Самарқанд, Имом, Ўғлон, Талипач, Шергарон, Қорақўл, Шайх Жалол, Намозгоҳ, Саллаҳона, Қариши** ва **Мозор** каби кириш дарвозалари мавжуд бўлган. Дарвозалардан шаҳар марказига элтувчи йўللар бўйлаб савдо иншоотлари ва хунармандчилик устахоналари барпо этилган.

Бухоро XVII асрга келиб тарихий шаҳар сифатида шаклланиб бўлган. XVI асрда Жўйбор шайхларига тегишли бўлган шаҳарнинг жануби – ғарбидаги ҳудуд ҳам қўрғон девор билан ўралиб шаҳар таркибига киритилган ва шу тариқа шаҳар ўзининг сўнги, энг кенгайган ҳолатидаги кўринишини олган. Шаҳар тарҳида унинг олдинги тизими ўз изини қолдирган. Бухоронинг кифасини асосан бир қанча шаҳар ичкарасидаги ва ташқарисидаги мажмуалар белгилайди.

Бухоро шаҳрининг маркази яхлит ва улкан мажмуа кўринишига эга. У асосан илк ўрта асрлардаги шаҳристоннинг ғарбий ва жанубий кўчаларини эгаллаган. Марказ ғарб тарафидан Пойи калон мажмуасидан бошланган. Тоқи заргарон чорсуши шаҳристоннинг марказини ифодалайди. Ундан шарқда, кўчанинг икки тарафидан Мирзо Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари ўрин олган. Заргарлар чорсушининг жанубида Абдуллахон тими жойлашган.

Шаҳристоннинг илк ўрта асрлардаги дарвозалари ва кейинчалик бозор ўрнида ҳосил бўлган нурсимон кўчалар тугунини Тоқи телпақфурушон мустаҳкамлайди. Заргарлар чорсуши чорраҳани шаҳарсозлик жиҳатидан мустаҳкамлаш масаласини ҳал этган бўлса, телпақфурушлар тоқисида анча мураккаб муаммо – олти кўча тарқатадиган бино барпо этилган. Шаҳар марказидаги мажмуалардан ташқари ўрта асрларда шаҳар ичида Лаби ҳовуз ва Қўш мадраса мажмуалари, шаҳар ташқарисида эса Баҳовуддин ҳамда Чор Бакр мажмуалари ҳам шакллانган [7-ад., 27-28 б.].

Шаҳрисабз шаҳрининг қадимги қисми XIV ва XIX асрларда қурилган қўрғон деворлар қолдиқлари билан чегараланган. Тарихан шаҳар майдони унинг жанубида қўрғон деворлари ичкарига қараб 450 м сурилгани ҳисобига қамайган. Қўрғондеворлар дастлаб худди Ҳирот ва Марв шаҳарларига ўхшаб паҳсадан қилинган. XIV асрда Шаҳрисабз томонларининг узунлиги 770x1730 м, қўрғон деворлари-

нинг периметри 5 км масофани ташкил этган. Ташқи тарафдан девор бўйлаб кенг (10-15 м) хандақ бўлиб, устидан кўтарма кўприк орқали ўтилган. Бу шаҳар Самарқанд, Тошкент ва Бухоро шаҳарларидан фарқли ўлароқ фақатгина Ҳисор ва Рабоддан иборат. Шакли тўғри тўртбурчакли. Ўзбекистонда Бухоро ва Хива шаҳарлари, хорижда эса Ҳирот ва бошқа шаҳарлар ҳам шундай шаклга эга бўлган. Дастлаб Ҳисор 4 та **Чармгар, Арк, Қорихона** ва **Кунчиқар** дарвозалари орқали кирилган. Дарвозалар орқали ўтган асосий икки кўча кесишган жойда ҳозиргидек бозор, яъни Чорсу биноси қад ростлаган. Шаҳрисабз шаҳрининг XIV асрдаги топографик схемасига назар ташласак, бу вақтга келиб Ҳисорга олти дарвоза орқали кирилган. Ғарбдан шарққа қараб кетган кўча вақт ўтиши билан кўп тирсақли шаклга эга бўлган. 1378-1379 йилларда Амир Темур бу шаҳарда катта ободонлаштириш ишларини олиб борган. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида Оқ сарой иншооти қурилган. Унинг олдида Регистон майдони бўлган. Абдуллахон даврида ҳам бу ерларда арк бўлган деб тахмин қилинади. Шаҳарнинг жанубий ярмида Дор уссиёдат ва Дор ут-тиловат мажмуалари барпо этилган [7-ад., 37-б.].

Юқоридаги маълумотларга асосан куйидагича хулосалар чиқарилди:

- Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда шаҳарларсозлик анча жонланиб, ўзининг юксак чўққиларига кўтарилган. Бухоро, Ҳирот, Марв ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тўртбурчак тарзда шаклланганлиги бу давр шаҳарсозлигида Ўрта Осиё кўп асрлик меъморий анъаналарининг давом этганлигидан далолатдир. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон ва Шаҳрисабз шаҳарларида Регистон номли бош майдонлар шаклланган;

- XIV-XV аср шаҳарлари тузилишини мудофаа деворлари, дарвозалар, архитектуравий мажмуалар, майдонлар, маҳаллалар, кўчалар, мавзелар, турар-уйлар, маъмурий-маиший иншоотлар, суғориш тизимлари, боғлар ва турли йўналишдаги кўчалар белгилаб берган;

- Бу давр шаҳарлари структуравий тузилишига кўра уч қисмдан: Арк, Ҳисор ва Рабоддан иборат бўлган. Шаҳарлар мустаҳкам девор ва хандақлар билан ўралган. Аркларда саройлар, казармалар, камоқхоналар ва бошқарув бинолари жойлашган. Ҳисор муҳофазасига алоҳида эътибор берилган. Бу жой шаҳарнинг энг гавжум жойи ҳисобланган. Ҳисорда жоме масжидлари, зиёратгоҳ мажмуалар, бозорлар, хунармандчилик устахоналари, шаҳар аҳолисининг турар-уйлари мавжуд бўлган.

Адабиёт:

1. Аҳмедов М.Қ. Самарқанд меъморий ансамблларининг янги ҳаёти // Ж. Ўзбекистон архитектураси ва қурилиши. –Т.: 2007, №3.
2. Аҳмедов М.Қ. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. –Т.: 1995.
3. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: 1989.

4. Клавихо Рюи-Гонзалес. Дневник путешествий ко двору Тимура. СПб, 1881.
5. Маматмусаев Т.Ш. Мирзо Улугбек даври архитектураси. Монография. –Т.:2014.
6. Пугаченкова Г.А. Зодчество Центральной Азии XV век. Ведущие тенденции и черты. –Т.: 1976.
7. Пўлатов Х.Ш. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари. –Т.: 2003.

ОБ ИНТЕРЬЕРАХ ДВОРЦОВЫХ СООРУЖЕНИЙ УЗБЕКИСТАНА АНТИЧНОГО ПЕРИОДА (НА ПРИМЕРЕ ХОРЕЗМА)

Нурмухамедова Ш.З. (ТАСИ)

This article is devoted to the analysis of an interior of palace constructions on the example of Kharezm (Kalalygyr and Toprakkala). The author reveals composite and art opportunities of small types of the arts subordinated to an ideological plan of these types of constructions.

Ушбу мақола Хоразм (Қалъалиқир ва Тупроққалъа)нинг антик давр сарой қурилмалари интерьерлари бағишланган. Муаллиф шу каби қурилмалар кичик санъат турларининг мафқуравий талқинига бўйсунувчи композицион ва бадий имкониятларини очиб беришга ҳаракат қилади.

Царская власть во все времена была незыблемым оплотом сильного государства, а дворцы, в которых проживали правители, должны были стать зрительным воплощением данного факта, и своим внешним видом внушать чувство подчинения и благоговения. Данный вид сооружений был обнаружен в таких историко-культурных областях Узбекистана как Хорезм (на Калалы-гыре и Кюзели-гыре, в Гяур-кале и Топрак-кале), Бактрия (в Ай-Ханум, Саксанохуре, Зартепа, Халчаяне), Согд (Еркургане). Еще с ахеменидского времени существовала строительная повинность в возведении таких монументальных построек, (требовавших огромных физических усилий), какими были дворцы, в возведение которых принимало участие как городское население, выполнявшее эту повинность, так и рабы. Над проектом, наличие которого не вызывает сомнений, работала группа, состоящая из жрецов, художников, архитекторов. К примеру, к месту строительства топраккалинского дворца были направлены мастера из разных районов государства. В данной статье автор пытается проанализировать внутреннее убранство дворцов, выполнявших больше культовые функции, которому уделялось специальное внимание.

Следует отметить, что внешний вид дворцов был более сдержанным и даже скромным: строители-архитекторы использовали сочетание простых монументальных объемов, впечатляющих своей цельностью и лаконизмом.

В качестве декора использовали выступающие лопатки (дворец на Топраккале), пиляст-

ры, деревянные колонны (в Халчаяне). Можно даже сказать, что достигалась некая замкнутость, которая была характерной чертой не только памятников гражданской, но и культовой архитектуры.

Однако, в интерьере (особенно залов) максимально использовались художественные и декоративные возможности того времени, для того, чтобы подчеркнуть особую значимость сооружений. Данный факт можно наблюдать, к примеру, во дворце на Калалыгыре (75x80 м), состоящем из 30 комнат, среди которых выделяются 6 залов, расположенных с западной и южной стороны от внутреннего двора. Планировка сама по себе определяла своеобразный характер интерьера. Один из залов размерами 17,3x8,4 м представлял собою вытянутый прямоугольник, по длинной оси которого располагались 4 колонны. База колонн была выполнена из красноватого полимиктового песчаника, а капитель в виде орлиноголового грифона. Пролет между центральными колоннами был шире, для того, чтобы подчеркнуть композиционное значение проема в северной стене. Можно сказать, эти деревянные колонны 6-метровой высоты, как бы выраставшие из базы и поддерживавшие плоские перекрытия, были единственным украшением зала, подчеркивая ритмичным рядом композиционную ось данной комнаты. Принцип размещения колонн – продольно-осевых рядов, расположенных в середине помещений на большом расстоянии от стен, был близок к кюзелигырскому дворцу. Скорее всего, из-за отсутствия естественного

освещения, использовался искусственный свет, при котором необычные капители, стилистически близкие к капителям из Персеполя, вызвали чувство страха и некоего таинства.

Другой зал размерами 13,5x10,3 м был уже 6-колонным, где колонны располагались двумя рядами по три. То есть, можно предположить, что явных признаков дворцовой архитектуры (помимо внушительных размеров (75x80 м)), которые использовались позднее, таких как арочные порталы, особо оформленные центральные ниши, наличие живописных панно или скульптуры, не было. Архитектура была несложной и рациональной, связанной с необходимостью ориентации на официальное персидское искусство, примечательной чертой которого в архитектуре было использование пространства.


Планировка колонных залов на Калалыгыре напоминала парадные залы царских дворцов Ахеменидов, что было связано с тем, что сам дворец, как и крепость, возможно, были построены Ахеменидами накануне падения их власти в Хорезме.

Если дворец на Калалыгыре, построенный на рубеже V-VI вв. до н.э., не дает таких явных признаков дворцовой архитектуры, (что может быть, связано с тем, что это также был и культовый центр), то аналогичный памятник на Топраккале (80x80 м), называемый «священным дворцом», изолированный от города мощными крепостными стенами, имел оригинальную планировку. Оформление сооружения принимает здесь более усложненный характер, сочетающий одновременно как перекрытые залы, так и внутренние дворцовые помещения (Тронный зал и «Зал царей»). Хотя здесь имеются и комнаты, аналогичные калалыгырским – с колоннами в один ряд, которые исследователи назвали «Зал с кругами», «Зал воинов», оформление которых носит уже иной характер. Памятник был построен в традициях древневосточной архитектуры, которые можно наблюдать как во внешнем его оформлении, так и в планировке (сочетание парадного двора и айвана). Так, отсутствие симметрии, огромное количество помещений (более 100), изолированность отдельных комплексов, а также расположение дворца на высокой платформе (14,5 м), очень ярко напоминает дворец Саргона (Дур-Шаррукин) в Хорсабаде, состоявший из почти 200 помещений. Кажущаяся на первый взгляд хаотичность планировки, была зафиксирована в геометрически правильных стенах.

Планировочным центром сооружения был Тронный ансамбль дворца, состоявший из па-

радного двора и айвана, отделенных друг от друга 3-х арочным порталом, а также т.н. «Зала танцующих масок». Такая планировка – противостояние двора и айвана, было символическим выражением взаимоотношений власти и подчиненных.

Характер оформления помещений зависел от функции последних: комнаты второстепенного характера оформлялись более скромно; жилые и парадные комнаты отделялись с соответствующей пышностью. И скульптура, подчиняясь архитектуре, служила элементом ее оформления. В противоположность калалыгырскому дворцу, в «Зале танцующих масок» (пл. более 100 кв.м.) на стенах были использованы 16 одинаковых панно, обрамленных вертикальными налестями, с яркими барельефами танцующих пар в натуральную величину, а между панно – одиночные фигуры танцовщиц. Мастер очень ярко передал впечатление веселого хоровода. Помимо этого, на трех стенах были большие арочные ниши с изображениями трех божеств, связанных с богиней Анахит. Скульптурные панно подчеркивали монументальную значимость данной комнаты, ее идейный замысел – «святилище Анахит», связанное с культом огня.



План дворца на Топраккале

Дополнением к лучшему восприятию объемно-пространственной скульптуры, выявлению ее пластических форм, был, безусловно, цвет. Благодаря введению цвета (красные и зеленые одежды), скульптура как бы оживала, приобретала определенную жизненность и особым образом оживляла интерьер. Дополнением к этому служил серо-голубой цвет, которым был окрашен низ стены, а верх ее завершала лепная гирлянда. Все эти краски приоб-

ретали особое звучание благодаря естественному освещению, т.к. в центре зала над алтарем было квадратное отверстие, углы которого опирались на 4 колонны. Совершив вокруг алтаря священные ритуалы, участники проходили в айван, отделенный от парадного двора 3-х арочным порталом, служившим местом для царского трона.



Графическая реконструкция общего вида городища Топрак-кала. (Студентка Д. Садомская, научный руководитель Нурмухамедова Ш.З.)



Графическая реконструкция интерьера дворца на Калалыгыре



Графическая реконструкция Тронного зала. (Студент Г. Камбаров, научный руководитель Нурмухамедова Ш.З.)

Следует отметить, что архитекторы использовали цветовой контраст – яркие цвета в зале и абсолютно белого цвета айван, контрасти-

рующий также с залитым солнцем Тронным залом (площадью 450 кв. м), который можно назвать «Залом под открытым небом». По мнению исследователей, благодаря белому цвету получался отраженный свет, способствовавший лучшему обзору происходивших в айване действий. Т.е., этот храмово-дворцовый комплекс из 3-х помещений по планировке и художественному оформлению был подчинен единой идее – совершению священных ритуалов, а 3-х арочный портал, наличие скульптуры, оформленных панно, игра световых и цветовых контрастов и впечатляющая перспектива длиной в 30 м в «Тронном зале», являются яркими проявлениями дворцовой архитектуры.



Графическая реконструкция Зала танцующих масок. (Студент Г. Камбаров, научный руководитель Нурмухамедова Ш.З.)

Следует отметить, что помимо «Зала танцующих масок», в данном дворце были также и «Зал воинов», «Зал оленей», «Зал арфистки» и т.д., каждый из которых был оформлен соответственно их названию. К примеру, это большие глиняные статуи царей в «Зале воинов», барельефы символических грифонов и оленей в «Зале оленей», барельефы воинов в натуральную высоту в «Зале воинов» и т.д. Каждый из них, имевших культовое, либо символическое значение, являлись решающим элементом в решении всего интерьера. Но среди них, по своему художественному убранству отличается «Зал царей» площадью 350 кв.м. Вдоль всей комнаты были устроены суфы, на которых перпендикулярно стенам располагались красивые перегородки с лепным карнизом, образовавшие таким образом т.н. ложи (всего их было 23), в центре которых восседали главные статуи, окруженные с двух сторон барельефными скульптурами в натуральную величину, прославлявшие центральных персонажи. Планировка Зала была подчинена особому расположению скульптуры, – в т.н. айване располагалась главная триада священных статуй (возможно посвященных огню, воде и солнцу), а в остальной части зала - второстепенные однотипные персонажи. Изолированное располо-

жение фигур символизировало наступающий распад династии. Помимо полихромной скульптуры, и ажурных перегородок были росписи, украшавшие стены данной комнаты. Все эти элементы были защищены кровлей, опирающейся на 10 колонн (2 колонны в айване и 8 в остальной части комнаты). Т.е., данное святилище, как и «Тронный зал» и «Зал танцующих масок» имел айван шириной 8 м и глубиной 4,5 м и, таким образом, освещался естественным светом, подчеркивающим эстетические стороны интерьера. Для скульптуры Топрак-калы ритмическое повторение однотипных скульптурных групп составляло архитектурное членение интерьера.

Таким образом, можно сказать, что в размещении скульптурных и живописных панно не было единообразия и все они рассматривались как один из видов внутреннего декора стены, подчиняясь архитектонике интерьера. И внешняя архитектурная сдержанность дворцов гармоничным образом возмещалась в их внутреннем убранстве, а художественными средствами подчеркивалась монументальность сооружений и их идейный замысел (к примеру, идея величия).

Литература:

1. Пиотровский Б., Флиттнер Н. Очерки по истории техники Древнего Востока. – М.-Л.: Изд-во Академии наук СССР, 1940. – с. 72.
2. Рапопорт Ю.А. «Зал царей» во дворце II-III вв. н.э. на городище Топрак-кала (опыт реконструкции и трактовки) // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. ТД конференции, посвященной десятилетию Южно-Таджикостанской археологической экспедиции. – М.: 1983. – с. 71-72.
3. Дьяконов М.М. Росписи Пянджикента и живопись Средней Азии // Живопись древнего Пянджикента. – М.: 1954.
4. Воробьева М.Г. К вопросу о технике внутренней отделки помещения дворца Топрак-кала // Археологические и этнографические работы Хорезмской экспедиции 1945-1948 гг. – М., 1952. – Т.1. – с. 67-86.
5. Нурмухамедова Ш.З. Дворцовая архитектура Узбекистана античного периода // Ж. San'at. – Ташкент, 2015. - №3. – с. 15-18.
6. Топрак-кала Дворец. - М.: «Наука», 1984. – с.307
7. Фрай Р. Наследие Ирана. – М.: «Восточная литература» РАН, 2002. – с.392
8. Гертман А.Н. Неоткорые вопросы организации строительства в древнем Хорезме // Вестник Московского Университета, 1982. – Серия 8. История. – с. 86.
9. Никулина Н.М. О взаимосвязях древнегреческого и древневосточного искусства // Античность и античные традиции в культуре и искусстве народов Советского Востока. (Сб. статей.). – М.: 1978. – с. 38.
10. Хожаниязов Г. История развития фортификации античного Хорезма // Советская археология. – М.: 1981. - №2. – с. 43-56.

УДК: 711.4; 711.43

САМАРҚАНДНИНГ ШАҲАРСОЗЛИК МЕРОСИ

Яхьяев А.А. катта илмий ходим-изланувчи (ТАҚИ)

В статье приводятся проводимые в последнее время научно-исследовательские, реконструкционные, реставрационные и адаптационные работы по архитектурным памятникам в городе Самарканде

The next time the architectural monuments of Samarkand scientific research, restoration, reconstruction, adaptation, improvement, and work to solve the problems of urban stories.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жаҳон маданият меросининг ажралмас қисми, дунё цивилизациясининг юқори босқичлари тараққиётига дахлдор бўлган машҳур маданият ва меъморий ёдгорликлар мавжуддир. Уларнинг ичида энг қадимийси-Самарқанд шаҳри алоҳида ўрин тутади.

Инсоният тарихининг, айниқса моддий ёдгорликлари орқали аниқланган ривожланиш босқичларида акс этган осори-атиқаларнинг барчаси ушбу шаҳар ҳудудида мужассам бўлган. Самарқанддаги илк шаҳарларнинг пайдо бўлишига, меъмorchilik ва хунармандчилик тараққиётига гувоҳ бўлган моддий ашё ва ин-

шоотлар неча ўн йиллардан бери жаҳон тадқиқотчи олимларининг диққат эътиборида бўлиб келган. Юзлаб монографиялар, рисоалар, мақолалар тайёрланди, чет эл мамлакатларидан келган сайёҳлар, олимлар зиёратчилар томонидан тасаввур ҳақида эсталик китоблар чиқарилди. Шундай бўлсада, Самарқанд обидалари, осори-атиқаларини ўрганиш ишлари ҳамон давом этмоқда. Кўплаб илмий-назарий жумбоқлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. Тадқиқ қилинган, ўрганилган ёдгорликларни эса сақлаб қолиш, уларни келгуси авлодларга бекаму қўст етказиш ҳам мураккаб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Масалан, Самарқанд

худудидаги энг қадимий масканлардан бири бўлган Афросиёб ёдгорлиги бўлиб, археологик қазишмалар орқали ўрганилсада, хом ғишт ва пахсадан қилинган қисмлари, деворларидаги рангтасвирларини сақлаб қолиш масаласини ҳал қилиш муаммоси ҳамон муаммо бўлиб қолмоқда. Илмий-тадқиқот ишларини бажариш кўп йилларни ўз ичига олган бўлиб, Самарқанд худудидаги кўплаб топилмаларни сақлаш, ёдгорликларни таъмирлаш, улардан оқилона фойдаланиш масалалари ҳануз долзарб масала бўлиб келмоқда. Мустақилликка эришилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовни ташаббуси билан маданий ёдгорликларни асраш, таъмирлаш ва улардан оқилона фойдаланиш соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди [1].

Самарқанд шаҳридаги обидаларнинг жаҳоншумул аҳамиятини ҳамда шаҳарнинг қадимий ва бой тарихини, бетакрор маданиятини, буюк сиймолари билан жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда ЮНЕСКО Бош конференцияси 2005 йил 20 октябрдаги 33-сессиясида Самарқанднинг 2750 йиллигини нишонлаш ва унда ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақида қарор қабул қилди. 2006 йил 25 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги” қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга кўра кенг кўламли тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва бу тадбирлар асосида қадимий обидаларни ўрганиш ва таъмирлашга катта ўрин берилди [2].

Самарқанд шаҳрининг меъморчилик тарихини аниқлаш бўйича кўп йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар, археологик қазиш ишлари натижалари асосида илмий адабиётларда ва оммавий ахборот воситаларида кенг кўламда ёритилди. Шундай бўлсада, шаҳарсозлик нуқтаи назаридан Самарқанд шаҳрининг шаклланиш тарихига оид маълумотлар шу кунга қадар тўлиқ ҳажмда умумлаштирилмаган. Шаҳарнинг ривожланиш босқичларининг умумий меъморий ва шаҳарсозлик тавсифининг ёритилиши шаҳарнинг тарихий ҳудудлари ривожига тавсиф бериш ва замонавий шаҳарсозлик лойиҳаларини ишлаб чиқишда, уларни асраш йўллари белгилаш муҳимдир. Чунки, шаҳарда бунёдкорлик ишлари тезкор тарзда олиб борилиши, ўзига хос маданий ёдгорлик ҳисобланган тарихий ҳудудларни асраш ҳам бу жараёнда асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзининг узоқ ўтмиш тарихи давомида Самарқанд шаҳри катта ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Шаҳарсозликка оид тадқиқотлар натижаларини ўрганиш, Самарқанднинг тарихига бағишланган тарихий ва библиографик манбаларни таҳлил этиш жараёнида шаҳар ҳудуди кўламида, унинг тарихан ва шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ривожланиш босқичларини аниқлашга муваффақ бўлинди.

Самарқанднинг шаҳарсозлик нуқтаи назаридан ривожланишидаги босқичларида ҳудудий ва меъморий ўзгаришларининг асосий йўналишларини кўриб чиқиш, шаҳарнинг сиёсий-ижтимоий ҳолати, ҳудудий ўзгаришлари ўзига хос кўриниши меъморий тизимга эга бўлган. Уларни аниқлаш учун кўп асрлик тадқиқотлар натижалари, жойида ўрганишлардан олинган маълумотларидан фойдаланиш, шаҳарнинг ривожланиш босқичларидаги муҳим ҳолатларига тавсиф бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жаҳон маданий меросида алоҳида ўрин тутган Самарқанднинг тарихий ҳудуди, оламшумул меъморий ва шаҳарсозлик меросини ўрганиш натижалари қуйидаги хулоса ва мулоҳазаларни келтириб чиқаришга имкон берди.

Самарқанднинг шаҳар мақомидаги ёшига оид тадқиқотлар Афросиёб харобаларининг Арк қисмидан топилган далиллар асосида 2750-3000 йилга тенг деб ҳисоблаш мумкин. Самарқанд “Авесто”нинг, унда акс этган “турлар” ва подшоҳ Афросиёб-Алп Эр Тўнганнинг тенгдошидир. Шу тариқа, Самарқанднинг ёши дунёнинг энг кўҳна Рим, Афина, Вавилон шаҳарлари қаторида деб ҳисоблаш мумкин. Бу даврда Самарқанд шаҳрининг асосий қисми Афросиёб тепаликларида бўлиб, Искандар Зулқарнайн босқини, араблар истилоси каби қонли тарихни бошидан кечирган ҳамда қадди букулмай қайта тикланган. Самарқанднинг шаҳарсозлик тарихий босқичларини белгилаш учун унинг ривожланишидаги мураккаб тарихини, ҳудудий кенгайишига олиб келган омилларга нисбат берилиб, унинг шаҳарсозлик тарихи шартли равишда қуйидаги босқичларга бўлинган [3]:

- Афросиёб ва қисман унинг ташқарисини эгаллаган ҳудудда шаклланган шаҳар, яъни эрамиздан аввалги IX-XII асрлардан Қорахонийлар (XI-XII) асрларгача, Чингизхон вайрон қилган ҳудудгача бўлган Самарқанд тарихи;

- Самарқанднинг гуллаб-яшнаган Темурийлар даври (XIV-XV асрлар);

- XVI-XIX асрларда Самарқанднинг ривожланиши;

- XX асрдаги Самарқанднинг шаҳарсозлиги тарихи.

Юқорида белгиланган шаҳарсозлик босқичлари қадимги ва ўрта асрлардаги меъморий ва шаҳарсозлик йўналишларига кўра белгиланди. Чунки бу босқичларнинг ҳар бири ўзига хос шаҳарсозлик ва меъморий хусусиятга эга бўлган.

Қадимий Афросиёбдаги шаҳарнинг тизими мустаҳкам истехком шаклида бўлиб, ўша даврда юзага келган сиёсий ва ижтимоий ҳаёт тарзини ўзида акс эттирган. Маданий ҳаётда ҳам исломнинг Мовароуннаҳрда тарқалмасдан олдинги йўналишлари деворий безаклардаги рангтасвирлар, ҳукмрон диний мафкурага хизмат қилувчи эҳромлар, саройлар қурилиши ҳукм сурган.

Қорахонийлар ҳукмронлиги ва Чингизхон босқинигача бўлган давр меъморчилигида янгича иншоотлар, шаҳарсозлик тузулмалари бўлган мақбаралар, мадраса-масжидлар, маҳалла-гузарлар пайдо бўлган. Бу даврдан бизгача етиб келган, ҳозирда жаҳонга машҳур меъморий мажмуалар Шоҳизинда, Ҳазрати Хизр, Хўжа Дониёр ва бошқаларнинг шаклланиши бошланган [4].

Самарқанд - “сайқали замин аст”, бўлишига, кейинчалик жаҳон мероси дурдонасига айланишига сабабчи бўлган ривожланиш босқичи - бу Темур ва теурийлар даври шаҳридир. Самарқанд шаҳри бутунлай шаҳри дорун (ташки шаҳар) ҳудудини эгаллаши, Амир Темур томонидан машҳур меъморий мажмуаларни яратилиши билан характерланган бу босқичда Самарқанд ўрта асрнинг шаҳарсозлик ва меъморчилик хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттирган. Мустаҳкам Арк қурилиб, у ерда ҳукмдор саройи ва маъмурий бинолар жойлаштирилиб, унинг яқинида Регистон майдони ўзининг илк иншоотларига эга бўлган. Ҳозирги Тошкент кўчаси орқали Биби-хоним масжиди ва мадрасаси ансамблларида савдо-раста йўли шаклланди. Ўша даврдаги шаҳар чеккасида Оксарой ва Гўри Амир меъморий мажмуалари қурилди. Шаҳарда ва унинг атрофида шарқ Чорбоғ санъати анъаналарига хос бўлган гўзал боғлар барпо этилди. Марказлашган ҳокимиятга эга, мамлакатга хос бўлган буюк иншоотлар нафақат Самарқандда балки салтанатнинг бошқа йирик шаҳарлари Шаҳрисабз, Хирот, Бухоро, Туркистон ва бошқа ерларда ҳам қад кўтарди. Шаҳарсозлик тизимида шаҳристон, работлар, уларнинг гузар ва маҳаллаларга бўлиниши ҳам тугал композицион ечимга эга бўлди. Самарқанд маҳаллалари, гузарлари ва уларнинг ҳудудий чегара-

лари XV асрдан бошлаб шаклланган бўлсада, кўп асрлар давомида деярли ўзгармади. XVIII асрда Шаҳар кенгайишигина янги маҳалла ва гузарларни пайдо бўлишига олиб келди.

XIX асрнинг охирига қадар шаҳарнинг ўрта аср тизимида жузъий ўзгаришларни ҳисобга олмаса, умумий структурасида, меъморий мажмуалар жойлашувида кескин ўзгариш содир бўлмаган. XIX асрнинг иккинчи ярми, яъни 1868 йили Самарқанд чор ҳукумати томонидан босиб олингандан сўнг шаҳарнинг тизимида янги, европача структура пайдо бўла бошлаб, бу даврга келиб Самарқанд шаҳар ҳудуди Тошкент, Кўқон, Андижон шаҳарлари каби икки тизимдан иборат шаклга келди. Амир Темурнинг қадимий қалъаси радиал марказга айлантирилиб, ундан ўқ асосида кўчалар тарқалган тизими пайдо бўлди. Шаҳарда европача иншоотлар қурилган бўлсада, унда ўрта аср шаҳрининг асосий қисми нисбатан сақланиб қолди [5].

XX асрга келиб, шўроларнинг социалистик шаҳарсозлик тизим йўналиши Самарқанднинг қадимий ҳудудига ҳам ўз таъсирини кўрсата бошлади. Тарихий ҳудудни ушбу йўналишга мослаштиришга уриниш, кўплаб қадимий иншоотларни бузилишига, улар ўрнига янги бинолар қурилишига сабабчи бўлди. Лекин, шундай бўлсада, жаҳонга машҳур бўлган обидаларни асраш, уларда таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг маданий ва маънавий меросга бўлган муносабати Юртбошимизнинг сазйи-ҳаракати тугайли тубдан ўзгарди. Ёдгорликларни таъмирлаш, уларни охирига етказилмай, йилдан-йилга чўзилишига барҳам берилди. Қатъий режа асосида ёдгорликлар мажмуаси ва уларнинг ҳудудида кенг қамровли, замонавий шаҳарсозлик кодекси талаблари, маданий ёдгорликларни асраш бўйича халқаро конвенциялар талаби асосида бажариш амалиёти кенг қўллана бошланди. Бу ишларни самарали амалга оширишда ҳукуматни фармон ва қарорлари асос бўлди. Халқаро ҳуқуқий нормалар, талабларига жавоб бера оладиган қонунлар асосида ишлаб чиқилган йўриқномалар, ҳуқуқий ҳужжатларда маданий ва маънавий меросга бўлган муносабатлар ва уларда олиб бориладиган ишлар, фаолияти тартибга солинди.

Самарқанд шаҳрида кейинги вақтларда меъморий обидалар бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот, таъмирлаш, қайта қуриш, мослаштириш, ободончилик, ва шаҳарсозлик муаммоларини ҳал қилиш ишлари халқаро экспертлар томонидан юқори баҳоланмоқда.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 жилд. Т. 1996.
2. Каримов И.А. Выступление на заключительном заседании 155-й сессии Исполнительного совета ЮНЕСКО. “Народное слово” газетаси. 17 ноябр 1998.
3. Лавров В.А. Градостроительная культура Средней Азии. М. 1950.

4. Абрамов М. Гузары Самарканда. Т. 1989.
5. Ширинов Т., Саъдуллаев А. Самарқанд - Римнинг тенгдоши. “Халқ сўзи” газетаси. 13 декабр 2003.
6. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқанддаги Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1404-1406 йиллар). Санъат. № 9-12 Т. 1989. № 1-10 Т. 1990.

УДК: 72.03

“БОБУРИЙ МАСЖИД”ЛАРНИНГ АРХИТЕКТУРАВИЙ ТАҲЛИЛИ**Рахимов Л.А., Қосимова Ф. (СамДАҚИ)**

В статье атслежны процессы возникновения «Бабуридских Мечетей» и проанализировано их сходство.

In given article we will try to analyze architecture of “Baburid Mosques” and explore analogue of these three mosques. Moreover, we will try to clear up who built these mosques and find out differentiations from other architectural styles.

Ҳозирги кунгача, Захириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ Ҳиндистонда учта нодир масжидлар туркуми сақланиб келинган. Улар халқ орасида “Бобурий Масжид”лар номи билан машҳурдир. Бу масжидлар ҳали – ҳануз олимлар томонидан баҳсу мунозараларга дучор бўлиб келинмоқда ва ҳозиргача тадқиқотчилар аниқ бир тўхтамга кела олмаганлар. Мазкур мақолада, шу тадқиқотчиларнинг ёзмалари асосида “Бобурий Масжид”ларнинг архитектуравий моҳиятини таҳлил қилишга уриндик.

Перси Брауннинг таъкидлашича: “Бобур иккита масжид қурилишига амр беради. Биринчиси, Панжоб воҳасига мансуб Панипатдаги Қобули Боғ масжиди бўлиб, иккинчиси эса, Самбхалдаги Жомъе Масжидидир”. [1] Аммо, Катерин Эшернинг ёзишича: “Бобур давридан бизларгача учта масжид сақланиб келган. Панипатдаги Қобули Боғ Масжиди ўзининг амри билан қурилган бўлиб, яна иккита Самбхалдаги Масжид, ҳамда Айодҳиядаги масжид унинг буйруғи асосида зодагонлари томонидан бунёд эттирилган”. [2]

Бобур амри билан Панипатда барпо этилган масжид, ҳозирги Харяна штатидаги Карнал воҳасида жойлашган. Ёзувлар масжиднинг 1527 йилда қуриб битказилганлиги, ҳамда дарвоза ва боғ 1528 йилда барпо этилганлигидан далолат беради. Боғнинг бизларгача сақланмаганлиги боис, масжиднинг боғнинг қайси жойида лойиҳаланганлигини аниқлаш мушкулдир. Аммо, масжиднинг йирик ўлчамга эга бўлганлигидан шуни таъкидлаш жоизки, масжид боғнинг бир қисмида эмас, балки боғ масжид атрофи бўйлаб лойиҳаланган. Яъни, мажмуада

асосий эътибор боғга эмас, балки масжидга қаратилган. Тўғри бурчакли ибодат қилиш хонаси 53,75 x 16,50 м.ли бўлиб, усти йирик марказий гумбаз билан боғланган. Хона учта ораликдан иборат бўлиб, ҳар бир ораликнинг қанотлари равоқли очик муҳитга эга бўлиб, мустаҳкам устун асосида кўтарилган. Бино бўйлаб ғиштли деворнинг қалин қоришмали шувоқ билан қопланганлиги Султонлик архитектурасига мосдир. Масжиднинг шимоли – ғарбий, ҳамда жануби – ғарбий бурчаклари саккиз бурчакли миноралар билан қопланиб, усти очик айвончали ва тожли гумбаз билан яқунланган. Масжиднинг ҳар бир оралиғи гумбаз билан ёпилган. Йирик марказий оралиғда мужассам бўлган қибла девори Маккага қаратилган ва меҳроб деворлари тошдан қурилган. Масжиднинг қолган деворлари эса ғиштдан барпо этилиб, қоришма билан қопланган. Марказий оралик йирик кириш равоқига эга. Меҳробдаги ёзувлар 1527 – 1528 й.га мансуб бўлиб, қоратош билан оқ мармар асосида Курон оятлари битилган. Бино ва гумбазнинг оддий тузилмага эга бўлиши, 1494 йилда Дехлидаги Лўди боғида барпо этилган Бара Гумбад меъморчилигига ўхшаб кетади. Аммо, ўзининг қиёсий декоратив тузилишидаги фарқлари Темурийларга мансублигидан далолат беради. Масжиднинг ҳар бир томонидаги қанотли оралик, алоҳида иккита мустаҳкам ғиштли устун билан ажратилган. Устунлар ва гумбаз ости бурчакларда ҳосил бўлган бўшлиқлар, Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар томонидан киритилган услубга хос муқарнаслар билан безатилган. Масжиднинг ибодат қилиш хонаси Темурийлар масжидига хос эр-

кин тузилишга эга бўлиб, бундай тузилиш Лўди меъморчилигидан олдинги масжидларда ҳам учрайди.[2]

Катерин Эшернинг таъкидлашича: “Бундай масжид услубининг Бобур томонидан танланиши иккита муҳим омилга эгадир. Биринчиси, Бу масжид услуби Лўди давридаги масжидлардан кескин фарқланган. Иккинчиси эса, бу масжид услуби хинд усталари томонидан анча ўзгартириб қурилишига қарамасдан, Амир Темурнинг Самарқандда бунёд этган Биби Хоним масжиди услуби сифатидан олинган. Негаки, Бобур Темурийлар яратган архитектурани қисман бўлсада сақлаб қолишга интилган. Бобурнинг Самарқанд, ҳамда Ҳиротдаги Темурийлар яратган меъморчиликни яратиш иштиёқи жуда баланд эди. Аммо, унинг хоҳишига қарамасдан Темурийлар архитектурасини Ҳинд заминида яратиш жуда мушкул эди. Негаки, ўша даврда бу маданият сир – асрорларини биладиган меъмор ва рассомлар Бобур қўл остида деярли топилмади. Бундан ташқари, бундай маҳобатли биноларни қуриш учун ҳам бойлиги етарли эмасди”.[2]

Рам Натнинг таъкидлашича: “Панипатдаги Бобури Масжиди архитектурасидаги равоқларнинг кенглиги ва гумбазининг баландлиги бу услубнинг Лўди давридаги услубга хослигидан далолат беради. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бино деворларининг асосий қисми ғиштдан қурилган ва тош териш услуби жуда кам қўлланилган. “Бобурнома”дан шу аёнки, Бобур бунёдкорликда тош териш услубига алоҳида эътибор берган. Булардан ташқари, масжид архитектурасини кузатар эканмиз, унинг услублари шу даврларда, яъни 1528 – 29 йилларда Дехлидаги Қутб яқинида бунёд этилган Жамали – Камали Масжиди архитектуравий услубига ўхшашлигини кўришимиз мумкин. Иккала масжид ҳам олдинги архитектуравий услубларининг намуналари саналади. Бундай бўлишига сабаб, Бобур усталарни Жамуна – Чамбал воҳасидан тайинлаган бўлса керак. Негаки, бу усталар ислом архитектураси услубларидан кўра кўпроқ маҳаллий анъанавий услуб асосида иш юритган. Демак, масжидда қўлланилган архитектуравий услуб кўпроқ Лўди давридаги услубга хосдир десак муболаға бўлмайди”.[3]

Қолган иккита масжидлар Бобурнинг буйруғи асосида унинг зодагонлари томонидан барпо этилади. Бу масжидлардан бири, Дехлидан 140 км. шарқда жойлашган Самбхал воҳасида 1526 йилда Бобурнинг қадрли зодагони Мир Ҳинду Бег томонидан бунёд этилган. Панипатдаги Қобули Масжиддан бир йил ол-

дин қурилган Самбхал масжиди, Бобурийлар томонидан Ҳиндистон заминида бунёд этилган илк масжид саналади. Мажмуага кириш шарқ томондан мўлжалланган бўлиб, деворлар билан ўраб олинган ички ҳовлига йўналтирилган. Ибодат қилиш учун мўлжалланган хона, Панипат масжиди каби тархи тўғри бурчакли, ҳамда катта марказий тўғри тўртбурчакли ораликдан иборат. Асосий кириш жойида йирик пештоқ мавжуд бўлиб, Жайнпурдаги Шарқи масжиди пештоқиға ўхшашдир. Марказий хона икки ёнидан учталиқ қўшимча ораликлар ва ён қанот ораликлар билан боғланган. Марказий оралик усти ягона йирик гумбаз билан қопланиб, қўшимча ораликлар устида эса, кичик гумбазчалар қурилган. Масжиднинг пештоқи ва бир қатор қурилмаларнинг XV – асрдаги Жайнпурнинг Шарқи масжиди тузилишига ўхшашлигидан, шу аниқки, масжид маҳаллий меъморлар ва усталар томонидан барпо этилган. Самбхал масжидининг XVII – асрда икки маротаба таъмирланишига қарамасдан ўзининг асл услубини йўқотмаган ва ўзининг тархий, ҳамда умумий мутаносибликлари билан, бир йилдан сўнг Бобур қурдирган Панипатдаги масжиднинг тузилишига ҳам таъсир ўтказган. Самбхал Масжиди ўлчамлари 40.5 x 12.4 м. бўлиб, Бобур қурдирган Панипатдаги масжид масштабларига тўғри келади. Шу тариқа, Самбхалдаги Масжид Дехли яқинида қурилган янги меъморчилик даврининг бошлаганлигидан далолат беради. [1]

Рам Натнинг таъкидлашича: “Самбхалдаги масжид олдиндан ибодатхона худудида Лўди хукмронлиги пайтида қурилади бошланган ва Бобурнинг биринчи хукмронлиги пайтида қурилиб битказилган. Бинодаги учта битиклардан бирида Бу масжид Мир Ҳинду Бег томонидан Бобур буйруғи асосида (chun ze farman shahinshah – i – jehan = Babur) 933/1526 йилда (6 декабр 1526 йилда бутунлай қуриб битказилган, яъни Панипат жангидан етти ой ўтгандан сўнг) бунёд этилган деган ёзувни учратишимиз мумкин. Бу масжид услуби олдинги Лўди услубига хос бўлиб, унинг марказий кенг тўрт равоқлари, ҳамда баланд ва кенг гумбази ва бой нақшинкор пластрлар билан буларга яққол далил бўлади”.[3]

Бобурнинг буйруғи асосида зодагони томонидан қурилган иккинчи масжид Айодхияда, ҳозирги Файзобод районидаги Гҳагҳара дарёси соҳилида жойлашган. Бинодаги учта ёзувда бу масжиднинг 1528 – 1529 йилларда, яъни Самбхал ва Панипатдаги масжидлардан кейин, зодагон Мир Бақи томонидан бунёд этилганлиги

акс эттирилган. Бобур буйруғи асосида қурилган масжидлардан, Айодхияда барпо этилган Бобури Масжидининг фарқи шундаки, бу масжид олдинги иккита масжиддан анча кичикроқ, ҳамда марказий оралиқлар фақатгина икки томондан қўшимча оралиқлар билан боғланган [2].

Айодхиядаги масжиднинг тарзи учта кенг учли равоқлардан ташкил топган бўлиб, учта оралиқли хона ва улар устида учта гумбаздан иборат [3].

Марказий пештоқ маҳобатли қилиб қурилган бўлиб, иккита ён оралиқлар ҳам равоқли кириш жойларига эгадир. Масжид деворларининг асосий қисми қоришма ёрдамида шувалган бўлиб, марказий кириш жойида ўн иккинчи асрга мансуб ибодатхона қора устунчалари ўрнатилган [2]. Шуниси қизиқки, бундай деворларнинг асосий бурчакларида ташкил топган кичик қора устунчалар ҳинд ибодатхоналарида ишлатилар эди. Бу устунчалар юк кўтариш қобилятига эга эмас. Бу эса ўзининг навбатида ҳинд ибодатхона қисмларининг масжиднинг охириги қурилишларида ишлатилганлигидан далолат беради [3].

Рам Натнинг фикрича: “Масжиддаги учта гумбаз кўриниши жиҳатидан умуман мутаносибликларга эга эмас. Султонлик архитектура-си нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу гумбазлар вертикал ўқ жиҳатидан жуда баланд қурилган. Бобурийларнинг кейинги масжид гумбазлари билан солиштирганда эса, бу гумбазлар жуда кенг қурилган. Булардан шу нарса аён бўладики, масжид кўп бора қайта таъмирланган ва шунинг натижасида гумбазларнинг асл мутаносибликлари кескин ўзгарган” [5].

Уч равоқли масжидларнинг кенг миқёсда шаклланиши XV – аср ва XVI – асрнинг биринчи ярмида Шимолий Ҳиндистон ва Малва ҳудудларида (асосан 1500 йилдан 1550 йилларгача) кузатилади. Бундай масжидларнинг шаклланишида Афғонларнинг таъсири бўлган десак муболаға бўлмайди. Бундай масжидлар олдида ҳовуз, покланиш учун кудук, ҳамда имомлар учун мўлжалланган қўшимча хоналар қурилмаган. Тузилиши уч оралиқли хона, учта равоқли кириш жойи ва улар устида қурилган учта гумбаздан ташкил топган. Бу масжидлар тизимига кирувчи бир қатор масжидларни келтириш мумкин: Хаузи Хасдаги Нили Масжиди (1505 й.), Мехраули Дехлидаги Район –ки Баин Масжиди (1506 й.), Дехлидаги Шайх Сарой Масжиди (1507 й.) ва шунга ўхшаш Муҳаммадпур, Рамакришнапурам, Хауз Хас, Чираг–и–Дилли, ҳамда Лўди даврида бунёд этилган бир қатор масжидлар қиради. Яна шу синфга

таалуқли масжидлар Патнадаги Шер –Шах Масжиди (1540 –1545 й.), Роҳтасгарх Жоме Масжиди, Дехлидаги Иса Хан Масжиди (1547–1548 й.), ҳамда шу типга кирувчи масжидларнинг сўнгги намунаси Акбар томонидан бунёд этилган Хайрул–Манзил Масжиди (1561–1562 й.) ҳисобланади. Айодхияда барпо этилган Бобури Масжиди ҳам сўзсиз шу тизимга қиради [3].

Кўпчилик жойларда Айодхиядаги масжидни Бобур раҳнамолигида қурдирган деган маълумотларни учратиш мумкин. Шунинг учун бўлса кераки, бу масжид халқ орасида Бобури Масжиди деб аталиб келинмоқда. Масжиднинг марказий равоқи устидаги (2 x 0.55 м.ли тошда битилган) тўрт қатордан иборат форсча ёзувлар Маулави Ашраф Ҳуссайн томонидан ўрганилганда, саккиз мисрали форсий хуснихатда шундай маълумотлар ёзилган:

Line 1. In the name of Allah, the Beneficent the Merciful. And in Him is my trust. *Таржимаси: Мехрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан, Ва ёлғиз Унга ишонаман.*

Line 2. In the name of One who is wise Great and Creator of all the universe and who does not have any house. (Verse 1) *Таржимаси: Ёлғиз ва Буюк билгувчи, ҳамда бутун оламларни Яратгувчи ва ҳеч қандай уйга муҳтож бўлмаган номи билан.*

After His praise, blessings be upon the chosen one (viz. the Prophet Muhammad) who is the head of prophets and best in the world. (Verse 2) *Таржимаси: Унинг Расули ва қули (яъни Муҳаммад а.с.) ҳамда бу дунёда азиз ва пайгамбарларнинг пешқадами.*

The story of Babur who is really a vagabond ascetic (*Babur-Qalandar*) has become celebrated in the world since the world has achieved prosperity in this time. (Verse 3) *Таржимаси: Бобур тарихи, у жаҳонгаишта қаландар жаҳонга машхур бўлди, негаки унинг ҳукмронлиги даврида дунё тинч ва осойишта бўлди.*

Line 3. He is such a powerful Emperor that he has captured (*giraftah*) all the seven climes of the world in the manner of the sky. (Verse 4) *Таржимаси: У шундай кучли ҳукмдорки, у дунёнинг етти мамлакатини босиб олди, шу жумладан осмонни ҳам.*

In his court there was a magnificent (*mirtu`azzam*) noble named Mir Baqi who was second Asaf. (Verse 5) *Таржимаси: Унинг хизматида муҳтарам Мир Бақи номли шахс бўлиб, у иккинчи маслаҳатчи саналган.*

He (Mir Baqi) was councilor of his government and administrator of his kingdom. **He (Mir Baqi) built this mosque and Fort** (*kaz-in*

masjid va hisar, hastbani). (Verse 6) *Таржимаси: У (Мир Бақи) мамлакат девонининг аззоси саналиб, бош маъмур лавозимида ҳам бўлган. У (Мир Бақи) бу масжид ва Фортни қурган.*

Line 4. O God, may he (Babur) live forever in this world, with crown (*chatr*), throne (*takht*), fortune (*bakht*) and life (*zindagi*). (Verse 7) *Таржимаси: Худо, Унинг (Бобурнинг) умрини боқий, тожли, тахтли, ва бахтли ҳаётли қил.*

The time of the building is this auspicious date, of which the indication is nine hundred and thirty five (935/1528-29). (Verse 8) *Таржимаси: Бино қурилиши санаси бу мақбул сана ҳисобланиб, тўққиз юз ўттиз беши ташиқил этади.*

Completed was this praise of God, of Prophet and of King (Babur). May Allah illumine his proof. Written by the humble writer Fathullah Muhammad Ghorī. *Таржимаси: Худо, Пайғамбар ва Подшоҳ (Бобур) инояти билан бу бино қуриб битказилди. Аллоҳ бунинг ҳаққонийлигига гувоҳдир. Битиклар камина Фатхуллоҳ Мухаммад Ғурий томонидан битилган [3].*

Рам Натнинг фикрича: “Бу битиклар Бобурнинг ҳукмдор бўлганлигини билдиради, унинг бу масжидда раҳнамолик қилганлигидан ҳеч қандай далолат бермайди. Маълумотлардан кўриниб турибдики, масжид Мир Бақи Таш-

кинди томонидан қурилган. Бунинг яққоллигини масжид ичидаги минбардаги битикларни таржимасидан ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун бу масжиднинг муаллифи сифатида Бобурни кўриш ноўриндир”. [3]

Хулоса ўрнида шуни келтириш мумкинки Бобурнинг қисқа фурсатли ҳукмронлигига қарамадан, у Темурийлар архитектурасининг асосий моҳиятини бу ўлкага олиб киришга муваффақ бўлди [2].

Адабиётлар

1. Brown P. Indian architecture (Islamic period). – Mumbai: D.B. Taraporelva Sons & Co. Pvt. Ltd., 1956 – 1981. p. 132.
2. Asher C.B. Architecture of Mughal India. – Cambridge: University Press, 1995. p.368.
3. Nath R. Architecture and site of the Baburi Masjid of Ayodhya. -Jaipur. 1991.
4. Аскарлов Ш.Д. Архитектура Темуридов. Ташкент.: Изд – во “San`at”, 2009. –с. 144 + 80 стр. илл.
5. Nath R. India as seen by Babur(AD 1504-1530). MD Publications PVT LTD. New Delhi 1996.
6. Низомиддинов. Н.Ф. Буюк бобурийлар тарихи (XVI – XIX аср). Тошкент 2012.
7. Бобур Захириддин Мухаммад. Бобурнома. – Тошкент.:2008, 287 б.

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҚЎЛЛАБ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИГАН МЎЪЖАЗ АРХИТЕКТУРАВИЙ ФОРМАЛАР

Жонузақов А.Э., Ҳамидова Д.А. (СамДАҚИ)

В статье описываются основные функции малых архитектурных форм, которые формируются с помощью вьющихся растений, об их конструкции, материала нормативных данных, о видах растений.

In clause is described the basic functions of the small architectural forms, which are formed with the help of twisted plants, about their design, material normative given, about kinds of plants.

Мўъжаз архитектуравий формалар нафақат архитектуранинг улкан объектлари муҳитини жой рельефи, шаҳар муҳити билан узвий боғлайди, балки улар боғ-парк композицияларининг ҳам ажралмас ва ўзига хос воситаси ҳисобланади. Айниқса бевосита декоратив ва чирмашиб ўсадиган ўсимликларни қўллаган ҳолда шакллантириладиган мўъжаз архитектуравий формаларни қўллаш орқали кўкка ўрлаётган шаҳарларимиз кўча ва очик майдонлар муҳитини соғломлаштириш, ҳам эстетик жиҳатдан чирой бериш муҳим аҳамиятга эга. Қуйида улардан бир неча турлари ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтамиз.

Трельяж - темирбетон элементлар, металл стерженлар ёки ёғоч рейкалардан ясалган енгил панжарали вертикал деворча. Трельяжларнинг мақсади - трельяжни яшил парда бўлиб



ёпадиган чирмашувчи ўсимлик (лиана)лар учун каркас-тиргак сифатида фойдаланишдан иборат. Трельяжнинг яшил декоратив “деворчаси” лойиҳачиларнинг қўлида ҳайкал

ёки фаввора яратиш, дам олиш майдончаларини ажратиш, хўжалик иншоот ва майдончаларини бекитиш учун ажойиб воситадир.

Трельяж офислар бинолари ва яшаш уйларига кириш жойларидаги деворларни безаш, катта бўлмаган иншоотлар: шийпончалар, соябонлар ва бошқаларни ўраш учун ишлатилиши мумкин. Трельяж бир ёки бир неча қисмдан иборат бўлиб, горизонталь вертикаль ёки қия элементлардан турли тасвирларни яратадиган панжара ҳосил қилади.

Трельяжлар кўпинча ингичка ёғоч рейкалардан ёки цилиндрлик пўлат арматурадан тайёрланади. Шунингдек, худди перголалардек улар заводларда темирбетондан тайёрланади. Трельяжлар баландлиги 2,5 м дан то 4,0 м гача ўзгариб туради.



Шпалерлар ҳам трельяжлар ва перголалар каби тик кўкаламзорлаштиришда қўлланилиб, тирмашиб ўсувчи ўсимликлар учун

таянч қурилма - синч вазифасини бажаради. Улар алоҳида туриши, йўлаклар бўйлаб қўйилиши, патиолар, яъни ҳовли боғларини, террасани ва хатто тўсиқларни ҳам шакллантириши мумкин. Шпалерлар дам олувчиларни жазирама қуёш ва шамолдан ҳимоя қилади, соя ҳосил қилади. Уларнинг баландлиги, одатда, 2 м дан ошмайди ва ёғоч рейкалардан (қирқими 25x25 мм) ишланади. Рейкалар бир-бирига хос шаклда бириктирилади ва томонлари 10 см ли квадрат ёки ромблар ҳосил қилади



Перголалар - бу устунлар ёки тўрсимон қопламалари бўлган равоқлардан иборат декоратив иншоот бўлиб, чирмашадиган ўсимликлар билан бирга чиройли соябон, йўлак ва сояли майдончани ҳосил қилади.

Пергола элементларининг такрорланиши соя ва қуёш нурларининг алмашилишини пайдо қилади. Перголалар алоҳида, бинога ёпишган ҳолда бўлиши ёки бир бинони бошқасига улаш вазифасини бажариши мумкин. Перголаларнинг декоратив сифатлари ва шамоллатишини сақлаган ҳолда соя яратиш хусусиятлари, уларни турли ҳудудларда қўлланилишини таъминлайди. Перголалар қурилиши албатта, ёввойи узум (дикий виногради), тамаки (табак душистый), қулмоқ (хмел), плюш, ўрама атиргул (роза плетистая) ва бошқа чирмашадиган ўсимликлар ёрдамида кўкаламзорлаштириши билан уйғунликда олиб борилиши лозим. Улар перголанинг узунасига ёки устунлар ёнига экилади ва конструкцияни ўраб олади ёки махсус тортилган сим ёки нейлон ип билан юқорига кўтарилади. Унинг чегарасида ёки томонларининг бирида ўсаётган баланд дарахтларнинг таналари унга манзаралик бахш этади.

Пергола устунлари жуда хилма-хил материаллардан: ёғоч, гишт, металл, темирбетон, асбестцемент қувурлардан тайёрланади. Пер-

голанинг панжарали қопламасини ҳозиргача ёғочдан, онда-сонда металлдан қилинади; кейинги йилларда усти темирбетон тўсинлар ва плиталар билан ёпилган перголалар кўп тарқалди. Планди перголалар тўғричиқли, синиқ контурли, эгри чиқли бўлиши мумкин, уларнинг баландлиги эса, 2,5...3,0 м гача қабул қилинган.



Вазалар ва гулдонлар ҳам ҳайкалтарошлик асарларидир. Улар болюстрада-ларда, айвончаларда, майдончаларда йўлаклар

четида, дам олиш зоналарида ёки майсазорнинг марказига жойлаштирилиши мумкин. Паркларнинг безатилиши учун ваза ва гулдонларнинг юқори бадиий намуналарини танлаш мақсадга мувофиқ. Улар турли материаллар: ёғоч, бетон, мрамор, сополдан тайёрланган бўлиши мумкин. Аммо, кейинги пайтларда пластик материаллардан тайёрланган вазалар муассаса, ташкилот ёки корхоналар кириш қисмини безаб турибди.



Боскетлар ва жонли деворлар. Боскетлар боғ-парк формаси сифатида Италия ва Франция паркларида XVI-XVII асрларда тарқалган. Улар бир-бирига

тиғиз ўтказилиб, баланд қилиб қузалган дарахт ва буталардан ёпиқ яшил фазодан ҳосил қилинган, очиқ осмон остида яшил заллар, “кабинетлар” лабиринтлар шакллантирилган. Боскетлар мураккаб геометрик формалар, қандайдир архитектуравий фрагментлар ва хатто дарахтлардан қузалган ҳайвон ҳайкаллари билан бойитилган.

Ландшафт санъатида ўсимликларни қузаб, яъни топиар санъати (лот. topiaria – “боғ наққошлик санъати”) яшил деворларни яратишда кўпроқ қўлланилади. Бундай деворлар майдон жиҳатидан анча кам жой эгаллайди, шунинг учун улар кичик участкаларда фойдаланилса, яхши натижа беради. Мис.учун, тўсиқ бўйлаб экилган дўлана(боярышник)нинг эркин шохаси периметр бўйлаб, 3-4 метр ни “ўғирлайди”, қузалган девор эса, энига бор-йўғи бир метр жойни эгаллаши мумкин. Шунингдек, яхши қузалган тиғиз яшил девор бокка салобат ва тугаллик бахш этади.

Яшил деворлар баландлиги бўйича уч гуруҳга бўлинади: бордюлар – 1 м гача; жонли шохдеворлар (живые изгороди) – 1-2 м;

жонли деворлар (живые стены) – 3 м.дан баланд. Бордюрлар паст буталардан, жонли шох-деворлар – ўртача ва баланд, жонли деворлар – баланд буталар ва дарахтлардан яратилади. Шохдеворлар бирқаторли, икки қаторли, уч қаторли бўлиши мумкин. Шохдеворлардаги ўсимликлар орасидаги масофа уларнинг ўлчамларидан келиб чиқиб, 0,2 дан 1,2 м гача, қаторлар ораси – 0,3 дан 1 м гача бўлади.

Кузалган яшил деворлар турли шаклларда (девор қирқими шакли) бўлиши мумкин. Иклими кўпроқ қуёшли бўлган мамлакатларда квадрат ва тўғри бурчакли шаклларни учратиш мумкин.

Кузалган яшил деворларга қараганда шпалерда шакллантирилган ўсимлик янада камроқ, бор-йўғи 5-20 см жойни эгаллайди. Шундай кузаш ҳозир Ғарбий Европада жуда урф бўлган. Питомникларда шакллантирилган жўка (липа), нок (груша) ёки олма (яблонни)ларни сотиб олиш ва уларни участкага ўтқозиш мумкин. Бунда кўп ўтмай ўзга кўзлардан, шамол, чанглардан ҳимоя воситаси ва кўп жойни эгалламайдиган яшилликнинг мўллиги пайдо бўлади. Шпалердаги дарахтлар тана(штамб)сиз, (горизанталь шохалар бирдан ердан бошланганда), ҳамда баландлиги 2,2 – 2,5 м бўлган танали қилиб ўстирилади. Бундай дарахтлар тагида юриш, велосипедда ўтиш, автомобилни қўйиш мумкин. Питомниклар том ва штамбдаги қутилар кўринишида шакллантирилган ўсимликларни ҳам тавсия этадилар.



Ўсимликлардан яратилган фигуралар.

Замонавий ландшафт санъатида яшил деворлар, аллея (хидебон)лар учун, тўсиклар ёнида ёки улар ўрнида шакл берилган ўсимликлар қўлланилади. Боғ марказида ўтқазилган солитер, композиция акценти сифатида фойдаланишга муносиб ўсимликлар муҳим гуруҳни ташкил этади. Сўз соябон шакллар (пасти ялонғоч в текис тартибсиз шох-шабба), равоқ ва бошқа шакллар - боғ бонсайлари ҳақида бормоқда.

Боғ бонсайлари – топиар санъатининг ўзига хос кўринишидир. Бу анъана бизга Япония ва Хитойдан кириб келган. Ҳозир Европа ландшафт архитектурасида шарқ мотивлари урф бўлмоқда. Бонсайни соддалаштирилган Япон боғларида ёки шундайгина уй олдида солитер сифатида жойлаштирилади. Питомникларда ҳар бир бундай дарахт индивидуал рақамга ва баҳога эга.

Ландшафт санъатида ноу-хау – равоқ кўринишида махсус шакллантирилган дарахтлардир. Равоқ ўлчамлари тахминан 3x3 м, аммо ўз манфаатларимиздан келиб чиқиб, уни хоҳлаганча танлашимиз мумкин. Агар равоқни питомникдан олиб, унинг икки қисмини қаерга режалаштирган бўлсак, мис.учун боғ йўлаги ёнида ўтқазамиз ва уларнинг тепа қисмини боғлаймиз. Шундай йўл билан ҳақиқий яшил суҳбатгоҳни ҳам шакллантириш мумкин. Бунинг учун доира бўйлаб 6-8 ўсимлик (фақат катта бута ёки дарахтлар мос келади) ўтқозиш ва улар керакли баландликка етгач, ўртасидан уларнинг тепа қисмини боғлаш лозим. Кузаш ёрдамида том ва деворлари шакллантирилади, ўсимлик ён танасидан бачкиларини олиб ташлаб, уни очиқ яшил суҳбатгоҳга ҳам айланттириш мумкин.

Жиддий шакллар (шар, куб, конус, спираллар) тартибли услубда безалган боғ ёки боғнинг айрим зоналари учун фойдаланилади. Улар штамп (тана)ли қилиб ҳам шакллантирилиши мумкин.



Кузаш ва шакл беришда ишлатилган ўсимликлар.

Кузашга ўсимликларнинг барчаси ҳам бўйин эгавермайди. Зарноб (тисс), граб ва шамшод (самшит)ларни Ғарбий Европанинг барча жойларида кўриш мумкин, аммо бахтга қарши улар кузаш учун шимолий зоналар иқлим шароитларига мос келмайди. Аммо, бироз киши совуқ жойларда ҳам боғ-парк санъатида муваффақият билан буюк асарларга айланттириш мумкин бўлган қатор ўсимликлар мавжуд. Биз уларнинг асосийларини санаб ўтамиз.

Жонли шох девор ва деворлар яратиш учун игнабаргли ўсимликлардан тиконли қорақарағай (ель колючая), оддий арча (можжевельник обыкновенный), ғарб туйяси (туя западная) ярайди. Қозоқ арчаси (можжевельник казацкий) бордюрлар қуриш учун жуда мос келади.

Кузаш учун игнабарглиларга қараганда япалокбарглилар анча кўпчиликни ташкил қилади: падуббаргли магония (магония падуболистная), қорамевали арония (арония черноплодная), зирқлар (барбарисы), нормушқлар (бересклеты), дўланалар (боярышники), мўйнали маржондарахт (бузина кистистая), дағал қайрағоч (вяз шершавый), оқ дерен (дерен белый), шилвилар (жимолости), толлар (ивы), канада иргаси (ирга канадская), гордовина бодрезаги (калина гордовина), дарахтсимон қораған (карагана древовидная), ялтироқ ирғай

(кизилник блестящий), Гиннал заранги (клен Гиннала), татар заранги (клен татарский), дала заранги (клен полевой), бутасимон ғозпанжа (лапчатка кустарниковая), кумушранг жийда (лох серебристый), кўзасимон чаканда (облепиха крушиновидная), бодрезакбаргли пуфакмевачи (пузыреплодник калинолистный), рогоза атиргули (роза рогоза), тиконли олволи (слива колючая), қорағатлар (смородины), оқ қормевачи (снежногодник белый), тобулғилар (спиреи), олмалар (яблони).



Асрий тажрибалар ва ўсимликларни кузашнинг замонавий технологияларини қўллаган ҳолда, боғни жуда ажойиб тарзда безаш мумкин. Хоҳлаган ландшафт стилига топиар шакллари танлаш жуда осон. Тартибли боғларга - жиддий кузалган шакллар ва бордюлар, ман-

зарали боғларга – равоқ, яшил сухбатгоҳлар ва соябон-шакллар, япон стилидаги боғларга – боғ бонсайлари мос келади.

Ўсимликларни кузаш натижасида ёки бошқа усуллар ёрдамида яратилган фигуралар ҳам мўъжаз архитектуравий форма ҳисобланади.

Ўсимликларни танлашда қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозим: ўсимликнинг баландлиги (катта дарахтдан паст бордюор, майда бутадан – яшил девор амалда мумкин эмас), оптимал барглисини танлаш (каттабарглилардан майда шакллар ясалса, хунук кўринади) ва албатта ўсимликнинг тупрокқа, нурга, намга талабчанлигини ҳисобга олиш, шу билан бирга ўсимликни кузашсиз парваришлаганга қараганда бунга жуда жиддий ёндошмоқ зарур.

Адабиётлар:

1. Уралов А.С., Рахимов А.Қ., Саидова Б.А. Архитектуравий композиция ва лойиҳалаш асослари. Самарқанд, 2005.
2. Краткий справочник архитектора. Ландшафтная архитектура. Киев, 1990.
3. Бакутис В.Е., Горохов В.А., Лунц Л.Б., Расторгуев О.С.. Инженерное благоустройство городских территорий. Москва, 1979.
4. Горбачев В.Н. Архитектурно-художественные компоненты озеленения городов. Москва, 1983.
5. Денисов М.Ф. Ландшафтное проектирование малых архитектурных форм. Москва, МарХИ. 1986.
6. WWW. МАФ.

УДК 712.03.26

ВЕРТИКАЛЬНОЕ ОЗЕЛЕНЕНИЕ ОДНО ИЗ ВАЖНЫХ СРЕДСТВ ФОРМИРОВАНИЯ СОВРЕМЕННЫХ СЕЛ И ГОРОДОВ

Балгаева Ш.А., старший научный сотрудник (СамГАСИ)

Мақолада қишлоқ тураржой уйларини вертикал қўқаламлаштириш намуналари ҳамда тирмашиб ўсувчи ўсимликлар учун каркас ва иншоотлар ҳақида айтиб ўтилган.

The paper presents examples of vertical planting of greenery in village residential houses also facilities and carcasses for clambering plants.

Озеленение в целом и, в частности, вертикальное в сочетании с малыми формами и другими видами благоустройства является одним из важных средств формирования законченного архитектурного облика сел. Вертикальное озеленение застройки применяется не только из эстетических соображений, но и с расчетом выполнения определенных функций: защитить стену от перегрева, косого дождя, осушить влажные стены, закрыть прямой солнечный свет, а также защитить внутренние помещения от шума и пыли.

Вертикальное озеленение снижает температуру в жилых помещениях во время жары на 2—3 °С и увеличивает влажность воздуха, т. е. создает в них более благоприятный микроклимат. Для вертикального озеленения используются вьющиеся растения различных видов и сортов:

В сельских населенных пунктах строятся главным образом одно- и двухэтажные дома. Для этой цели могут быть использованы и однолетние вьющиеся растения, которые за лето успевают также вырасти до карниза.

Вертикальное озеленение формируется в течение длительного времени (3—5 лет), поэтому для правильного использования его декоративных и функциональных качеств необходимо знать основные свойства и принципы устройства вертикального озеленения, а при возможности — осуществлять его при консультации со специалистами зеленого строительства.

Для озеленения жилых домов не следует применять растения многих пород. Рекомендуется высаживать одну-две породы вьющихся растений, сочетающихся по характеру.

При посадке растений надо предварительно составить композицию будущих лиан на фоне стены. При этом необходимо учитывать месторасположение входа, ширину простенков, форму и высоту балконов, лоджий, оконных проемов. Выросшие вьющиеся растения должны органично увязываться с архитектурой дома и акцентировать входы и лоджии.

В целом композиция зеленых насаждений, развивающаяся на плоскости, может быть симметричной или асимметричной, которую диктует архитектура фасада, положение балконов, лоджий, входов, широких простенков. Для оформления глухих невзрачных стен старых зданий устраивается сплошное с небольшими просветами озеленение (рис. 1).

Вертикальное озеленение можно разнообразить посадками других пород растений в виде групп или одиночных кустов. Наиболее распространен прием озеленения входов в лестничную клетку в сочетании с посадкой цветов, декоративных кустарников. Цветы высаживают в бетонные, деревянные, пластмассовые, металлические вазы и чаши.

Вертикальное озеленение используется не только для декоративного оформления стен, балконов, лоджий, но и осветительных опор электроснабжения, радио, стволов отдельно стоящих деревьев и специально изготовленных деревянных каркасов, пергол, теневых навесов, трельяжей. Чувство прекрасного, опыт и знание примеров озеленения поможет удачно решать эти художественные задачи (рис. 1.).

Существенным и своеобразным уходом за вьющимися растениями является устройство поддерживающих опор для тонких, вертикально растущих лиан. Опоры для вьющихся растений устраивают главным образом из деревянных реек, брусков и проволоки с изоляцией. Для этой цели используются и бечевки, синтетические волокна и шнуры, проволочные сетки. Опоры из реек и брусков можно устраивать в виде решетки при входе в здание, на

балконе или лоджии. В каждом конкретном случае поддерживающие конструкцию делают с учетом имеющихся материалов и условий крепления.



Рис. 1. Примеры вертикального озеленения

Для вертикального озеленения стен вьющиеся растения высаживают в открытый грунт вдоль стены и за отмошкой (рис. 2).

Вертикальное озеленение характерно для жилой застройки. Оно дополняет озеленение жилых дворов и улиц и как бы более тесно связывает жилище с окружающей природой. Озелененные балконы, лоджии, террасы создают зеленый интерьер на открытом воздухе и представляют дополнительные удобства для проживания и отдыха. Вьющиеся растения принято считать самыми декоративными. Они воспринимаются на фоне стен как своеобразная художественная живая декорация, развивающаяся и изменяющаяся во времени. Декоративные качества вертикального озеленения открывают широкие возможности для обогащения архитектуры сел и придают им индивидуальный художественный облик.

Литература:

1. Майков Г.П. Благоустройство и озеленение сел. — Ленинград, Стройиздат, Ленинградское отделение, 1983.



Рис.2. Устройства и каркасы для вьющихся растений:

УДК: 725.945.

ҚАДИМГИ ХОРАЗМ ШАҲАРЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНИ

Яхяев А.А., катта илмий ходим-изланувчи, Матчонов Б.Г. ассистент (ТАҚИ)

В статье, особое внимание уделено развитию градостроительства городов Хорезма, её своеобразие в отношении географического расположения и образование в виду климатических условий.

This article summaries, that ancient Khorezm city's urban planning development properties proceeded from its climate and geographical location.

Республикаимиз мустақилликка эришганидан кейин ўз миллий қадриятларимиз, отабобларимиздан қолган урф-одатларимизга, қадимги анъаналаримизни қайта тиклашга бўлган эътибор ошиб бормоқда, жумладан, маҳаллаларимизга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда жаъмиятимизда маҳаллаларнинг инсон ҳаётидаги тутган ўрни, қолаверса шаҳарсозликдаги аҳамияти бекиёсдир.

Хоразм шаҳарларининг XIX аср охири-XX аср бошларидаги архитектуравий-тархий тизими шаҳарларнинг ундан олдинги тарихий даврларда кечган ҳолатларидан келиб чиққан. Худуддаги кўп сонли шаҳарлар ичида ўзларининг аҳамиятлари билан Хивадан ташқари яна тўрт шаҳар-Урганч, Шоббоз, Ҳазорасп, Хонқа бошқаларидан ажралиб турган. Булар Бешқала номи билан аталган. Табиийки, уларнинг архитектуравий-тархий тизимлари энг ривожланган бўлган.

Ўсимлик дунёси объектлари, ҳайвонот дунёси давлат кадастрлари бўйича ахборот тўплаш ишлари олиб борилмоқда.

"Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонун, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ДКЯТни яратиш, умумдавлат даражасидаги кўп функцияли ахборот-таҳлил тизимини юритиш назарда тутилади. Ўзбекистон Республикаси ва айрим ҳудудларининг табиий-хўжалик салоҳиятини ягона умумдавлат жиҳатдан ях-

лит ва комплекс ҳисобга олиш ва баҳолашни таъминлаш мақсадида мамлакат, хўжалик ва табиий салоҳиятининг ҳолати ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги объектив ва долзарб ахборотни марказлаштирилган ҳолда тўплаш, тизимга солиш, сақлаш ва ундан мақсадли фойдаланиш, шунингдек, табиий ва хўжалик ресурсларининг барча турларидан фойдаланишни тезкор (оператив) назорат қилиш, бошқариш ва башорат қилиш (прогнослаш) ахборот билан таъминлаш учун мўлжалланган.

Ер, конлар ҳамда фойдали қазилмалар ва техноген ҳосилаларнинг юзага чиқиш ҳоллари, сув, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар, бинолар ва иншоотлар, шаҳар ва шаҳарчалар, гидротехника иншоотлари, маданий мерос объектлари, автомобиль йўллари ва темир йўллар, етказиб бериш қувурлари, алоқа объектлари, энергетика объектлари, чиқиндиларни кўмиш ва йўқ қилиш жойлари, табиий ва техноген хавф юқори бўлган зоналар, геодезия пунктлари ва Давлат кадастрлари ягона тизими масалаларини ҳал этиш учун зарур бўлган бошқа объектлар Давлат кадастрлари ягона тизимининг объектлари ҳисобланади.

Бу ишлар микёсли тавсифга ҳали етмаган бўлишига қарамаздан, республикада геоэкология (тупрок, ер ости ва сиртки сувлар экологияси бўйича бир қатор ГАТ-лоийҳалар яратилган), кўчмас мулк кадастри (Тошкент ш. кўчмас мулк кадастри ГАТи яратилди ва амал қилмоқда, Самарқанд, Тошкент вилоятларида пилот ГАТ-лоийҳалари ишлаб чиқилмоқда), геология, метеорология, ҳарбий ишлар ва бошқалар каби турли фаолият соҳаларида ГАТ яратиш ва қўллаш борасида маълум тажриба энди мавжуд.

Электрон-рақамли карталар ва матнли маълумотлар базаси асосида яратиладиган замонавий компьютер геоахборот тизимлари энг турли фаолият соҳаларида фазовий тақсимланган маълумотларни юқори тезликда манипуляциялаш, уларни тизимли таҳлил қилиш ва бўлажак вазиятни башорат қилиш манбаларини ўзида ифодалайди.


ГАТнинг кучли таҳлилий функциялари мавзули мазмуни жиҳатдан турлича бўлган картографик ҳамда маълумотларни ҳудудлар ривожининг йўналишларини башорат қилиш, уларни функционал зоналарга ажратиш мақсадларида вақтнинг реал режимда таҳлил қилиш ҳамда ҳудудни баҳолаш имкониятини беради.

Шу сабабли ГАТ-технологиялари баҳолаш ҳудудларини ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини комплекс таҳлил қилиш услубларидан бири сифатида қабул қилинган [7].

2006-2007 йилларда “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси Марказий аэрогеодезия корхонаси (МАГК) томонидан Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг (КОИКА) 1,25 млн. АҚШ доллари миқдоридаги грант мададида, корейлик мутахассислар билан ҳамкорликда “Тошкент шаҳри пилот участкасида рақамли картографик асос яратиш” миллий геоахборот тизимини яратиш лойиҳасининг биринчи босқичи амалга оширилди. Бунда қуйидаги ишлар бажарилди:

-“Samsung network” Корея компанияси жами 994,00 минг АҚШ доллари миқдорида аэрофото ва ер усти съёмкалари материалларига ишлов бериш, рақамли карталар, планлар ва ГАТ яратиш учун компьютер ускуналари ва дастурий таъминотни, шунингдек топографик ва бошқа зарурий ахборотни дала шароитида тўплаш учун геодезик ускуналар етказиб берди.

-МАГК аэрофотосъёмка ишларини бажар-



ди, Тошкент шаҳрининг 1:10 000 масштабдаги рақамли топографик картасини ва 1:2 000 масштабдаги планини яратди, жами 187,00 минг АҚШ доллари миқдорида ишлар бажарилди. МАГКда шунингдек рақамли карталар ва планлар яратиш ишларининг тўлиқ циклини таъминлайдиган замонавий цех ташкил қилнди ва жиҳозланди.

-“Panassia” Корея компанияси маҳаллий раҳбар ва техник таркиб мутахассисларини

Кореяда ўқитиш ишларини ўтказди.

Биринчи босқични муваффақиятли амалга ошириш натижасида МАГК картографиялашнинг замонавий рақамли технологияларига тўлиқ ўтди, ушбу лойиҳани кенг миқёсда ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун қулай асос шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси томонидан 2007 йил 12 декабрда Ҳамкорлик ва иқтисодий ривожланиш фондининг (EDCF) Ўзбекистон учун 2007-2011 йилларга мўлжалланган сирғанма режаси бўйича ҳамжиҳатлик тўғрисидаги меморандум имзоланди, унда МГАТни яратиш учун имтиёзли кредит бериш назарда тутилган эди.

Корея Республикаси Бош вазири ўринбосарининг 2007 йил декабридаги Ўзбекистонга ташрифи республикада геоахборот технологияларининг янада ривожланишига анча ёрдам берди, бу ташриф чоғида Ҳамкорлик ва иқтисодий ривожланиш фондининг (EDCF) сирғанма режаси (2007-2011) бўйича ҳамжиҳатлик тўғрисида 2007 йил 12 декабрдаги меморандум имзоланди, унда Ўзбекистонга МГАТ яратиш учун 30 миллион АҚШ долари миқдоридан имтиёзли кредит бериш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасида МГАТ яратишнинг асосий заминлари қуйидагилардир:

- республикада ахборот-коммуникация технологияларининг (АКТ) шиддат билан ривожланаётганлиги;

- АКТ, геоинформатика, геодезия, картография ва кадастр соҳасида зарурий қонунчилик ҳамда норматив базанинг мавжудлиги;

- зарурий ташкилий тузилманинг – бош марказий ташкилот – Геодезия ва картография миллий маркази (ГКММ), ихтисослаштирилган аэрогеодезик ва картографик корхоналар, ҳудудий “Ермулккадастр” давлат корхоналари, вазирилик ва идоралар кадастр бўлинмаларининг мавжудлиги;

- МГАТ яратиш лойиҳасининг биринчи босқичини 2006-2007 йилларда амалга ошириш жараёнида олинган ижобий тажриба, шунингдек ушбу соҳадаги идоравий ишланмалар;

- табиий ресурслардан, аввалом бор ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ҳамда умуман иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани бошқаришда геоахборот технологиялари ва тизимларини жорий қилишнинг юқори техник-иқтисодий самарадорлигини тасдиқловчи илғор хорижий тажрибани ўрганиш натижалари.

Қонун ҳужжатлари ва ҳукумат қарорларига мувофиқ, Миллий геоахборот тизимини яра-

тиш лойиҳаси устивор давлат вазифалари қаторига киритилган.

Туман хўжаликлари электрон рақамли карта(план)ларни миллий географик маълумотлар тизимлари технологиялари асосида яратиш босқичлари қуйидагича:

1. Тайёргарлик ишлари босқичи:

- картографик манбаларни ўрганиш;
- ердан фойдаланиш маълумотларини йиғиш ва таҳлил қилиш;
- ернинг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш;
- ҳуқуқий, ижтимоий иқтисодий маълумотларни тўплаш ва ўрганиш;

2. Маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш босқичи:

- рақамли карта(план)лар яратиш;
- ер тўғрисидаги умумий маълумотлар базасини яратиш;
- маълумотларни расмийлаштириш

3. Ахборот тизимларини барпо этиш босқичи:

- тўпланган маълумотларни умумлаштириш ва рақамли тарзда сақлаш;
- ахборотни ҳисобот кўринишида давлат бошқаруви органларига тақдим этиш;
- ахборот ва расмий ҳужжатларни истимолчиларга тарқатиш.

Корхона давлат хизмати бўйича асосий тақдим этадиган хизматлар рўйхатини қуйидагилар ташкил қилади:

- янги аэрофотосъёмка технологияларидан фойдаланилган ҳолда ер тузиш ва ер кадастри ишлари учун рақамли планли- картографик тархларни янгилаш;

- қишлоқ хўжалик топографик тархларни яратишда, фототархларни дешифровка ва корректировка ишларини бажариш;

Қишлоқ хўжалиги фотопланларини дешифровка ва корректировка қилишдан мақсад хўжаликларни карта(план)лар билан таъминлаш ва унда ер тузиш, кадастр, лойиҳақидирув, ерни баҳолаш ва мониторинг ишларини бажаришда фойдаланишдан иборат.

Дешифровка ишлари барча ер турларида, ташкилот, ўқув маскани, фермер хўжаликлар, фермерлар, давлат ер захирасида, ўрмон ва сув фонди, барча туман, вилоят ҳудудларида бажарилиб келинмоқда.

“Ергеодедкадастр” давлат қўмитаси ва “Геоинформкадастр” давлат унитар корхонаси билан тузилган 2015 йил 16 январдаги №002-2015 сонли шартномага асосан камерал бўлими томонидан Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида амалга оширилган дала дешифровка (корректировка)лаш ишлари натижалари

бўйича электрон рақамли карталарни яратиш (янгилаш), ер майдонларини контурлар бўйича ҳисоблаш қайдномаларини тузиш ишлари бажарилмоқда.

Миллий географик ахборот тизимини шакллантиришдан мақсад:

1. Одатдаги карта ва планлар, шунингдек электрон карталар ва маълумотлар базалари билан ишлашни тубдан тезлаштириш ва сифатини ошириш;

2. Самарали ва оқилона бошқариш, шу жумладан солиққа тортишни, ер ва бошқа табиий ресурслардан, кўчмас мулкни фойдаланишни;

3. Бошқарув органлари томонидан чекланган бюджет доирасида мавжуд хизматлардан, уларнинг бир-бири билан яқинроқ ишлаши ҳисобига максимал унумга эришилиши;

4. Вазиятларни таҳлил қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни прогнозлаш, лойиҳалаш ва қурилиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, солиққа тўғри тортиш ва кўп сонли бошқа масалаларни ҳал этиш учун фойдаланувчиларни (ҳокимият ва бошқарув органларини, юридик ва жисмоний шахсларни) комплекс ахборот билан доимий таъминлаб бориш.

Миллий географик ахборот тизимини шакллантиришнинг асосий кўрсаткичлари кўйидагилар:

1. Янги давлат йўлдош геодезияси тармоғини яратиш (**50 та** доимий амал қилувчи GPS-станциялар);

2. **1-та** марказий ва **14-та** ҳудудий ахборот-таҳлил марказларини яратиш;

УДК 528. (235) 11

ТУРИЗМ ВА УНИ ТУРЛАРИНИ КАРТОГРАФИК ТАЪМИНЛАШ

Гулмуродов Ф.Э., Бобокалонов М.Х., Қурбонов Н. (СамДАҚИ)

В статье рассмотрены вопросы о видах туризма и развитие картографии, а также тенденции в вопросе изготовления картографических материалов.

This article is devoted to the types of tourism and its role in the development of cartography also the direction of production of cartography materials.

Сайёҳларнинг дунёни кенгроқ англаш, билиш мақсадида ўзи учун ноъмалум бўлган жойларни кўришга ва ўрганишга бўлган эҳтиёжи йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бу ўз навбатида туристик объектлар турларининг кенгайишига, туристик бизнеснинг юзага келиши ва ривожланишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда туризм дунё бўйича кенг тараққий этаётган соҳалардан бирига айланиб

3. Аэрокосмик ва ер усти съёмка материаллари асосида **актуал рақамли картографик асос** яратиш;

4. Кўчмас мулк кадастри ва уни рўйхатдан ўтказишнинг ягона компьютерлаштирилган тизими яратишдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 25 сентябрдаги “Миллий географик ахборот тизимини яратиш” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2045 сонли қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарори

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 14 августдаги “Худудларнинг давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 231-сонли қарори

4. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2014 йил 12 сентябрдаги 12-сонли қарори.

5. Ўзбекистонни ҳудудий ривожлантириш ягона комплекс стратегиясини шакллантиришнинг 2007-2011 йилларга мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш бўйича комиссиясининг 2006 йил 16 августдаги 02/1-262-сонли 2-баённомаси).

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 16 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимини яратиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низом.

қолди. У энди фақат дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, ўзида сиёсий, иқтисодий, экологик ва ижтимоий манфаатларни ҳам акс эттирмоқда. Туризм жаҳоннинг кўпгина давлатларининг халқ хўжалигида энг ноёб ва сердаромад соҳасига айланган.

Туризм соғлиқни сақлаш, жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, шахснинг маънавий, маданий ва ижтимоий ривожланиш воси-

тасидир. Мамлакат миқёсида ташкилий ёки ташаббускор саёхатлар ички туризм (миллий) тушунча билан бирлашади, унинг ташқарисида эса хорижий деб юритилади. Туризмнинг иккала тури узвий боғлиқдир, чунки улар бир хил мақсадга эга, бир хил хизмат турига бўлган талабни шакллантиради. Кўплаб мамлакатларда улар бир хил моддий-техник базага эга, ягона меҳнат соҳасига эга.

Муносиб картографиясиз туризмни ривожлантириб бўлмайди. Карталар-туризмни ахборотли таъминлашнинг ажралмас қисмидир. Уларнинг истеъмолчилари-сайёҳлар, сайёҳлик фирмалари, сайёҳларни жойлаштириш билан шуғулланувчи ташкилотлар, сайёҳлик фирмалари ишини назорат қилувчи ташкилотлар, сайёҳлик тармоғини ривожлантиришда манфаатдор бошқарув органларидир. Саёхатни ташкил этиш ва муваффақиятли яқунлаш картографик ахборотга боғлиқдир. Карталар, атласлар, туризм схемалари, буклетлар-саёхатни тайёрлаш ва ўтказиш бошқичларида кенг қўлланилади. Турли истеъмолчиларнинг кенг доираси картографик маҳсулотнинг туризм учун кўп режавийлигини асослади.

Фаол ривожланаётган жаҳон туризм индустрияси турли масшабли-дунё, мамлакат, маъмурий ёки географик минтақалар, шаҳарлар, сайёҳлик объектларининг алоҳида турларининг карталарини яратиш заруратини англатади. Худудни танлашда маъмурий ёки географик ёндошув керак.

Карталар мазмуни худуд инфратузилмасининг ривожланганлик даражаси, табиий, маданий-тарихий мерос объектларининг ўрганилганлиги билан шунингдек, минтақанинг табиий ва миллий хусусиятлари билан боғлиқ алоҳида қадамжолар билан аниқланади.

Туризм тушунчасидан келиб чиқиб, бир томондан-аҳолининг билиш ва рекреацион эҳтиёжларини қониқтириш учун восита каби, бошқа томондан-сайёҳларнинг моддий ва номоддий хизматларга бўлган эҳтиёжини таъминловчи иқтисодиёт тармоғи каби картага олишнинг икки йўналишини кўрсатиш мумкин:

1) Туризм карталарини яратиш (билиш, спорт, кўнгилли, ишбилармонлик ва ҳ.к.);

2) Ташкилот картасини яратиш ва туризмни режалаштириш.

Туризмнинг турли шакллари шахсий туризм карталарини таъминлашда муҳтож: табиат, тарихий-маданий, воқеавий, этнографик, экологик, спортга оид, диний ва ҳ.к. Табиий қадамжоларни ёки тарихий-маданий ёдгорликларни малакали ёритувчи карталар кенг ёки

тор йўналишли мавзуларнинг чексиз кўринишига эга бўлиши мумкин.

Карталарнинг барча турларида уларни такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши табиий ва маданий мерос объектларини тизимли тасвирлаш, муҳофаза режими, мавқеи, объект кўриниши ва бошқа жиҳатларини ўрнатиш санасини белгилаш.

Туризмнинг кенгайиши ва эътиборга лойиқ бўлган қадамжо ва объектларга бўлган қизиқишнинг юқори даражаси сайёҳлик оқимини тўғри ташкил этишни талаб қилади. Шунинг учун картага олишнинг муҳим йўналишларидан бири халқаро табиий, маданий туризмни картографик маҳсулотлар билан таъминлаш ҳисобланади.

Ўрганиш карталари ўртасида маҳаллий кўринишни акс эттирувчи ва умумий сайёҳлик маълумотини олишга имкон берувчи машҳур карталар асосий йўналишни ташкил этиши мумкин. Бундай карталар умумий ахборот маълумотларни олиш учун, шунингдек саёхат маршрутини танлаш учун фойдалидир.

Ташкилот картасини яратиш ва туризмни режалаштириш долзарб йўналишдир, чунки туризм аҳолининг яшаш тарзини оширишга қаратилган замонавий иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан биридир. Кўплаб мамлакатларнинг иқтисодиётида туризм соҳаси етакчи ўрин эгаллайди.

Туризм соҳасини ривожлантиришга реклама карталари хизмат қилиши мумкин; техник ва ташкилий муаммоларни тарихий ривожлантириш ва туризм динамикаси карталари ҳал қилиши мумкин; туризмни худудий ташкил этиш масалаларини - турли йўналиш бўйича худудни районлаштириш карталари (туризм турлари, ривожланиш жадаллиги, туризм объектлари мавқеи ва ҳ.к.); бино, иншоот ва моддий-техник база хизматларини инвентаризациялаш мақсадлари туризм инфратузилмаси карталарини таъминлайди.

Экологик муаммолар туфайли ландшафтларнинг рекреацион салоҳиятини акс эттирувчи карталар турли шароитлар бўйича туризм учун худуднинг қулайлик даражаси ва туризм учун худудларни районлаштириш карталари катта аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичларни ёритиш туризм карталарини экологик карталарга яқинлаштиради.

Туризм карталарининг ҳар тамонлама кераклилик даражаси замонавий ва аниқ географик асосда сайёҳлар учун махсус ахборотни кўрсатади. Шу мақсадда топографик, обзор топографик карталарни қўллаш худуд билан умумий танишиш, маршрутлар мураккаблиги-

ни баҳолаш масаласини ҳал қилиб қолмай балки маршрутнинг табиий ва маданий қиёфасини маҳаллий элементлар билан уйғунлаштириб кўрсатишга имкон беради.

Космик сурат материалларини кўпайтириш, спутник суратларнинг интернет-дуконини очиш ташаббусини сайёҳлар учун долзарб ахборот манбалари каби қўллаб қувватлаш мумкин. Шу билан бирга уларнинг афзалликларига таяниб, қўллашда касбий кўникмалар ва махсус малакани талаб қилувчи карта ва суратларнинг фарқларини унутмаслик керак. Карта ва суратларнинг ўхшашлиги, туризм учун махсус фотокарталарни яратиш, суратли ва қўшимча матнли йўл кўрсаткичларни тузиш саёхатни янада қулай қилади.

Туризм карталари картографик тасвирнинг турли усулларини амалга ошириш учун кенг имкониятларни очади, картографиянинг мазмуни, унинг қадрияти ва кўп йиллик ҳаёти карталарнинг малакали тахрирланиш, муҳаррирлар алоқаси билан, туризм картографияси ютуқларини билиш билан таъминланади. Табиий, ижтимоий ва маданий-маърифий объект-

ларнинг кўп босқичли ахборотини тасвирлашга атласли туристик картага олиш жавоб беради.

Хулоса қилиб айтганда туризм картографияси худудий таҳлил ва бошқарув масалаларига хизмат қилади, у ахборот аналитик картография маълумотини беради, истеъмолчиларга туризм хизматларидан фойдаланиш имконини беради ва унинг салмоқли инвесторларига туризм фаолиятини истиқболли ривожлантиришга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Окладникова Е.А. Международный туризм. География туристских ресурсов мира: Учебное пособие. – М., СПб.: ИФК Омега -Л;2002. -384 с.
2. Шлаффе М. Экономические основания конструирования рекламой вымышленных объемных изображений при создании имиджа туристского региона. // Теория и практика международного туризма. Сборник статей под ред А.Ю. Александровой. – М., КНОРУС, 2003, с. 162-168.
3. Картография-туризму // Материалы науч.-практ.конф.. Санкт-Петербург, 21-24 сентября. 2008 г.-СПб.:Изд.дом «Карты».2008, -184 с.

УДК 528.(235) 11

ArcGIS 9.3 ДАСТУРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ТУРИЗМ ЭЛЕКТРОН КАРТАЛАРИНИ ЯРАТИШ

Гулмуродов Ф.Э., Равшанова О., Қурбонов Н. (СамДАҚИ)

В статье рассмотрены вопросы создания электронных туристических карт с использованием ГИС технологий, в частности программного обеспечения ArcGIS 9.3.

This article is devoted to questions of creation of electronic tourism cards by using modern GIS technologies ArcGIS 9.3.

Маълумки, кўпгина малакатларда маданий мерос объектларини асраб-авайлаш, келажак авлодларга етказиш, уларни муҳофазасини таъминлаш ва замонавий технологиялар дастурлари асосида картага олиш ишлари амалга оширилган.

Республикамизда ҳам тарихий, маданий ва меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларга ўз ҳолича етказиш чораларини кўриш ва ёдгорликларнинг давлат муҳофазасини таъминлаш ҳамда замонавий технологиялар асосида картага олиш ишлари жадал суратлар билан давом этмоқда.

Қуйида биз замонавий ГИС технологиялари ArcGIS 9.3 дастуридан фойдаланиб маданий мерос объектларини картасини яратишни кўриб чиқамиз. Ушбу дастурнинг имкониятлари кенглиги шундаки, турли карталарни (рақамли, мавзули, топографик, план, контурли

карталарни) турли форматда чизиш электронлаштириш мумкин.

ArcGIS9.3 дастурида Самарқанд шаҳрини карта схемасини яратишда:



SASPlanet дастури орқали шаҳар картасини интернетдан керакли жойини белгилаб, кўчириб олинади;

олинган картани .map ва .w кенгайтмалари қилиб хотирага жойлаймиз;


ArcGIS9.3 дастури ёрдамида хотирага олинган карта “добавить данные” функцияси орқали очилади; карта растрли кўринишда бўлади; картага координаталар қўйилади;

Бу ерда координаталар ўзгаради, яъни растрли картани маҳаллий координатага ўтказиш учун UTM→WGS 1984 координата тизими худудларидан танланади. Самарқанд шаҳри учун шу координата худуди тўғри келади.

Маҳаллий координата тўри ўрнатилгач, керакли шартли белгилар ўрнатилади;

ўрнатилган шартли белгилар ёрдамида рас-трли кўринишдаги карта ўстидан карта схема чизилади;

Тайёр бўлган карта схемага тарихий мада-ний объектлар жойлаштирилади. Бу учун:

Редактор пунктини  Завершить редактирование

учирилади, сўнг Arc Catalog ишга туширилади. Arc Catalog ойнаси очилиб,

 Персональная база геоданных яратиб олинади.

 Персональная база геоданных ичига кириб,

контексли меню орқали “новый” пунктини белгилаймиз. Ёнидан очилган дарчадан


 Класс пространственных объектов... пунктини

танлаймиз. Кўйидаги ойна очилади (1-расм).


“Имя” қаторига шартли белги номи ёзилади, “тип” қаторига шартли белгини тури кўрсатилади. Сўнг “далее” тугмаси босилади. Координатани киритиш керак бўлган қисмида, UTM→WGS 1984 координата тизими худудларидан  WGS 1984 UTM Zone 42N

танланади. Тайёр шартли белгини Arc Catalogдан карта “слои”га кўчирилади. Шартли белги нуқта ҳолатида берилади, унга ўзгартириш киритилади (2-расм).


Нуқтали шартли белгилар орасига белги-ланган нишон кўринишида сақланади (3-расм).



1-расм.



2-расм




3-расм.

Картадаги редактор пунктини

 Начать редактирование қилиб,

редактор пунктидаги “қаламча” билан картада тарихий маданий обидалар жойлашган ўрнига “тарихий маданий объект нишончаси” кўйилади (4-расм).



4-расм


Картада “тарихий маданий объект нишончаси” редактор пунктидаги курсор билан белгилаб, контектли менюдан **Атрибуты...** танланса, уша тарихий маданий объект тўғрисида атрибут маълумотлари очилади (5-расм).

Атрибут	Свойство	Значение
тарихий маданий обидлар		
Бурхониддин Сағадки макбарави	OBJEKTID	13
	объект_номи	Бурхониддин Сағадки макбарави
	Объект_манзили	Саварқанд шаҳри Регистон кўчаси
	Даври	XIV аср
	Муҳофазат_учун_вос_булган_ҳужжат	№52 27.03.1923 й. Туркистон Халқ комиссарияти ва...
	Объект_туми_ва_тоифаси	архитектура ёлғорлиги
	Илорат_баландлиги	22,90 метр
	Улуғий_эталлаган_майdonи	11768,75 квм
	Бино_эталлаган_майdonи_квм_	200,27 квм
	Конструктив_эченети	Ганк қоршмали гишт
	Архитектура_безаклари	йўк
	Охириги_таъмирланган_йили	1990 йил
	Тарихий_маданий_қиймат_аҳанияти	Бабало
	Объект_сурати	растрли
	Қўшимча_маълумотлар	Шайх Бурхониддин Сағадки макбарави ааабётли...

5-расм. Атрибут маълумотлари.

Ушбу электрон карта схемадаги атрибут маълумотлар сайёҳлар, сайёҳлик фирмалари учун фойдаланиладиган интернат сайтлари ва меҳмонхона хизматлари учун мулжалланган бўлиб, тарихий маданий объектлар давлат кадастрини юритишдаги электрон рақамли карта атрибут маълумотларидан фарқланади. Ушбу электрон карта схемадаги атрибут маълумотларига давлат аҳамиятига молик бўлган баъзи маълумотлар киритилмаган.

Картада атрибут маълумотлари умумий кўриниши кўйидагича бўлади (6-расм).



6-расм

Адабиётлар:

1. Абдуллаев А.К., Холбоев Г.Х., Сафаров Э.Ю. Агрометеорологияда муносабатли тенгламаларни топишда математик статистикани қўллаш, ЭХМ ва географик ахборот тизимларидан фойдаланиш учун кўрсатма. Тошкент 2009.
2. Chrisman N. Exploring Geographic Information. New York.1996
3. Рақлов В.П., Сафаров Э.Ю., Абдурахимов Х.А. Географик ахборот тизимлари. “Тошкент” 2007.

ЗАГРЯЗНЕНИЯ АТМОСФЕРЫ АВТОМОБИЛЬНЫМ ТРАНСПОРТОМ

Адилов О.К., Хужаназаров Б., Сувонкулов Ш.А., Адилов Ж.А., Самиев Х.Х.
Джизакский Политехнический Институт

Исследование загрязнения атмосферы автомобильным транспортом на сегодняшний день очень актуально. Автотранспорт представляет собой один из основных источников загрязнения воздуха. В выхлопных выбросах автомобилей содержатся оксиды азота (II) NO и (IV) NO₂, угарный газ (CO₂), углеводороды, сажа – продукты неполного сгорания топлива, сернистый газ (SO₂), тяжелые металлы. Каждый автомобиль выделяет до 4 кг этих веществ за сутки. За 100 км пути автомобиль использует столько же кислорода, сколько человек за всю свою жизнь. Установлено, что ежегодно один легковой автомобиль, поглощая 4 т молекулярного кислорода, выделяет в атмосферу 0,8 т CO, до 40 кг разных оксидов азота, до 200 кг углеводородов, а, кроме того, сажу, тетраэтилсвинец и др. вещества [1].

В состав выхлопных газов входят множест-

во опасных веществ. Наибольшую опасность представляют оксиды азота, примерно в 10 раз более опасные, чем угарный газ, доля токсичности альдегидов относительно невелика и составляет 4—5 % от общей токсичности выхлопных газов. Токсичность различных углеводородов сильно отличается. Непредельные углеводороды в присутствии диоксида азота фотохимически окисляются образуя ядовитые кислородсодержащие соединения — составляющие смогов [1, 2]. Качество дожигания на современных катализаторах таково, что доля CO после катализатора обычно менее 0,1 %. Обнаруженные в газах полициклические ароматические углеводороды - сильные канцерогены. Среди них наиболее изучен бензопирен.

Кроме того, при использовании сернистых бензинов в отходящие газы могут входить оксиды серы, при применении этилированных

бензинов - свинец (Тetraэтилсвинец), бром, хлор, их соединения. Считается, что аэрозоли галоидных соединений свинца могут подвергаться каталитическим и фотохимическим превращениям, участвуя в образовании смога.

К основным токсичным выбросам автомобиля относятся: отработавшие газы (ОГ), картерные газы и топливные испарения. Отработавшие газы, выбрасываемые двигателем, содержат окись углерода (СО), углеводороды (C_xH_y), окислы азота (NO_x), бенз(а)пирен, альдегиды и сажу. Картерные газы - это смесь части отработавших газов, проникшей через неплотности поршневых колец в картер двигателя, с парами моторного масла. Топливные испарения поступают в окружающую среду из системы питания двигателя: стыков, шлангов и т.д. Распределение основных компонентов выбросов у карбюраторного двигателя следующее: отработавшие газы содержат 95% СО, 55% C_xH_y и 98% NO_x , картерные газы по - 5% C_xH_y , 2% NO_x , а топливные испарения - до 40% C_xH_y . (2, с. 46)

В общем случае в составе отработавших газов двигателей могут содержаться следующие нетоксичные и токсичные компоненты: О, O_2 , O_3 , С, СО, CO_2 , CH_4 , C_nH_m , C_nH_mO , NO, NO_2 , N, N_2 , NH_3 , HNO_3 , HCN, H, H_2 , OH, H_2O . Чувствительность населения к действию загрязнения атмосферы зависит от большого числа факторов, в том числе от возраста, пола, общего состояния здоровья, питания, температуры и влажности и т.д.

Лица пожилого возраста, дети, больные, курящие, страдающие хроническим бронхитом, коронарной недостаточностью, астмой, являются более уязвимыми. Среди факторов прямого действия (все, кроме загрязнения окружающей среды) загрязнение воздуха занимает, безусловно, первое место, поскольку воздух - продукт непрерывного потребления организма [3, 4]. Дыхательная система человека имеет ряд механизмов, помогающих защитить организм от воздействия загрязнителей воздуха. Волоски в носу отфильтровывают крупные частицы. Липкая слизистая оболочка в верхней части дыхательного тракта захватывает мелкие частицы и растворяет некоторые газовые загрязнители. Механизм непроизвольного чихания и кашля удаляет загрязненный воздух и слизь при раздражении дыхательной системы.

Тонкие частицы представляют наибольшую опасность для здоровья человека, так как способны пройти через естественную защитную оболочку в легкие. Вдыхание озона вызывает

кашель, одышку, повреждает легочные ткани и ослабляет иммунную систему. Основными представителями альдегидов, поступающих в атмосферный воздух с выбросами автомобилей, являются формальдегид и акролеин. Действие формальдегида характеризуется раздражающим эффектом по отношению к нервной системе. Он поражает внутренние органы и активирует ферменты, нарушает обменные процессы в клетке путем подавления цитоплазматического и ядерного синтеза.

Биологическое действие фотооксидантов (смесь озона, диоксида азота и формальдегида) на клеточном уровне подобно действию радиации, вызывает цепную реакцию клеточных повреждений. Углеводороды (C_xH_y) имеют неприятные запахи. C_xH_y раздражают глаза, нос и очень вредны для флоры и фауны. C_xH_y от паров бензина также токсичные, допускается $1,5 \text{ мг/м}^3$ в день [4].

Оксиды свинца накапливаются в организме человека, попадая в него через животную и растительную пищу. Свинец и его соединения относятся к классу высокотоксичных веществ, способных причинить ощутимый вред здоровью человека. Свинец влияет на нервную систему, что приводит к снижению интеллекта, а также вызывает изменения физической активности, координации, слуха, воздействует на сердечнососудистую систему, приводя к заболеваниям сердца.

Теоретическим анализом приведено следующие результаты и выводы

- За 1 час на участке длиной 100 м, выбранном возле школы, было зафиксировано 189 легковых автомобилей, 15 грузовых автомобилей, 6 автобусов и 30 дизельных грузовых автомобилей. Всего 240 единиц автотранспорта.

- Общий путь, пройденный выявленным количеством автомобилей каждого типа за 1 час равен: для легковых автомобилей - 18,9 км, для грузовых автомобилей - 1,5 км, для автобусов - 0,6 км, для дизельных грузовых автомобилей - 3 км.

- Количество топлива разного вида, сжигаемого на выбранном участке двигателями автомашин, рассчитанное для зафиксированных автомобилей, имеет следующие значения: для легковых автомобилей - 2,5 л; для грузовых автомобилей - 0,5 л; для автобусов - 0,3 л; для дизельных грузовых автомобилей - 1 л. Всего сожжено на данном участке 4,3 л топлива.

- Количество выделившихся вредных веществ в литрах по каждому виду топлива равно: по бензину - 26,4 л; по дизельному топливу

– 0,17. Всего вредных веществ (угарный газ, углеводороды, диоксид азота) было выделено автомобилями 26,57 л. за 1 час, если произвести расчеты, то в сутки это будет 637,68 л, что как нам кажется выше допустимых санитарных норм.

- Наличие свинца, поступающего в окружающую среду из автомобильного топлива, было определено, в результате исследования растений, растущих поблизости от дорог. Концентрация свинца закономерно уменьшается в зависимости от расстояния от дороги, а на расстоянии около 100 м свинец практически не обнаруживается.

Основные пути снижения экологического ущерба от транспорта выделяются в следующем:

1. Уменьшение содержания вредных веществ в выхлопных газах. Схему работы двигателя нужно изменить так, чтобы рационально использовать более экологически чистое, чем бензин горючее.

2. Рациональная организация движения транспорта. Улучшение и оптимизация движения транспорта нацелены на лучшую планировку дорог и улиц, создание транспортных развязок, улучшение дорожного покрытия, контроль скоростного движения.

3. Применение новых технологий сжигания топлива без использования тетраэтилсвинца, способствующих более полному сжиганию топлива.

4. Создание (модификация) двигателей, использующих альтернативные топлива. Альтернативный транспорт — это электромобили, применение альтернативного топлива, например, спирт. В перспективе — использование водорода, получаемого при разложении воды.

5. Защита от шума.

6. Экономические инициативы по управлению автомобильным парком и движением. Экономические инициативы - налог на автомобили, топливо, дороги, инициативы по обновлению автомобилей.

7. Разработка и оборудование транспортных средств приборами, улавливающими или обезвреживающими вредные загрязняющие примеси, содержащиеся в выхлопных газах.

8. Проведение систематически организованного экологического просвещения работников, занятых в сфере эксплуатации и обслуживания транспортных средств.

Сегодня экологический ущерб автотранспорта огромен и проявляется непосредственно во многих явлениях: загрязнение почвы, воды, атмосферы, автотранспорт создает шумовые и энергетические загрязнения. Все это ведет к

значительному ухудшению здоровья и сокращению жизни населения.

Развитие различных видов транспорта, особенно автомобильного, прокладка автотрасс привели к многократному увеличению прямого и косвенного воздействия транспорта на людей. Обусловленные функционированием транспорта неблагоприятные экологические факторы (вредные газы, шум, вибрация и т.д.) ныне воздействуют не только на пассажиров, но и на множество людей, которые находятся вне транспортных средств и коммуникаций.

Автомобиль загрязняет атмосферный воздух не только токсичными компонентами отработанных газов, парами топлива, но и продуктами износа шин, тормозных накладок. Отрицательно воздействует практически на все составляющие биосферы: атмосферу, водные ресурсы, земельные ресурсы, литосферу и человека [1].

Выхлопные газы автомобилей, а также газы, образующиеся при испарении топлива, масла, содержат около 200 химических соединений. В зависимости от особенностей их воздействия на организм человека указанные загрязняющие вещества подразделяют на 7 групп (рис 1). [2].




Рисунок 1. Виды загрязняющих веществ в выхлопных газах автотранспорта

В городские водоемы и почву попадают топливо и масла, моющие средства и грязная вода после мойки, сажа. Наибольший ущерб здоровью наносят машины, стоящие в непосредственной близости от жилых зданий.

Вместе с тем, автотранспорт занимает важное место в единой транспортной системе любого государства. Он перевозит более 80% грузов и выполняет половину пассажирооборота [3]. Это обусловлено его высокой маневренностью, высокой скоростью и своевременностью доставки грузов, высокой мобильностью, оперативностью управления перевозкой пассажиров и др.

В условиях города двигатель автомобиля работает 30% времени на холостом ходу, 30 -

40% с постоянной нагрузкой, 20 - 25 в режиме разгона и 10 - 15% в режиме торможения. При этом на холстом ходу автомобиль выбрасывает 5 - 7% оксида углерода к объему всего выхлова, а в процессе движения с постоянной нагрузкой – только 1 - 2,5%. Значит в целях снижения выбросов необходимо устранить препятствия на пути свободного движения потока автомашин, то есть создать в городах сети автомагистралей скоростного движения. Это позволяет существенно повысить пропускную способность путей сообщения, сократить число ДТП, изолировать «спальные» районы и общественные центры от концентрированных потоков транспортных средств, и улучшить там экологическую обстановку.

По оценкам экологов автотранспорт заметно сокращает среднюю продолжительность жизни населения.

В связи с этим, возникает острая необходимость в осуществлении таких мероприятий, которые бы позволили снизить выбросы автотранспорта и ослабить его негативное воздействие на окружающую среду.

Исследованиями ряда авторов [4] разработана система мероприятий по снижению загрязнения атмосферного воздуха автотранспортом:

- замена двигателя на более экономичный и мене токсичный
- замена топлива (улучшение качества, альтернативные виды топлива);
- совершенствование рабочего процесса двигателя;
- расширение парка и использования муниципального электротранспорта.
- каталитический дожиг выхлопных газов;
- фильтрация твердых частиц;

Таким образом, экологическое благополучие окружающей среды - основа стабильного развития государства и мирового сообщества в целом.

Для того чтобы сохранить человечеству автомобиль необходимо если не исключить, то свести к минимуму вредные выбросы.

Литература:

1. Тупикин Е. И. Общая биология с основами экологии и природоохранной деятельности. М.: Издательский центр «Академия», 2002.
2. Чернова Н. М. и др. Основы экологии: М.: Просвещение, 1995.
3. Высоцкая М.В. Экология. Волгоград: Учитель, 2007.
4. Базаров Б.И. Экологическая безопасность автотранспортных средств. Ташкент. Издательский центр «CHINOR ENK», 2012.

ЌУРИЛИШ ЭКОНОМИКАСИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ЭКОНОМИКА СТРОИТЕЛЬСТВА И УПРАВЛЕНИЕ

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ТАРБИЯНИНГ ВАЗИФАСИ ВА УНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДЛАРИГА ТАВСИФИ

Норкулов О.Н., катта ўқитувчи (СамГАСИ)

В статье рассмотрены вопросы охраны окружающей среды и экологического воспитания молодежи.

In paper questions of preservation of the environment and ecological education of youth are observed.

Экология фани ўз илмий тадқиқот методларига эга. Илмий тадқиқот барча фанлар каби экология фанини ҳам такомиллашиб боришига, айрим экологик ходисаларни текширишга, уларни тўғри ҳал этишга ёрдам беради.

Дастлаб адабиётлар билан ишлаш методи ҳақида гапирадиган бўлсак, экологик муаммоларни тадқиқ этиш адабиётларни ўрганишдан бошланади. Ўрганиладиган ҳужжатлар ва манбаларга ҳалқ маорифига алоқадор ҳужжатлари, қонуншуносликка оид ҳуқуқий ҳужжатлар киради. Шу билан бирга экология фанига оид

бўлган тарихий – экологик адабиётлар, архив ҳужжатлари, экологик матбуот материаллари, дарсликлар, ўқув – методик ишланмаларни эътиборга олдик.

Экологик таълим – тарбия беришда кузатиш, интервью олиш, анкеталаштириш, ўқувчиларнинг ёзма ва ижодий ишлари, экологик ҳужжатларни ўрганиш методларидан фойдаланилади.

Кузатиш – ўрганиш лозим бўлган педогогик ходисани маълум мақсад нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда кузатувчи кузатиш баённо-

масини олиб боради. Кузатиш обектига оид бўлган аниқ факт материал тайёрланади. Кузатиш белгиланган аниқ режа асосида олиб борилади.

Сухбат – факт – далиллар тўплаш ёки кузатиш давомида тўпланган материалларга аниқлик киритиш мақсадида олиб борилади. Сухбат тадқиқотнинг мустақил ёки ёрдамчи методи сифатида қўлланилади.

Анкеталаштириш – Бу оммавий равишда материал тўплаш мақсадида анкеталар тарқатиш йўли билан амалга оширилади.

Тадқиқот учун муҳим бўлмаган материаллар ўқувчиларнинг ёзма ва бир қанча фанлар бўйича мустақил ишларни бажарган дафтарларни текшириш, ўрганиб чиқиш йўли билан турларга ажратилиши мумкин.

Мактаб ҳужжатларини ўрганиш – ўқувчиларни шахсий ҳужжатлари услубчининг хабарлари, синф журналлари, кундаликлари, йиғилиш ва мажлислар баённомалари тадқиқоти учун олиб борилаётган таълим – тарбиянинг аҳоли, даражаси ҳақида объектив ахборот манбаи ҳисобланади.

Экологик ҳодисаларни тадқиқ қилиш жараёнида тажриба алмашиш аҳамият касб этади. Махсус ташкил этилган эксперимент муҳим аҳамият касб этади. Махсус ташкил этилган эксперимент қўлланилаётган ёки қўлланиши мумкин бўлган у ёки бу метод ва усуллар самарадорлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

Математик метод. Бу метод оммавий материалларни таҳлил қилишда (масалан, анкеталаштириш йўли билан тўпланган материалларни ёки маълумотларни умумлаштириш учун) қўлланилади. Бу метод эксперимент натижаларини аниқ баҳолашда ва ривожланиш қонуниятлари истиқболини ишлаб чиқишга имконият беради.

Бугунги кунда инсониятни хавф остида қолдираётган ҳодисалардан бири экологик вазифалардан бири ҳисобланади. Жамиятнинг атроф муҳит билан ўзаро бузилган алоқаси кенг жамоатчилик ўртасида катта ташвиш уйғотмоқда. Инсоннинг табиий бойликлардан ҳаддан ташқари ортиқча фойдаланиши оқибатида сайёрамизнинг киефаси ўзгариб бормоқда. Яшил ўрмонлар сийраклашиб, ўсимлик ва ҳайвонот турлари камаймоқда, фойдали қазилмалар тугаб бормоқда. Сув ҳавзалари ва атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, чиқинди моддаларнинг ортиб бориши натижасида аҳолини озиқ-овқат билан таъминланиш, энергия ва ичимлик суви муаммолари борган сари мурракблашиб бормоқда. Оқибатда, миллион-

милион йиллар давомида меъёрий турғун бўлган табиатга путур этмоқда.

Табиатнинг экологик барқарорлиги, турғунлиги ва унинг табиий қонунларининг бузулишига, инсонга экологик билимларнинг етмаслиги, табиатнинг келажакдаги экологик ҳолати қандай бўлишини олдиндан кўролмаслиги сабаб бўлмоқда.

Экологик билим – бу тирик табиатнинг тузилиши, ривожланиш, ер юзидаги тирик жонзотларининг ҳолати, уларнинг бир-бири ва атроф – муҳит ўртасида бўлиб турадиган муносабатларини, табиий бойликларининг сон ва сифатини, ҳажмини, хилларини, ҳамда уларни сақлаш ва тежамкорлик билан фойдаланиш йўллариини ўзлаштиришдан иборатдир.

Инсон табиатга, ўзини ўраб олган муҳитга ўз муносабатини ўзгартириши, табиат қонунларини биллаши, ўрганиши ва улар асосида ўз ҳаётини ривожлантириши шарт. Табиат қонунларига мос келадиган ҳаёт йўллариини ишлаб чиқишлари керак. Акс ҳолда инсон ва жамият катта табиий офатлардан ҳалок бўлади. Бир неча миллион йиллар давомида бунёд бўлган коинотнинг табиий кўриниши кейинги 10- 15 йил ичида жуда оғир ҳолатга тушди, ифлосланди. Жумладан, тупроқ заҳарли моддалар боис “жароҳатланди”, сувлар турли моддалар билан ифлосланди ва хоказо. Бу ҳолатлар оқибатида инсон саломатлигига салбий таъсир кила бошлади.

Ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан бири фан-техника ютуқлари асосида аҳолининг турли табақалари орасида экологик таълим- тарбия ва маданиятга оид билимларни олиш йўли билан табиат муҳофазасини тезлаштиришнинг турли чора-тадбирларини ишлаб-чиқиш ҳисобланади.

Табиатга нисбатан ҳурмат ва эътибор билан қарайдиган инсонлар, унинг ҳар бир қарич ерида бўлаётган ижобий ва салбий ўзгаришларни сезади, кузатади, табиатга ёрдам беради, яъни йиқилган бутани тиклайди, касал ҳайвонни тузатади, даволайди, ифлос сувни тозалашга ҳаракат қилади, ёнғинни ўчиради ва хоказо. Ҳозирги кунда жамият ичидаги, жамият билан табиат ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб бораётган бир даврда, хўжаликни турли соҳаларини ривожлантириш билан бир қаторда атроф- муҳит муҳофазаси ва табиий бойликлардан тежамкорлик билан фойдаланишга оид чуқур билимли, экологик маълумотли ёшларни тарбиялаш вақти келди.

Инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган сув, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ҳам табиатдан олинади, ҳаттоки инсоннинг ҳасталиқдан

кутулишни, саломатлигини тиклаш учун зарур бўлган дори-дармонлар ҳам она-табиатда етишган мевалар, турли гиёҳлар ва зираворлардан тайёрланади. Инсон танасида бирорта ҳам ортиқча аъзо бўлмаганидек, табиатда ҳам ортиқча яратилган бирор нарса йўқ. Уларнинг ҳаммаси ҳаёт учун зарур.

Денгиз ва дарёларга, океанларга нефт қолдиқлари куйилиб, ер юзидаги сув экологияси тубдан издан чиқарилмоқда. Инсон учун қуёш нури, тоза ҳаво, тоза сув нақадар зарур бўлса, она замин ҳам шундай зарур, уни асраб-авайлаш инсонни ўз қўлидадир. Абу Али ибн Сино “Дунёда чанг ва тутун бўлмаганида одамзот минг йил умр кўриши мумкин эди”, - деб башорат қилган. Атроф – муҳитнинг тозаллигини таъминлаш ўзимизга боғлиқ. Аммо, дунё миқёсидаги завод ва фабрикалар, машиналар механизмлардан ажралаётган газ, тутунлар дунёда жуда бекиёс ажралиб атмосфера ҳавосини бузмоқда.

Экологик тарбия – бу тарбияга мавҳум муҳаббат уйғотиш воситаси эмас, у инсоннинг унга бўлган оқилона муносабатини шакллантириш, меҳр-муҳаббатни барқарорлаштириш усули. Шунинг учун ҳам у кишиларга бўлган ҳурмат ва эътибор, ишонч, улар меҳнатини ва ҳаётини эъзозлаш орқали узоқ мураккаб йўлни босиб ўтади. Бироқ экологик тарбияни сира ҳам ишонтириш ва қўндириш, табиатни севишга чакирувчи қуруқ даъватнома сифатида тушунмаслик керак, у айни вақтда, маълум даражада таъқиқ ва қаттиқ жазо ҳамдир. Аммо кишида ишонч ва эътикод бўлмаса, бундай таъқиқлар ҳам самара бермайди, муаммолар ҳам ўзича ҳал бўлмайди. Биз “ям-яшил

ўтларни топтаманг, чаманзорларни хароб қилманг”, дея баландпарвоз шиёрлар осиб қўйишимиз мумкин, лекин sanoat корхоналари мўрисидан чиқаётган тутунлардан ифлосланган осмонга, ҳаво қатламига, захарланаётган кўл ва дарёларга нима деб ёза оламиз. Ҳар қалай табиатни севиш, эъзозлаш ва уни чин юракдан муҳофаза қила олиши- бизнинг ватанпарварлик ва фуқаролик бурчимиз деб билмоғимиз шарт. Бу эса экологик тарбия орқали юзага чиқади. Экологик таълим-тарбияга эътибор бермаслик – келажак авлодларимиз ҳаётига бефарқликдан бошқа нарса эмас.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: Шарқ, 1997.
3. Холлиев И., Икромов А. Экология. –Т. “Меҳнат”. 2001.
4. Маҳмудов Ю. Экологиядан қўлланма. –Т.: Ўқитувчи. 1994.
5. Тўхтаев А. Экология. –Т. Ўқитувчи, 1998.
6. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. –Т. “Ўқитувчи, 2004.
7. “Таълимий педагогик технологиялар” (усулбий қўлланма) “Самарқанд”, 2006.
8. Юсупова П. Мактабгача тарбия педагогикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1993.
9. Мавлонова Р., Тўраева О., Холикбердиев К. Педагогика. –Т.: Ўқитувчи, 2001.
10. Фаберман Б. Илғор педагогик технологиялар. –Т.: Фан, 2000.

УДК 332.363

ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТЛАРИ УЧУН ЕР ТАНЛАШ ВА АЖРАТИШГА ИНДИВИДУАЛ ЁНДАШИШ

Рахмонов Ш.К., мустақил тадқиқотчи (ТДТУ)

Данная статья посвящена одному из актуальных вопросов на сегодняшний день - оптимизации выбора и отвода земель для несельскохозяйственных предприятий. Рассмотрены вопросы по необходимости индивидуального подхода к выбору земельного отвода площадного, линейного и точечного объектов. Было обобщено и рекомендовано применение нового коэффициента для калькуляции ущерба сельского хозяйства на соседних земельных участках.

Article considered one of the most actual issues of today's to optimize selection and land allocation for non-agricultural enterprises. The scientific work reviewed by a need individual approach for each of polygon, line and point feature. Since polygon, line and point features requires its own kind of shape from neighboring land users. It was signed on implementation of a new coefficient for calculation of damage to agriculture on neighboring land users.

Инсон нимаики билан шуғулланмасин, доим ер участкасидан бевосита ёки билвосита

фойдаланади. Шундай экан, ер танлаш ва ажратишда илмий ёндашиш зарурлиги бугунги

кунга келиб кўзга ташланмоқда. Мамлакатимизда ер ресурслари, айниқса суғориладиган ерлар чекланганлигини ҳисобга олсак, ҳар бир қарич ердан самарали фойдаланиш кераклигини кўришимиз мумкин. Иқтисодиёт тармоқларида ер ресурсларининг ўрни бир-биридан фарқ қилади. Чунончи, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида ҳамда тоғ-кон саноатида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида иштирок этса, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ер ишлаб чиқаришни жойлаштириш базаси сифатида иштироок этади [1].

Албатта, ер ҳудуд ва майдон сифатида чегараланган бўлиб, унинг ҳажми ер шари доираси билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан ер майдони, айниқса унинг қишлоқ хўжалиги учун ажратилган қисми қатъий чекланганлиги алоҳида қайд этиш зарур. Бундан ташқари, аҳолини асосий озик-овқат маҳсулотлари билан таъминловчи тармоқ – бу қишлоқ хўжалигидир. Демак, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун ер ресурслари дунё бўйича жумладан, Ўзбекистонда ҳам чегараланган майдонда эканлиги бошқа иқтисодиёт тармоқлари олдида уларни устуворлигини таъминлаш зарурияти туғилади. Бу зарурият дунёнинг барча қишлоқ хўжалиги учун яроқли ер ресурсларига эга бўлган мамлакатлар учун ягона тамойил асосида ер ресурсларини тақсимотини амалга оширишни талаб қилади. Бунинг асосий сабабларидан биринчиси, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг камайиб бориши, аҳолининг ўсиши ҳисобига озик-овқатга бўлган талабнинг ўсишидир. Шунинг учун ҳам, ҳар бир давлатнинг устувор стратегик дастури озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Бундан ташқари, дунёдаги аҳолининг 5%из доимий очликда яшаётганлиги, 10% доимий тўйиб овқат емаслигини инobatга олган ҳолда қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар мавжуд бўлган давлатлар ўз аҳолисини озик-овқат билан тўла таъминлаш имкониятидан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини эга бўлса бу маҳсулотларини етиштириши зарурлиги умминсоний тамойил сифатида қаралмоғи лозим.

Шу жумладан мустақил мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилаётган туб умумиқтисодий ва аграр ислохотларнинг ҳаётга тадбиғи, иқтисодиёт тармоқларининг истиқболдаги равнақи, ер танқислиги муаммоларининг кескинлиги ер ресурсларини тармоқлараро тақсимлашда қишлоқ хўжалиги устуворлигини таъминлашнинг илмий ва методологик асосларини яратишнинг асоси ҳисобланади. Республикаимизда фан-техника тараққиёти ва саноатнинг кескин ривожланаёт-

ганлиги мавжуд ер ресурсларини тармоқлараро тақсимлаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигидан далолат беради. [2] Агар мустақилликнинг биринчи йилларидан 2000 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмининг деярли учдан бир қисмини қишлоқ хўжалиги ташкил қилган бўлса 2013 йилда бу кўрсаткич 16,6% ни ташкил этди. Саноат тармоғи ҳажми 24%дан ошганини, автомобил саноати ва металлни қайта ишлаш 121% фоизга, қурилиш материаллари тармоғи 113%га ўсганлигини инobatга олсак, ҳамда қишлоқ хўжалигини қайта ишлаш тармоқларини, жумладан текстил саноатини, гўшт маҳсулотларини қайта ишлашни ривожланганлиги мамлакатимиз хом-ашё ишлаб чиқарувчи аграр мамлакатдан ривожланган саноат мамлакатлар қаторига босқичма-босқич ўтаётганига муболаға қолмади. Бу иқтисодий ислохотларни амалга ошириш замирида албатта, ер ресурсларини тармоқлараро тақсимлаш ётади. Охириги йилларда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари эҳтиёжлари учун ажралаётган ер майдонлари салмоғининг ошиб бориши, баъзи ҳолларда қишлоқ хўжалиги учун яроқли бўлган ер майдонлари бошқа эҳтиёжлар учун ажратилаётганлиги ер ресурсларидан самарали фойдаланишни, ер ресурслари тақсимотини ҳар томонлама илмий асослаш заруриятини туғдиради.

Ер ажратиш натижасида қишлоқ хўжалик кўрадиган зарар ва қишлоқ хўжалик фаолиятига салбий таъсирларни гуруҳлаш жадвали

Нуқтали	Чизиқли	Майдонли
	Йирик майдонли ер участкасини бир неча бўлақларга бўлади	
	Қурилиш қолдиқлари чизиқли иншоот бўйлаб қолади	Қурилиш қолдиқлари майдонли иншоот атрофи бўйлаб қолади
	Чизиқли иншоотнинг 5 метргача масофада қурилиш туфайли тупроқ зичланишига олиб келади	Майдонли иншоотнинг 5 метргача масофада қурилиш туфайли тупроқ зичланишига олиб келади
Нуқтали иншоот экин майдонида экин экиш учун ноқулайликлар келтириб чиқади		
Қишлоқ хўжалик техникасига но-		

қулайликлар келтириб чиқаради ва бошқа агротехник жараёнларга ноқулайликлар келтириб чиқаради		
Нуқтали иншоот эгаллаган экин майдонидан кўпроқ жой кишлок хўжалик оборотидан чиқиб кетади	Чизиқли иншоот жойлашган ер майдони кишлок хўжалик оборотидан чиқиб кетади	Майдонли иншоот жойлашган ер майдони кишлок хўжалик оборотидан чиқиб кетади
Нуқтали иншоотга ер ажратилганда тупроқ унумдорлиги ҳисобга олинмайди	Чизиқли иншоотга ер ажратилганда тупроқ унумдорлиги ҳисобга олинмайди	
Зарарли электр нурлар таркатади (электросеть)		
	Чизиқли иншоот ён атрофдаги кишлок хўжалик экин майдонига газ ва чанг чиқиндилар етказишга сабаб бўлади (автойўл)	
		Майдонли иншоотлар химиявий ва физикавий чиқиндилар чиқишига сабаб бўлиши мумкин (Химзавод, нефт қайта ишлаш заводи)

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, ҳар бир ер ажратиш жараёнига индивидуал қараш лозимлигини кўрсатмоқда. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, кишлок хўжалиги кўрадиган зарарни аниқлашда нуқтали ва чизиқли ер ажратилаётганда майдонлидан кўра кўра кўпроқ чегарадош ҳудудларга зарар етказиши кўриниб турибди. Демак, ер ажратилаётганда ернинг ушбу хусусиятини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг учун, фундаментал кишлок хўжалиги кўрадиган зарарни аниқлаш формуласига қуйидагича коэффициент қўлланиш тавсия этилади. [3]

Майдонли ер ажратишда фундаментал кишлок хўжалиги кўрадиган зарарни аниқлаш формуласи учун $K_{ш} = 1$ (шакл бўйича коэффи-

циент), чизиқли объект учун $K_{ш} = 1.5$, нуқтали объект учун эса $K_{ш} = 2$ ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

$$N_{к/хм} = [(C_{суғ.} \times S_{суғ.}) + (C_{слал.} \times S_{слал.}) + (C_{суғ.} \times S_{б.суғ.} \times 0,1) + (C_{слал.} \times S_{б.лал.} \times 0,1) + (C_{п.я.} \times S_{п.я.})] \times K_{жой} \times K_{ки} + C_{Ф} \times K_{ш},$$

бунда:

$N_{к/хм}$ - кишлок хўжалиги экин майдонларини доимий фойдаланиш учун олиб қўйишда кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчилиги, минг сўм;

$S_{суғ.}$ - суғориладиган кишлок хўжалиги экин майдонларининг (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно) олиб қўйиладиган 1 гектари ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 31-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

$S_{слал.}$ - олиб қўйиладиган 1 га лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 32-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

$S_{п.я.}$ - олиб қўйиладиган 1 га пичанзор ва яйловлар ўрнига тенг қийматли янги ерларни суғориш ва ўзлаштириш қиймати ушбу Низомнинг 34-бандига мувофиқ қабул қилинади, минг сўм;

$S_{суғ.}$ - олиб қўйиладиган суғориладиган кишлок хўжалиги экинлари майдони (суғориладиган бўз ерлар бундан мустасно), га;

$S_{слал.}$ - олиб қўйиладиган лалми шудгор ва суғорилмайдиган кўп йиллик дарахтлар майдони, га;

$S_{б.суғ.}$ - олиб қўйиладиган суғориладиган бўз ерлар майдони, га;

$S_{б.лал.}$ - олиб қўйиладиган лалми бўз ерлар майдони, га;

$S_{п.я.}$ - олиб қўйиладиган пичанзорлар ва яйловлар майдони, га;

$K_{жой}$ - олиб қўйиладиган ер участкасининг жойлашган жойини ҳисобга оладиган коэффициент ушбу Низомнинг 36-бандига мувофиқ қабул қилинади;

$K_{ки}$ - ушбу Низомнинг 48-бандига мувофиқ қабул қилинадиган кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари суммасини индексация қилиш коэффициенти;

$C_{Ф}$ - охирги тўрт йилда олиб қўйилган ер участкасида олинадиган соф фойда суммаси, минг сўм.

Иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятлари ер тақсмотига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Бозор муносабатларининг ва ишлаб чиқариш қучларининг ривожланиши натижа-

сида ер тақсимоти ва ер муносабатлари муайян тизим доирасида шаклланади. Ер тақсимоти иқтисодий жараёнларнинг бир-бири билан конуний боғланган, объектив бирлигини ифодалайди. Йиллар давомида ер ресурсларини тақсимлаш ва кайта тақсимлаш мавжуд иқтисодий тизимга мослашувчи қонуният асосида ўзгарувчан жараёни ташкил этади. [4]

Ер ресурсларини тармоқлараро тақсимлаш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқа соҳаларда бўлгани сингари ишлаб чиқариш кучларини характери ердан фойдаланиш ва эгалик қилиш шакллари билан боғланган ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасида доимо зиддият туғилиб туради. Агар улар ўз вақтида ечилмаса ёки ер тақсимотида инobatга олинмаса, жиддий ҳолат юзага келади. Шунинг учун ер ресурсларини тақсимлаш жараёнлари ижтимоий ривожланишнинг ҳар бир босқичида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ижтимоий шартлари, сиёсий, иқтисодий ва бошқа шакллари билан мувофиқ келиши шарт.

Республикамиз Мустақилликка эришганидан буён барча жабҳаларда кенг қўламда ислохотлар ўтказилмоқда. Хусусан, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ер иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш тармоғида асосий восита ҳисобланади. Шу боис, у аҳоли ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигида, айниқса, озиқ-овқат билан таъминлашда биринчи даражали аҳамият касб этади.

Шундай экан, ноқишлоқ хўжалик корхоналарига ер танлаш ва ажратишда ҳар бирига индивидуал ёндашишни тақозо этади. Бунда фақатгина ер участкасига бўлган талабдорнинг талаб ва эҳтиёжини эмас, балки қўшни ҳудуд ердан фойдаланувчиларнинг ҳам манфаатини кўзлаган ҳолда амалли ошириш лозимлиги кўришиб турибди.

Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда ҳулоса қилиш мумкинки, ер танлаш ва ажратишда индивидуал қараш лозимлиги кўриб чиқилган. Илмий ишда майдонли, чизиқли ва нуқтали объектларга ер танлаш ва ажратишга индивидуал ёндашиш зарурлиги ўрганилган. Ҳар бирининг қўшни ердан фойдаланувчиларга келтирган зарарни инobatга олган ҳолда тегишли коэффициентни қўллаш мақсадга мувофиқ эканлигини асослаб берилган.

Адабиётлар:

1. Бобожонов А.Р. Аҳоли пунктларида ер кадастрини юритиш. "Архитектура", 2011, 87 –б.
2. Аvezбаев С.А. Ер тузишни илмий лойиҳалаш асослари. "Янги аср авлоди", 2012, 48 –б.
3. Ер ресурсларини тармоқлараро тақсимотида услубий ёндашув. "Иқтисодиёт ва таълим", Т.: "Иқтисодиёт", Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2015. 14 –б.
4. Ер муносабатларини модернизациялаш шароитида ер ажратиш эволюцияси. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. Илмий электрон журнал. Т.: "Иқтисодиёт", Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2015. 27 –б.

ҚУРИЛИШ КОРХОНАЛАРИНИНГ WEB САЙТИНИ ТУЗИШ ЛОЙИҲАСИ

Эшимов Р. АРМ ахборот технологиялари бўлими мудири (СамГАСИ)

Для успешной деятельности строительной компании очень важно иметь современный сайт. Он позволит привлечь новых клиентов и формировать правильное восприятие бренда на рынке. Дает следующие возможности сайтов строительных компаний: каталог строящихся и выполненных объектов, каталог квартир или домов, online-сервисы для клиентов, интерактивные карты, фото- и видеогалереи.

For the success of the construction company it is very important to have a modern website. It will attract new customers and create the correct perception of the brand in the market. Provides the following features sites of construction companies: directory constructed and executed objects, houses or apartments catalog, online-services for customers, interactive maps, photo and video galleries.

Бугунги кунда кўплаб йирик тижорат ёки жамоат ташкилотлари ўзларининг Web сайтига эгадирлар. Бу шунчаки мода бўлибгина қолмасдан балки, ҳаётин заруратдир. Бу албатта интернет тармоғига кириб ундаги ўзгаришлардан ва янгиликлардан бохабар бўлиб қолмасдан электрон тижоратнинг ривожланишига интилиш ҳамда интернет фойдаланувчилари учун қулайликлар яратиш ҳам демакдир. Сиз

ўзингизнинг замонавий интернет-ваколотхонангизни тузиш билан бирга компаниянгиз ўзининг ички ва ташқи ҳисобини юритиш, мижозлар ва шериклари билан коммуникация тизимини мақбуллаштириш имкониятига эга бўлади. Шундай қилиб, интернет сайтингиздан бошқа мижозлар ҳам маркетинг инструменти сифатида кенг қўламли фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Сайтни тузиш лойиҳаси. Биз учун оддий ва мураккаб сайт турлари бўлмайди. Биз ташкилот учун фақатгина улкан, сифатли ва ҳақиқатдан ҳам самара берадиган лойиҳани тузишни мақсад қилганмиз. Энди биз режалаштираётган сайтни тузиш босқичларини келтириб ўтамиз:

1. Сайтнинг таҳлили;
2. Лойиҳалаштириш;
3. Дизайн;
4. Дастурлаш босқичи;
5. Матнлар ва графикаси билан ишлаш;
6. Техник қўллаб-қувватлаш.

Энди юқорида келтирилган босқичларда бажариладиган ишларга изоҳ бериб ўтамиз.

Сайтни таҳлил қилиш. Бу босқичда бир қатор олдиндан бажарилиши лозим бўлган ишлар қўриб чиқилади, қайсиқим келгусида тузиладиган лойиҳанинг концепциясини аниқлашда ёрдам беради, уни ишга туширишнинг самарали ва тезкор йўлларини кўрсатиб беради. Сайтни аналитик тадқиқот қилиш тадбирлари қўйидагиларни камраб олади:

- Лойиҳанинг асосий мақсади ва вазифаларини баҳолаш;
- Сизнинг фаолият юритажак лойиҳангизга аудиторлик тадқиқотлари;
- Сайтингизнинг замонавий ҳолати ва Интернет тармоғида ривожланиши аъналарининг маркетингли аудити;
- Мавжуд рақобатдош лойиҳалар билан таҳлили;
- Сизнинг сайтингизга талабгарлар аудиториясининг таҳлили;
- Сизнинг компаниянгиз маркетинг жараёнларини ўрганишга йўналтирилганлиги таҳлили.

Сайтни тузиш жараёнида таҳлил босқичи асосий базали босқичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун сайтни тузишда таҳлил босқичида қўйидагиларга атрофлича ёндошишини такоза этади:

- Аналитик баҳолашни ўтказиш;
- Рақобатдошлар сайтларини аудиторлик татлил қилиш; Бунинг учун Сизнинг сайтингизнинг фарқлари ва муҳимлик жиҳатларини алоҳида изоҳлаб бериш;
- Сизнинг компаниянгизнинг тактикаси, стратегияси ва маркетинг сиёсатини атрофлича текшириш;

Қўйидаги пунктларни инобатга олган ҳолда лойиҳа менежери қилинадиган ишлар ҳисоби сифатида тўлиқ ҳисоботини тақдим этади:

- Келгусида амалга ошириладиган лойиҳанинг мақсад ва вазифаларининг тўлиқ тавсифи;
- Лойиҳани амалга ошириш жараёнида бирламчи таваккалчилик омиллари шарҳи;
- Компаниянгизнинг келажагида самара бе-

радиган таклиф этилаётган стратегияси таснифи;

- Сайтнинг натижавийлик концепцияси таснифи;
- Тўлалигича рақоботчи асосий тармоқ ресурсларининг рўйхати ва уларнинг устунлиги ва камчилиги асоси билан;
- Сизнинг лойиҳангизнинг бошқа рақобатчилардан устунликлари таснифи;
- Маълумотлар базалари сифатида фойдаланиш мумкин бўлган тармоқ ресурсларининг тўлиқ рўйхати.
- Лойиҳангизга кирадиган барча компонентларнинг тўлиқ функционал хулосалари.

Лойиҳалаш босқичи. Лойиҳалаш босқичи сайтни тузишнинг ажралмас муҳим бир қисмидир. Шунинг учун ҳам бу босқичда лойиҳанинг ахборотли ва функционал тузилмаларини, дизайнини ва дастурлашни шакллантириш бўйича ишлар амалга оширилади. Лойиҳалашнинг дастлабки босқичида лойиҳанинг концепциясини ишлаб чиқиш ва кейинги босқичида эса - бу лойиҳалаш интерфейси, сайтнинг функционал ва ахборотли тузилмаси шакллантириш.

Сайтни лойиҳалаш жараёнида бирданига бир нечта мутахассислар биргаликда ҳаракат қиладилар ва сайтнинг прототипини яратадилар: лойиҳа менежери, дизайнер, дастурловчилар. Прототипи деганда ушбу сайтни тузишда қўлланиладиган ранго-ранг асосий сатрлар рўйхати тушукнилади. Прототип қўйидагиларни ўз ичига олади: графика ва навигация, ахборотларни жойлаштириш параметрлари, регистрация ва қидирув шакллари. Бу каби муҳим тавсифлар сайтнинг ҳар бир сатри учун алоҳида бажарилади.

Лойиҳалаш жараёнида қўйидаги тузилмадаги навигация игшлари амалга оширилади:

- Базали навигация(янгилаш) – Сайтнинг кейинги босқичларига ўтиш йўллари;
- Регистратсион ва авторизацион шакллар(қайд этиш ва авторизация);
- Атрибутли-контекстли қидирув;
- Янгиликлар ва мурожатлар;
- Қўшимча навигация –ёрдამчи тузилма;
- Хизматчи навигация – «сайт харитаси», «Админстраторга ёзувлар», «Дўстлар билан алоқа» ва бошқалар.

Сайт дизайнини танлаш лойиҳалаш босқичи билан биргаликда бошланади ва сайтнинг асосий юзини ташкил этади.

Дастурлаш босқичи сайт яратишда энг муҳим ва мураккаб босқичини ўз ичига олади. Бу босқич масаланинг қўйилишидан бошланади. Дастурчидан жуда катта меҳнат талаб этилади. Аммо бугунги кунда сайт яратишнинг

самарали босқичлари мавжуд бўлиб, конструкторлардан кенг қўламли фойдаланиш мумкин.

техники и моделирования в архитектурном проектировании. – М.: Стройиздат, 1978. – 255 с.

2. <http://www.binardi.ru/sites>.

Адабиётлар.

1. Авдотъин Л.Н. Применение вычислительной

ҚУРИЛИШНИ БОШҚАРИШДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Элмуродов Б.Э. катта ўқитувчи (СамГАСИ)

В статье приводятся сведения о новой модели современного управления строительством с применением автоматизированных информационных систем.

This article describes a new model of modern construction management using automated information systems.

Ишнинг мақсади. Қурилиш соҳасида лойиҳалаш жараёнларидаги аксарият машақатли меҳнат аллақачон автоматлаштирилган ахборот тизимлари зиммасига юкланган бўлиб, деярли 80 фоиз ишлар компьютерли дастурлар орқали амалга оширилади (мутахассис тасавурлари ва креативлиги бундан мустосно). Лекин бошқа йўналишларда ҳам деярли барча катта ҳажмдаги қўламли ишларни ҳам компьютерлар зиммасига юклаш пайти келди. У ҳам кучли назорат ва ишончли бошқарувдир.

Ахборот тизимлари ва технологияларининг стратегик мақсадлари-бизнеснинг ривожини таъминлаш, унинг бошқаруви ва сифатини, рақобат-бардошлигини ҳамда бизнес жараёнларни амалга ошириш жараёнларида нархларни иложи борича камайтиришдан иборатдир. Ахборот технологиялари ахборот тизимлари таркибида ташкил этилган ва қўлланиладиган технология бўлиб, унинг асосий мақсадлари ушбу жараёнда қўлланиладиган барча жараёнларни комплекс автоматлаштиришдан иборатдир. Унинг асосий вазифаси ахборотлар оқими устида амаллар бажариш ва уларни тартибга солишдир.

Қурилиш жараёнида наъмунавий автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг тузилмасини қуйидагича ифодалаш мумкин [1, 34-бет].

Автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали қурилиш соҳасида асосан лойиҳалаш ишлари ва ҳисоб ишлари кенг қўламли амалга оширилмоқда. Аммо давр талабидан келиб чиққан ҳолда қурилиш соҳасидаги бошқарув тизимини тўлалигича назоратга олиш учун иқтисодий-молиявий, техник ва статистик бошқарув назоратини доимий ўрнатиш. Бу каби ишларни амалга оширувчи универсал «АЛ-ТИУС-қурилишни бошқариш» тизими ишлаб турибди.



Йиғиш	Алоқа канали орқали тизимга ўтиш	Тизимга қиритиш	Сақлаш	Бошланғич маълумотларни таҳлил қилиш
Узатиш	U ₁	U ₂	U ₃	U ₄
Маълумот ташувчиларга рўйхатга олиш	M ₁	M ₂	M ₃	M ₄
Ахборот тизимига қиритиш	A ₁	A ₂	A ₃	A ₄
Умумий рўйхатга олиш	R ₁	R ₂	R ₃	R ₄

Қурилиш жараёнида наъмунавий автоматлаштирилган бошқарув тизимларининг тузилмаси.

Изоҳ. Бу ерда U₁ ... U₄; M₁ ... M₄; A₁...A₄; R₁...R₄ лар ҳар бир қаторнинг бажарилишига мос амалларнинг тартиби ва кетма-кетлигини ифодалайди.

Қурилишни бошқариш ва лойиҳалашда ушбу процедуралар ва амалларнинг тартиби билан бажарилиши ва узвийлиги ушбу технологик жараённинг ишончилигини мустаҳкамлайди. Бундай турдаги ААТ лари фаолиятининг муҳим жиҳатлари ва илмий янгиликлари шундан иборатки, масалан ҳукуматимиз қарорлари билан қурилиётган наъмунавий уйлارнинг бир массив сифатида шаклланишида улар устида бажариладиган амаллар кетма-кетлиги ва йиғиладиган ахборотлар ҳажмлари айнан ўхшашликлари билан ҳамда бир-бирларини такрорлашлари билан ушбу соҳада маълумотлар базасидан фойдаланиш мутахассислар ишини енгиллаштиради. Бундан ташқари ушбу иншоотларнинг коммуникация тизимларини бошқариш ва уларга сервис хизматларини кўрсатишда ҳам ААТ ролини янада оширишни тақоза этади.

Энди биз қурилишни бошқаришда ААТ ларининг аҳамиятини изоҳлашга ўтамиз. Биз

ҳозирда бозор иқтисодиёти шароитида яшаймиз. Барча нарсаларнинг нархлари бозордаги нархларга нисбатан ва аҳолининг эҳтиёжларига қараб ўзгариб туради. Бу бошқарувнинг икки муҳим жиҳатлари мавжуд:



Биринчидан-замон тараққиётидан ортда қолмаслик бўлса, иккинчидан сифат ва самардорликнинг нақадар муҳимлигидир. Бу каби унсурларнинг бажарилиши қурилишда бошқарув ишининг доимий назоратини ва сифатини таъминлайди.

УДК: 519.95

ҚУРИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ АВТОМАТИК БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ПРОЦЕССОРЛАР ҚЎВВАТИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Ражабов Н. А., Аъзамов Т. Н. (СамДАҚИ)

В работе излагается роль графических процессоров (Graphics Processing Unit – GPU) в современных высокопроизводительных вычислительных системах, а также разработках о новых видах вычислительных модели, совмещающих в себе мощь центрального (Central Processing Unit – CPU) и графического процессоров.

In the work sets out the role of the Graphics Processing Unit in modern high-performance computing systems and development of new types of computing model, combining the power of the CPU (Central Processing Unit) and GPU (Graphics Processing Unit).

Ишнинг мақсади. Қурилиш технологияларини оптимал бошқариш, аҳолининг янги турдаги қурилиш материалларига нисбатан эҳтиёжлари ўсиб борганлигини инототга олган ҳолда янги материаллар турларини кўпайтириш учун технологияларни оптималлаштириш давр талабидир. Қурилишни ташкил этишда бундай муаммоларни бартараф этишнинг асосий ечими автоматлаштирилган технологиялардан тўғри фойдаланиш яъни ахборот тизимларининг процессорли қувватини бирлаштириш ва модернизация қилишни тақоза этади.

Замонавий ҳисоблаш тизимлари ишини юқори самардорли ҳисоблашларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Яқин вақтларда ҳам бундай самардорлик тор доирада, масалан илмий изланишларда ишлатилар эди, аммо ҳозирги вақтда тез-тез катта маълумотлар массивлардан фойдаланишга тўғри келмоқда. Бундай катта ҳисобланишлар учун аввалари супер-

Юқоридагилардан хулоса қилиб ААТ ларининг бошқарув тузилмасини қуйидагича изоҳлаймиз (бу тузилма муаллифнинг шахсий тавсиясидир).

Изоҳ. Қурилиш бошқаришда автоматлаштирилган ахборот тизимларининг ўрни аллақачон исботланиб, тадбиқ этиб бўлинган. Аммо ахборот коммуникация технологиялари соҳасида ҳам, қурилиш соҳасида ҳам деярли ҳар қуни янгиликлар содир этилмоқда ва янги технологиялар асосланмоқда. Ушбуларни инототга олиб замонавий қурилишга замонавий технологияларни кенг қўламли қўллаш орқали дунё оқимида кўшилиб боришимиз ва ундан илдамлашга ҳаракат қилишимиз керак.

Адабиётлар:

1. Автоматизированные информационные технологии в экономике/ Под ред. проф. Г.А. Титоренко. — М.: ЮНИТИ, 1998.
2. www.altius.ru.

марказий процессорда амалга оширилади. Унинг иш самарадорлигини ошириш учун дастлабки вақтларида уларнинг такт частотасини оширишга ҳаракат қилинди. Аммо уларнинг оширилиши мантикий чегарага етди, шу сабабли процессорларни ишлаб чиқарувчилар ҳисобловчилар сонини оширишга ҳаракат қила бошлашди ва шу йўл билан маълумотлар векторлари билан ишлаш инструкцияларини оптимизациялашга ҳаракат қилишди. Замонавий *x86* архитектурали процессорлар юқори частотали 3 ГГц такт частотали унча кўп бўлмаган ҳисобловчи ядроларга эга. Ҳозирги вақтда тўрт ядроли моделлар кўп ишлатилмокда. Шунингдек, *SIMD*-инструкцияли (*Single Instruction – Multiple Data*, *бита инструкция – маълумотлар массиви*): *MMX*, *SSE*, *SSE2*, *SSE3*, *SSE4* модели кўп тарқалган, биз айнан шу моделлар билан тадқиқотлар ўтказамиз.

Дастлабки компьютерларда марказий процессор ҳамма керакли ҳисоблашларни бажарар эди. Сўнгра кўшимча функционал модуллар пайдо бўла бошланди. Улар маълум бир масалаларни ечишга мўлжалланган эди. Улар маркази процессорга қараганда анча юқори ҳисоблаш тезлигига эга эдилар ва улар алоҳида микросхемалар кўринишида амалга оширилган эди.

Замонавий компьютерларда энди марказий процессордан ташқари кўплаб ҳисоблаш қурилмалари бор, шу жумладан график процессорлар ҳам. Улар дастлаб марказий процессор ишининг бир қисмини шу ҳисобловчиларга юклаш, яъни уч ўлчамли графикаларни ишлашга мўлжалланган эди. Шу йул билан марказий процессор иши енгиллаштирилди. График процессорларнинг фарқли томони жуда катта сондаги ҳисоблашларни амалга ошириш ҳисобланади (уларни шейдерли процессорлар деб аташади), улар марказий процессорга қараганда кам частотада ишлайди. Замонавий видеокарталар учун шейдерли процессорлар сони бир мингтадан ошади ва то 1536 кийматгача етади, масалан *AMD Radeon HD 6970* видеокарталарида. Бундай процессорларнинг такт

частотаси 1544 МГц гача етади, масалан, *nVidia GeForce GTX 580* видеокарталарида.

График процессорларнинг юқори ҳисоблаш потенциали асосида *GPGPU* (*General Purpose Graphics Processors Usage – график процессорларни умумий мақсадда фойдаланиши*) йўналиши пайдо бўлди, бу йўналишнинг мақсади нафақат уч ўлчамли графикаларни ишлаш, балки умумий масалаларни ечишда ҳам ишлатишни амалга оширишдир. Бу мақолада анча яхшиланган оптимизацияли *GPGPU* моделлари қаралади.

Ҳозирги вақтда йирик марказий процессорларни ишлаб чиқарувчилар яна функционал модулларни битта платага бирлаштиришга қайтишди, натижада янги турдаги *APU* (*Accelerated Processing Unit – тез ишловчи процессорлар*) процессорлари пайдо бўлди. Бу қурилмалар битта кристалда микросхемаларни бирлаштирди.

Бошқа ҳисоблаш қурилмаси, масалан:

- график процессор;
- дастурланувчи мантикий интеграл схемани (ДМИС).

Замонавий ишлаб чиқарувчиларнинг йирик лойиҳаларини келтирамиз:

1. *AMD Fusion*;
2. *Intel Sandy Bridge*;
3. *NVIDIA Project Denver*.

Хулоса: Биз асосан марказий процессор ва график процессорларнинг қувватларидан бир вақтда фойдаланамиз, бу ёндошув бизга натижаларни замонавий *APU* ларга қўллашни таъминлайди. Бу жараёнда, марказий процессорга келадиган топшириқлар, процессорлар қувватларига нисбатан паралел равишда таксимланиб берилади. Бу эса бизга ҳеч қандай кўшимча қурилмаларсиз, ортиқча ҳаражатларсиз, компютеримизда бўйруқларни бажаришга сарфланаётган вақт бир неча баробар тежалишига ва ишлаш тезлиги ошишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. *Dean J., Ghemawat S.* MapReduce: Simplified Data Processing on Large Clusters. <http://labs.google.com/papers/mapreduce-osdi04.pdf>
2. http://www.gpureview.com/show_cards.php
3. <http://www.gpgpu.org>.

УДК: 519.95

РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ ОПТИМИЗАЦИИ ПРОГРАММНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ГРАФИЧЕСКОГО ПРОЦЕССОРА

Аъзамов Т.Н. (СамГАСИ)

Ушбу мақолада график процессор учун дастурларни оптимизация қилиш усуллари ишлаб чиқилган. График процессор билан мулоқатни соддалаштириш учун кичик кутубхона яратиш амалга оширилган. Мақолада марказий ва график процессорлар ишини мувофиқлаштириш ҳисобига ҳисоблашларни паралеллаштириш амалга оширилган.

The work is dedicated to identifying ways to optimize software for the Graphics Processing Unit. Creation of the library to simplify interaction with the graphics processor. Using a ligaments of CPU (Central Processing Unit) and GPU (Graphics Processing Unit) for conducting parallel computing.

Для повышения производительности центрального процессора его изначально требовалось лишь повышать тактовую частоту. Однако ее повышение подошло к технологическому пределу, поэтому производители процессоров стали увеличивать количество вычислителей и оптимизировать инструкции для одновременной работы с векторами данных. Современные процессоры имеют небольшое количество вычислительных ядер с высокой тактовой частотой. Наиболее популярны модели с четырьмя ядрами с частотой около 3 ГГц. Широко распространены расширенные наборы *SIMD*-инструкций (*Single Instruction – Multiple Data*, одна инструкция – массив данных): *MMX*, *SSE*, *SSE2*, *SSE3*, *SSE4*, которые использованы в нашей работе. В данной работе исследуется роль графических процессоров (*Graphics Processing Unit – GPU*) в современных высокопроизводительных вычислительных системах, а также рассказывается о новых видах вычислительных устройств, совмещающих в себе мощь центрального (*Central Processing Unit – CPU*) и графического процессоров. В связи с высоким вычислительным потенциалом графических процессоров образовалось направление *GPGPU* (*General Purpose Graphics Processors Usage – использование графических процессоров для общих целей*) [3], целью которого является использование их не только для обработки трехмерной графики, но и для решения общих задач. В данной работе будет использоваться традиционный подход к *GPGPU* с улучшенными авторскими оптимизациями, описанными в работе.

В настоящее время крупные производители центральных процессоров решили объединить функциональные модули на одной плате, что привело к появлению нового вида процессоров: *APU* (*Accelerated Processing Unit – процессоры ускоренной обработки*). Данные устройства сочетают на одном кристалле микросхемы: центральный процессор. Другое вычислительное устройство, например:

- графический процессор;
- программируемую логическую интегральную схему (*ПЛИС*).

Отметим крупные проекты современных производителей:

4. *AMD Fusion*;
5. *Intel Sandy Bridge*;
6. *NVIDIA Project Denver*.

В данной работе одновременно используются мощности центрального и графического процессоров, что позволит применять ее результаты на современных *APU*.

Как отмечают исследователи этих проблем что, процессы записи данных в текстуру, проведения вычислений на графическом процессоре и чтения данных из текстуры являются блокирующими для центрального процессора – он не может продолжать дальнейшую работу без получения корректного результата. Таким образом, происходит простой мощного вычислителя, который мог бы быть использован для решения части поставленной задачи. Для избавления от блокировки необходимо производить вычисления на графическом процессоре и операции чтения-записи в одном потоке (*thread*), а вычисления на центральном процессоре – в другом. Более того, можно использовать столько потоков для центрального процессора, сколько вычислительных ядер он содержит, распределив объем обрабатываемых данных в равных пропорциях между ними.

Для упрощения работы с потоками можно воспользоваться паттерном *пул потоков* (*Thread Pool*). Заранее создадим поток, где – количество вычислительных ядер центрального процессора, а дополнительный поток служит для запуска вычислений на графическом процессоре. Когда необходимо произвести вычисления, распределим объем данных для каждого вычислителя и отправим каждому потоку команду на проведение вычислений. В конце вычислительных функций необходимо установить барьеры для оповещения основного потока о завершении вычислений, после которого потоки-работники (*Worker Threads*) приостанавливаются до получения новых команд на проведение вычислений. Нами установлены, что при решении задачи можно использовать центральный процессор параллельно с графическим для проведения одинаковых вычислений над распределенными объемами данных. Далее необходимо понять, каким образом можно описать задачу для центрального процессора, используя уже существующее описание для графического процессора. Рассмотрим подход: использование существующего кода программ для графического процессора для выполнения на центральном процессоре. Однако в силу особенностей графического процессора и языков программирования для него мы не можем просто скомпилировать код шей-

дера как код языка C – некоторые конструкции придется определить самостоятельно или модифицировать. В языке *GLSL* проблемными с этой точки зрения являются несколько конструкций. Реализация или модификация этих конструкций позволит избавиться от недостатков, характерных для написания отдельного кода.

Отметим необходимые действия:

- реализация стандартных типов данных с сохранением их особенностей;
- реализация стандартных функций;
- проведение некоторых модификаций кода шейдера.

Способ реализации данных действий для языка C++ будет приведен ниже.

Реализация стандартных структур данных и функций языка GLSL на языке C++. Основы реализации вектора. Рассмотрим реализацию стандартных структур данных на примере четырехкомпонентного вектора вещественных чисел *vec4*. Отметим основные операции, которые нам необходимо реализовать:

- создание вектора из четырех вещественных чисел или другого вектора:

```
vec4 bwVec = vec4(0.56, 0.33, 0.11, 0.0);
vec4 v = bwVec;
```

- чтение и запись компонентов вектора; отметим, что доступ к одному компоненту может быть осуществлен с использованием различных идентификаторов (например, *x*, *s* или *r* для первого компонента):

```
float x = vbg.x;
vbg.r = 1.0;
```

- арифметические операторы:

```
vec4 result = v1 + v2;
```

- *swizzle*:

```
vec4 v4 = v.xzzy;
vec2 v2 = v.rg;
```

Мы будем применять *intrinsic*-функции и тип данных *__m128* для получения кода, оптимизированного под целевую архитектуру *x86*. Далее мы увидим, какой прирост производительности дает их использование. Создадим структуру *vec4* и укажем, что ее адрес должен быть упорядочен до 16 байт. Данное указание зависит от используемого компилятора; для *Microsoft 32-bit C/C++ Optimizing Compiler* код будет выглядеть следующим образом:

```
__declspec(align(16)) struct vec4
```

Реализация создания вектора и чтения-записи его компонентов. Поместим в созданную структуру объединение (*union*) – область в памяти, которую можно интерпретировать как объект одного из нескольких описанных типов. Мы включим туда следующие описания типов:

- `struct { float x, y, z, w; };` – структура для чтения-записи

векторных компонентов *x*, *y*, *z* и *w*;

- `struct { float s, t, u, v; };` – структура для чтения-записи

векторных компонентов *s*, *t*, *u* и *v*;

- `struct { float r, g, b, a; };` – структура для чтения-записи

векторных компонентов *r*, *g*, *b* и *a*;

- `float array[4];` – массив из четырех вещественных чисел для

доступа к вектору как к массиву;

- `__m128 hw;` – описанная выше структура, благодаря которой имеется возможность использования инструкций *SSE*;

- `NEST_SHUFFLERS(4)` – специальный макрос, добавляющий в объединение необходимые структуры для реализации операции *swizzle*; о нем будет сказано ниже.

Теперь необходимо реализовать конструкции и операторы присваивания. Их реализация будет описана в теле структуры и будет помечена ключевым словом *inline*, которое указывает компилятору, что по возможности необходимо встраивать код функции прямо в код, вызывающий данную функцию, вместо проведения операции вызова. Данная операция позволяет ускорить выполнение кода.

Реализация операторов вектора. Реализуем операторы сравнения:

- `inline bool operator==(const vec4& v) const { return x ==`

```
v.x && y == v.y && z == v.z && w == v.w; } – проверка покомпонентного равенства двух векторов;
```

- `inline bool operator!=(const vec4& v) const { return x !=`

```
v.x || y != v.y || z != v.z || w != v.w; } – проверка неравенства хотя бы одного компонента у двух векторов.
```

Реализуем арифметические операторы:

- `inline vec4 operator+() const { return *this; }` – унарный

плюс;

- `inline vec4 operator-() const { return vec4(_mm_sub_ps(zero.hw, hw)); }` – унарный

минус; здесь используется константный вектор, состоящий из нулей;

- `inline vec4 operator+(const vec4& other) const { return`

```
vec4(_mm_add_ps(hw, other.hw)); } – покомпонентное сложение;
```

- `inline vec4 operator-(const vec4& other) const { return`

```
vec4(_mm_sub_ps(hw, other.hw)); } – покомпонентное вычитание;
```

- `inline vec4 operator*(const vec4& other) const { return`

```

vec4(_mm_mul_ps(hw, other.hw)); } – покомпо-
нентное
умножение;
• inline vec4 operator/(const vec4& other) const
{ return
vec4(_mm_div_ps(hw, other.hw)); } – покомпо-
нентное деление;
• inline vec4 operator*(const float f) const {
return
vec4(_mm_mul_ps(hw, _mm_set_ps1(f))); } – по-
компонентное
умножение на число (число – справа);
• inline vec4& operator+=(const vec4& other) { hw
=
_mm_add_ps(hw, other.hw); return *this; } – по-
компонентное
сложение с записью в текущий вектор;
• inline vec4& operator-=(const vec4& other) { hw
=
_mm_sub_ps(hw, other.hw); return *this; } – по-
компонентное
вычитание с записью в текущий вектор;
• inline vec4& operator*=(const vec4& other) { hw
=
_mm_mul_ps(hw, other.hw); return *this; } – по-
компонентное
умножение с записью в текущий вектор;
• inline vec4& operator/=(const vec4& other) {
hw =
_mm_div_ps(hw, other.hw); return *this; } – по-
компонентное
деление с записью в текущий вектор;
• inline vec4& operator*=(const float f) { hw =
_mm_mul_ps(hw, _mm_set_ps1(f)); return *this; }
–
покомпонентное умножение на число с записью
в текущий вектор.

```

Также требуется реализовать некоторые опера-
ции вне тела структуры:

```

• inline vec4 operator*(const float f, const vec4& v)
{ return vec4(_mm_mul_ps(_mm_set_ps1(f), v.hw)); }
–

```

покомпонентное умножение на число (число –
слева);

• DECL_SHUFFLERS(4) – специальный макрос,
объявляющий необходимые структуры для реали-
зации операции *swizzle*; о нем будет сказано ниже;

• IMPL_SHUFFLERS(4) – специальный макрос,
реализующий необходимые структуры для реали-
зации операции *swizzle*; о нем будет сказано ниже.

Итого реализации вектора без операции *swizzle*

Мы произвели первую, вторую и третью
операции, описанные в разд.

Итоговый код реализации структуры *vec4*
приведен ниже:

```

DECL_SHUFFLERS(4)
_declspec(align(16)) struct vec4
{
union

```

```

{
struct { float x, y, z, w; };
struct { float s, t, u, v; };
struct { float r, g, b, a; };
float array[4];
__m128 hw;
NEST_SHUFFLERS(4)
};
inline vec4() : hw(_mm_setzero_ps()) {}
inline vec4(const vec4& v) : hw(v.hw) {}
inline vec4(__m128 hw) : hw(hw) {}
inline vec4(const float f) : hw(_mm_set_ps1(f)) {}
inline vec4(const float x, const float y, const float z,
const float w) : hw(_mm_set_ps(w, z, y, x)) {}
inline vec4& operator=(const vec4& v) { hw =
v.hw; return
*this; }
inline vec4& operator=(__m128 ohw) {hw = ohw;
return *this;}
inline bool operator==(const vec4& v) const {
return x ==v.x && y == v.y && z == v.z && w ==
v.w; }
inline bool operator!=(const vec4& v) const { return
x !=v.x || y != v.y || z != v.z || w != v.w; }
inline vec4 operator+() const { return *this; }
inline vec4 operator-() const { return
vec4(_mm_sub_ps(zero.hw, hw)); }
inline vec4 operator+(const vec4& other) const {
return vec4(_mm_add_ps(hw, other.hw)); }
inline vec4 operator-(const vec4& other) const {
return vec4(_mm_sub_ps(hw, other.hw)); }
inline vec4 operator*(const vec4& other) const {
return vec4(_mm_mul_ps(hw, other.hw)); }
inline vec4 operator/(const vec4& other) const {
return vec4(_mm_div_ps(hw, other.hw)); }
inline vec4 operator*(const float f) const { return
vec4(_mm_mul_ps(hw, _mm_set_ps1(f))); }
inline vec4& operator+=(const vec4& other) { hw
= _mm_add_ps(hw, other.hw); return *this; }
inline vec4& operator-=(const vec4& other) { hw =
_mm_sub_ps(hw, other.hw); return *this; }
inline vec4& operator*=(const vec4& other) { hw =
_mm_mul_ps(hw, other.hw); return *this; }
inline vec4& operator/=(const vec4& other) { hw =
_mm_div_ps(hw, other.hw); return *this; }
inline vec4& operator*=(const float f) { hw =
_mm_mul_ps(hw, _mm_set_ps1(f)); return *this; }
};
inline vec4 operator*(const float f, const vec4& v) {
return vec4(_mm_mul_ps(_mm_set_ps1(f), v.hw)); }
IMPL_SHUFFLERS(4)

```

Реализация операции *swizzle*

Теперь необходимо реализовать операцию
swizzle. Для этого нам потребуется различные
структуры, которые будут хранить в себе пе-
ременную типа *__m128* и для которых будет
определен оператор приведения к *vec4*. Число
таких структур равно сумме числа слов из че-
тырех символов в алфавитах $\{x, y, z, w\}$, $\{s, t, u, v\}$, $\{r, g, b, a\}$. Данные структуры будут хра-
ниться в объединении с именами соответст-

вующих перестановок, например, `Shuffler_xzzy_xzzy`. При чтении такой структуры будет произведено преобразование вектора при помощи *intrinsic*-функции `_mm_shuffle_ps`, принимающей два вектора (мы будем использовать один и тот же) и маску перестановки. Для реализации специальных макросов `DECL_SHUFFLERS(4)`, `NEST_SHUFFLERS(4)` и `IMPL_SHUFFLERS(4)`, которые упоминались выше, необходимо завести вспомогательные константы, на основе которых будет строиться маска для *intrinsic*-функции `_mm_shuffle_ps`. Код построения маски приведен ниже:

```
struct ShuffleConst
{
    static const unsigned int x = 0;
    static const unsigned int y = 1;
    static const unsigned int z = 2;
    static const unsigned int w = 3;
    static const unsigned int s = 0;
    static const unsigned int t = 1;
    static const unsigned int u = 2;
    static const unsigned int v = 3;
    static const unsigned int r = 0;
    static const unsigned int g = 1;
    static const unsigned int b = 2;
    static const unsigned int a = 3;
    static const unsigned int none = 0;
};
template <unsigned int x, unsigned int y, unsigned
int z,
unsigned int w>
struct ShuffleMask
{
    static const unsigned int value = x | (y << 2) | (z <<
4) |
(w << 6);};
Далее при помощи макроса перечислим все
возможные перестановки (данный код целесо-
образно генерировать программно – число та-
ких перестановок велико):
#define
ENUM_SHUFFLERS_FOR_VEC4(PREFIX) \
PREFIX##_SHUFFLER_TO_VEC4(x, x, x, x); \
PREFIX##_SHUFFLER_TO_VEC4(x, x, x, y); \
...
PREFIX##_SHUFFLER_TO_VEC4(w, w, w, z); \
PREFIX##_SHUFFLER_TO_VEC4(w, w, w, w);
Вспользуемся этим списком в макросах
DECL_SHUFFLERS(4),
```

УДК: 571.1

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТНИ ШАКЛЛАНТИРИЛИШИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошимов У. Ҳ. (ТДЮУ), Бўриева С., Тошимов А. Ҳ. (СамДАҚИ)

В статье рассмотрены вопросы внедрение электронного государство в Республике Узбекистан, поднять в новый уровень отношение между государственный органами и физическими и юридическими лицами, обеспечение эффективное государственные услуги с помощью активного применения информационно-коммуникационной технологии, а также повышение эффективности электронного оборота документов.

```
NEST_SHUFFLERS(4) и IMPL_SHUFFLERS(4):
#define DECL_SHUFFLERS(N)
ENUM_SHUFFLERS_FOR_VEC##N(DECL)
#define NEST_SHUFFLERS(N)
ENUM_SHUFFLERS_FOR_VEC##N(NEST)
#define IMPL_SHUFFLERS(N)
ENUM_SHUFFLERS_FOR_VEC##N(IMPL)
Осталось провести следующие операции:
• объявить необходимые структуры в макросе
DECL_SHUFFLER_TO_VEC4(x, y, z, w);
• добавить переменные в объединение в макросе
NEST_SHUFFLER_TO_VEC4(x, y, z, w);
• определить реализацию перестановки в макро-
```

се `IMPL_SHUFFLER_TO_VEC4_C(x, y, z, w)`. Данные макросы принимают имена компонентов. Например, для перестановки `v.rbag` необходимо вызвать макросы

```
****_SHUFFLER_TO_VEC4(r, b, a, g).
```

В объявлении структуры мы опишем входящую в нее переменную типа `__m128` и объявим оператор преобразования в `vec4`:

```
#define DECL_SHUFFLER_TO_VEC4(x, y, z, w)
struct
Shuffler_##x##y##z##w {__m128 hw; inline
operator vec4() const;}
```

Для добавления переменной в объединение укажем ее корректный тип и имя:

```
#define NEST_SHUFFLER_TO_VEC4(x, y, z, w)
Shuffler_##x##y##z##w x##y##z##w;
```

Наконец, для реализации операции `swizzle` воспользуемся указанным выше кодом построения маски:

```
#define IMPL_SHUFFLER_TO_VEC4_C(x, y, z,
w) inline
Shuffler_##x##y##z##w::operator vec4() const {
return vec4(hw);}
```

Таким образом, был реализован класс четырехкомпонентного вектора для *CPU*, аналогичный используемому на *GPU*. Другие встроенные типы реализуются аналогично.

Список источников

1. Dean J., Ghemawat S. MapReduce: Simplified Data Processing on Large Clusters. <http://labs.google.com/papers/mapreduce-osdi04.pdf>
2. http://www.gpureview.com/show_cards.php

In article considered adaptation of electronic government in Republic of Uzbekistan, promotion new level relations between government and individuals and legal entity, providing effectiveness government services actively using ICT, as well as, rising effectiveness of electronic circulation of documents.

Кўп асрлик жаҳон тараққиёти давомида давлат ва унинг фуқаролари ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга ва долзарб масала бўлиб келган. Бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятининг ошиши, аҳолининг ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланишининг ўсиши давлат бошқарувида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, жисмоний ва юридик шахслар билан давлат органлари ўртасидаги алоқаларни ахборот коммуникация технологияларидан бевосита фойдаланган ҳолда кенгайтиришни тақазо этмоқда.

Мамлакатимизда бу борада кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Ахборотлаштириш, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантиришга оид қонунлар, қонун ости ҳужжатлари қабул қилинган ҳамда бундай қонунларни такомиллаштириш ва янгиларини қабул қилиш жараёни давом этмоқда.

Электрон ҳукумат атамаси дастлаб XX асрнинг 90 йилларида пайдо бўлган. Бу атаманинг пайдо бўлишига сабаблардан бири бу Интернетнинг вужудга келиши ва унинг аҳоли орасида кенг тарқалиши ҳамда дунё ҳамжамияти сиёсатчилари орасида давлат бошқарувини либераллаштириш ва очиқлигини таъминлашга қаратилган концепциялари сабаб бўлган. Бу концепциялар ва нуқтаи назарларнинг пайдо бўлишига бошқарувнинг бюрократик моделининг инқирози, шунингдек, аҳолининг бир қанча 100 йиллар давомида давлат ҳокимияти легитимлигини таъминлаб келган сиёсий институтларга нисбатан ишончини пасайиши сабаб бўлган – деб ҳисоблайди П. В. Григорьев [2]. Электрон ҳукумат янги технологиялардан, айни дамда, Интернет тармоғидан самарали фойдаланган ҳолда давлат органлари ва фуқаролар ўртасида муносабатларни амалга оширишни назарда тутди [3].

Интернет энциклопедияларда электрон ҳукумат атамасига “фуқаролар, бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари, давлат хизматчиларига ариза берувчи ва давлат органлари ўртасидаги шахсий алоқаларни камайтирган ҳолда ҳамда ахборот технологияларини максимал қўллаган ҳолда ахборот бериш ва давлат хизматини кўрсатиш” деб таъриф берилган. Германия Федератив Республикасининг электрон ҳукумат тўғрисидаги меморандум тайёрлашда мамла-

катнинг турли қисмларидан 70 дан ортиқ экспертлар катнашган ва бу меморандумда эҳукумат “жамоат фикрини шакллантириш жараёни, норматив ҳуқуқий ҳужжат муҳокамаси, сиёсий маъмурий ва давлат функцияларини ахборот технологияларини интенсив қўллаган ҳолда амалга ошириш” деб эътироф этилган [4].

Ўзбекистонда бу атамага ҳуқуқий таъриф “Электрон ҳукумат тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунида келтирилган бўлиб, унда “давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматларини кўрсатишга доир фаолиятини, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора тадбирлар ва техник воситалар тизимидир” [1] деб белгилаб қўйилган.

Қонунда таъкидланганидек электрон ҳукуматнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги, тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлаш, уларнинг маъсулияти ва ижро интизомини кучайтириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишни таъминлашнинг қўшимча механизмларини яратиш;

- ариза берувчилар учун мамлакатнинг бутун ҳудудидаги давлат органлари билан ўзаро муносабатларни электрон ҳукумат доирасида амалга ошириш бўйича имкониятлар яратиш;

- аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ўзаро ҳамкорлиги ва уларнинг маълумотлар базалари ўртасида ахборот алмашинуви механизминини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида “бир дарча” принципини жорий этиш;

- тадбиркорлик субъектларининг электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга, шу жумладан, статистика ҳисоботини тақдим этиш, божхона расмийлаштируви, лицензиялар, сертификатлар бериш жараёнларида, шунингдек, давлат органларидан ахборот олиш жараёнида электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга ўтказиш;

- тадбиркорлик субъектларининг электрон тижорат, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали маҳсулотни сотиш ва харидларни амал-

га ошириш тизимларидан фойдаланишни, шунингдек коммунал хизматларни ҳисобга олишнинг, назорат қилишнинг ва улар учун ҳақ тўлашнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этишни кенгайтириш;

- нақд бўлмаган электрон тўловлар, давлат харидларини ошириш, масофадан фойдаланиш тизимларини, банк молия соҳасидаги фаолиятнинг бошқа электрон шакллари ривожлантириш.

Юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширишдан кўзланган мақсад давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришдан иборат. Яъни “э-хукумат” амалдаги мавжуд давлат бошқаруви тизимини ўзгартирмайди, унга қўшимча восита вазифасини бажармайди балки, янги ахборот коммуникация технологияларини фаол қўллаган ҳолда фуқароларга самарали давлат хизматларини кўрсатилишини таъминлайди.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, электрон ҳукуматни шакллантиришда қуйидагиларга муҳим эътибор бериш лозим:

- Юқори даражада ахборотлашган фуқаролик жамияти асосларини яратиш;

- “Бир дарча” принципида ишловчи фуқаролар ва давлат органлари ўртасида интеграциялашган ягона макон яратиш;

- Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш;

- Давлат органларининг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан электрон ҳужжат айланишидан фойдаланишга тўлиқ ўтказиш, ахборот алмашилишини таъминлашнинг механизминини шакллантириш ва унинг имкониятларидан кенг фойдаланиш;

- Мамлакатимизда электрон ҳукуматни шакллантиришда ривожланган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш;

- Бюрократик тўсиқларни йўқотиш;

- Молиявий харажатларни минималлаштириш;

- Коррупцияни олдини олиш.

Юқоридаги фикрларни ҳаётга тадбиқ этилиши, бизнинг фикримизча, давлат бошқаруви жараёнида “э-хукумат”нинг қўлланилиши бир қанча ижобий натижаларга олиб келади:

Биринчидан, давлат бошқарувидаги демократик тамойиллар ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида амалга оширилади.

Иккинчидан, кенг аҳоли вакиллари ўртасида ташаббус амалга оширилади, бу ташаббус қарорлар қабул қилишга ўз таъсири

кўрсатмай қолмайди. Бунда фуқаролар қабул қилиниши режалаштирилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари юзасидан ўз фикр ва мулоҳазалари билан бевосита иштирок этишади.

Учинчидан, фуқаролар ўз фаолликларини бевосита давлат органлари билан тўғридан-тўғри муносабатга киришмаган ҳолда ҳамда харажатларни минималлаштирган ҳолда амалга оширишади. Ушбу омил таъсирида давлат органларида сарф харажатлари камаяди ва давлат бюджети маблағлари тежалади.

Тўртинчидан, “э-хукумат” воситасида жамоат назорати ўрнатилади, яъни давлат органлари фаолияти устидан кенг омма, шу жумладан, ҳокимиятнинг бир тармоғи устидан бошқа ҳокимияти тармоғи назорати ўрнатилади. Бу билан фақатгина жамоат назоратигина эмас, шу билан биргаликда ҳокимиятларнинг “бир-бирини тийиш” принципи амалга оширилади.

Бешинчидан, фуқароларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш даражаси ва кўлами, шунингдек, уларнинг ахборот технологияларидан фойдаланиш саводхонлиги ортади.

Олтинчидан, давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги диалогни таъминловчи ягона макон вужудга келади.

Мамлакатимизда ушбу соҳанинг ҳуқуқий базаси яратилган. Дастлаб, 2003 йил 11 декабрда “Ахборотлаштириш тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Мазкур қонунда ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсатининг, соҳани давлат томонидан тартибга солиниши, соҳадаги махсус ваколатли органлар, ахборот ресурслари ва ахборот тизимини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари мустақкамланган. Ушбу қонундан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 1730 - сонли Қарори, 2012 йил 30 декабрда “Интерактив давлат хизматларини кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” 378-сонли Вазирлар Маҳкамасининг Қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда Ягона интерактив давлат хизматлари портали низоми тасдиқланган ва бугунги кунда портал фаолият олиб бормоқда.

2015 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида” Қонуни қабул қилиниши электрон ҳукуматни жорий қилишда муҳим қадам бўлди. Ушбу

